



1972



50



ГУЛИСТОН
12
1972







ЯШАСИН
ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР
МУСТАҲКАМ
ИТТИФОҚИ!

ГБ УаОСР
Ж



ИШОНЧ ВА БИРДАМЛИК

«Биз миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини, бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳеч қандай зўрлик ўтказишга йўл қўймайдиган иттифоқни истаймиз, тўла-тўқис ишончга, қардошларча birlikни аниқ тушунишга, мутлақо ихтиёрийликка асосланган иттифоқни истаймиз».

«Бошқа мамлакатларда топилиши маҳол бўлган бу хилдаги кўп миллатли давлатда миллий масалани ечишдаги беш йиллик тажрибамиз бизни шунга батамом ишонтирадики, бундай ҳолларда миллатлар манфаатига бирдан-бир тўғри муносабат—уларнинг истагини тўла қондириш ва миллий заминда чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай низоларни бутунлай истисно қиладиган шароит яратиб беришдир».

«Ишчилар кўҳна дунёга, миллий зулм, миллий нифоқлар ёки миллий алоҳидалик дунёсига биронта ҳам имтиёз, кишининг киши томонидан заррача ҳам эзилишига йўл қўймайдиган янги дунёни, барча миллат меҳнаткашларининг бирлиги дунёсини қарама-қарши қўядилар».

«Совет республикаси барча миллатларнинг меҳнаткашларини бирлаштиради ва миллатидан қатъи назар барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилади».

В. И. ЛЕНИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

№ 12 (72) 1972
Декабрь

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

«Совет Иттифоқи озод халқларнинг илгари тарихда мисли кўрилмаган бирдамлик ва дўстлик муносабатларини ўзида мужассам этади. Бу дўстлик — социализмнинг энг буюк галабаларидан бири, совет жамиятини ҳаракатга келтирувчи қудратли куч, СССРдаги барча миллат меҳнаткашларининг коммунизм қуришдан иборат энг олижаноб мақсад йўлидаги ижодий бунёдкорлигининг битмас-туганмас манбаидир».

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» деб чиқарган қароридан)

Ягона оилادا

СССР

1922 йил 30 декабрда ташкил топган. СССР таркибига 15 иттифоқчи республика киради. Бу республика-

лар 20 автоном республика, 8 автоном область ва 10 миллий округни ўз ичига олади. Майдон 22,4 миллион квадрат километр. Аҳолиси 246,3 миллион киши. Пойтахти — Москва.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ



ДЕКЛАРАЦИЯ

ОБ ОБРАЗОВАНИИ СОЮЗА СОВЕТСКИХ СОЦИАЛИСТИЧЕСКИХ РЕСПУБЛИК

1. Впервые образованные советские республикан государства вошли в единую историю, стали единым народом.

Так, в истории казались — национально-этнические границы и различия, национально-этнические различия и различия, национально-этнические различия и различия, национально-этнические различия и различия.

Национально-этнические различия и различия, национально-этнические различия и различия, национально-этнические различия и различия, национально-этнические различия и различия.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Бутуниттифоқ Советлар Биринчи съездининг мажлислар залида. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлиги шу мажлис минбаридан эълон этилган.



Москвадаги Академик Большой театр. Бутуниттифоқ Советлар Биринчи съезди шу бинода ўтган.

ДОГОВОР

ОБ ОБРАЗОВАНИИ СОЮЗА СОВЕТСКИХ СОЦИАЛИСТИЧЕСКИХ РЕСПУБЛИК

1. Впервые образованные советские республикан государства вошли в единую историю, стали единым народом.

Таким образом, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества, впервые в истории человечества.

Бу ҳужжатлар — тарих гувоҳлари, унинг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини барпо этиш йилларига доир ёрқин саҳифаларидир. Мамлакат Гражданилар урушдан голиб чиқиб, халқ ҳўжалигини тикламоқда, янги давлат аппаратини такомиллаштиришда эди. Бу саҳифаларда ўша даврнинг қийинчиликлари билан бирга, янги ташаббус ва янги муносабатлар, революцион кўтаринчилик, озоқлик руҳи ва қатъият ҳам сезилиб турибди. Бу ихчам ва миҳан сатрларда янги ҳаёт нуришга киришган халқларимизнинг бирдамлик нафасини аниқ ҳис қиламиз.

«У ерда, капитализм лагериди — миллий инизо ва тенгсизлик, мустамлака қўллиги ва шовинизм, миллий зулм ва қирғинлар, империализм ваҳшилик ва урушлар.

Бу ерда, социализм лагериди — ўзаро миҳонча ва тинчлик, миллий озоқлик ва тенглик, халқларнинг ўзаро тотувлиги, биродарона ҳамкорлиги.

...Фақат Советлар лагеридигина, аҳолининг кўпчилигини ўз атрофига жипслаштирган пролетариат диктатураси шарон-

тидагина миллий зулмин тағ-томири билан йўқ қилиш, ўзаро миҳонча вазиати ва халқларнинг дўстона ҳамкорлиги асосларини юзага келтириш имкони тугилди.

...Шароит совет республикаларини ташқи ҳавфсизликни ҳам, ички ҳўжалик ривожини ҳам, халқларнинг миллий тараққиёт эркинлигини ҳам таъмин этишга қодир бўлган ягона иттифоқ давлатига бирлаштиришни қатъий талаб этмоқда.

Яқинда ўз Советлар съезидига тўпланиб, «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган совет республикалари халқларининг иродаси бу Иттифоқ тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрли бирлиги эканлигига, ҳар бир республиканинг Иттифоқдан эркин равишда чиқа олиш ҳуқуқи таъминланганлигига, мавжуд бўлган ва шунингдек, келажикда барпо этилиши мумкин бўлган барча социалистик совет республикалари учун бу Иттифоққа қўшилмиш йўллари очик эканлигига, янги иттифоқ давлати 1917 йил октябридаёқ асос солинган тинч-тотув яшаш ва халқларнинг биродарона ҳамкорлигининг муносиб самараси эканлигига миҳончи гаров бўлиб хизмат қилади...»



Доҳиймиз Владимир Ильич Ленинга унинг она шахри — Ульяновска ўрнатилган ҳайкал.

Ягона оилада

РСФСР

1917 йил 7 ноябрда [25 октябрь] тузилган. ССР Иттифоқига 1922 йил 30 декабрда кирган. РСФСР таркибида 16 автоном республика, 5 автоном область, 10 миллий округ бор. Майдони 17 075,4 минг кв. км. Аҳолиси 131,4 миллион киши. РСФСР саноатнинг барча тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаради. У Иттифоқимизда етиштирилётган энг зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмидан зиёдрогини етказиб беради. РСФСРда ҳамма турдаги 100 минг умумий таълим мактаби, 2450 ўрта махсус ўқув юрти, 462 олий ўқув юрти мавжуд. 8347 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот нашрлари чоп этилади. Пойтахти — Москва.

ПАХТА МЕҲРИ

Бир туп даракта уч хил мева етиштирилганини кўрган киши боғбонга қўйил қолади. Уни алқайди, улуғлайди. Бу ҳақли мақтов. Сабаби, ўша боғбон дил-заковат билан янгилик яратибди, йўқни бор қилибди. Истеъдод деганлари мана шу, менингча.

Бир хўжаликда йигирма хил зироат етиштирилса, унинг ижодиори, талантли ташкилотчиси шаънига мақтовлар айтилиши шубҳасиз. Бойвут районига «1-Бойвут» совхози меҳнат аҳли ва уларнинг қўли гул ишчилар коллективи раҳбари коммунист Содиқжон Отахонов ана шундай эъзозга лойиқ одамлардан.

Содиқжон Фарғонадан келиб совхозни оёққа тургазгунча тиниб билмади. Унинг раҳбарлигида пухта ўйлаб ташкил этилган меҳнат тўфайли тез орада совхоз машъал хўжаликлардан бирига айланди.

1970 йилнинг эрта баҳорига директорликка тайинланган Содиқжон Отахоновнинг ён дафтарида 1969 хўжалик йилининг якунига доир рақамлар пайдо бўлди: тайёрланган пахта 8 минг тонна — план ўлда-жўлда қолиб нетган. Совхознинг давлатдан қарзи 15 минг 400 тонна. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 2 минг 400 литр, гўшт учун тайёрлов пунктига топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 350 килограмм. Хуллас, даромаддан харажат кўп. Партия коммунист Содиқжон Отахоновнинг тадбирдорлигига, хўжаликни қолоқликдан чиқаришига ишонч билдирди.

Одамларнинг тақдирини учун масъулият сезган киши меҳнатни севади. Директор шундай меҳнаткаш одам эди. У одамлар билан тил топишди, янгиликка ихлосманд бўлди, техникага таянди. У меҳнат сабаби тирикчилик эмас, балки виждон амри эканлигини беш қарининг қўлига қўйди. Қалбига ўти бор, жонкуяр кишилар билан бамаслаҳат иш тутди.

Совхоз юксалиш сари қадам қўйди. 1970 хўжалик йилида давлатга 13 минг тонна пахта топширилди. Йиллик ўсиш кўтилгандан зиёда бўлди. 1971 йилда эса плани бажарилмаган тармоқ қолмади. Пахта 16 ярим минг тоннага етди.

Совхознинг соф фойдаси ҳақида айрим рақамларни келтирайлик. 1969 йилда турли тармоқлардан 1 миллион 820 минг сўм, 1971 йилда 4 миллион 652 минг сўм соф фойда олинди. 1972 йилнинг кўрсаткичи бундан ҳам ортиқ. Бу йил тайёрлов пунктларига жўнатишган салкам 17 минг тонна пахтанинг 65 проценти «зангори нема»ларда терилди.

Совхозда Тошбой Шойминов, Аҳмаджон Исмаилов, Муллажон Олимжонов, Аббосжон Мирзаев каби пахта усталари, Абдужаббор Саидмуродов, Дилоромжон Абибуллаева сингари механизация даргалари етишиб чиқди. Уларни пахта ишчи шарафлар уфцига кўтарди. Пахта тўфайли совхоз кўркам, одамларнинг турмуши фаровон. Шунинг учун ҳам бойвутликларнинг пахтага меҳри беқиёс.

М. НАЗАРОВ

Тошкент область Оқдўғрон районидagi Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхозининг «оқ олтин» тоғлари.

А. АБАЛЯН фотоси



ЎЗБЕК ИСТОН-МЕНИНГ ВАТАНИМ



арқий ва шарқи жанубий ҳебараси олам томи ҳисобланган юксак Помир тоғларининг ҳаммиша Баҳор этакларига, Қирғизистон республикасининг ям-яшил ён бағрига бориб туташган, Жанубий Тянь-Шань тоғлари билан ўралган Тожикистон, Афғонистон

ва Эрон давлатлари билан қўшни-чегарадош, ғарби тарихда Оксус ёки Жайхун деб аталган машҳур Амударё билан, Туркманистон республикаси билан, бора-бора Амунинг ҳар икки қирғоғини ўз қучоғига олган Хоразм воҳаси билан мукаммаллашган, шимоли Орол денгизи ва Қозғистон республикаси билан минглаб километрга муттасил ендош бўлган, ярим миллион квадрат километрга тенг макдонни эгаллаган улкани Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси деб атайдилар.

Мен ўзбек шоириман, бу ер — менинг она-Ватаним!

Бу ўлкада иқлим ўртача, сув мўл, ер унумдор, қуёш нури етарли. Тоғлари, тоғ оралиқлари, ўрлари-қирлари, адирлари, текисликлари, Орол денгизи ва икки азамат дарё Сир ва Аму қирғоқлари, дельталари табиий емишларга, ўлоқларга, ёввойи қушларга, ов ҳайвонларига, баллиқларга гоят бой. Шунинг учун ҳам бу ерлар инсониятнинг қадимий масканларидан бири бўлиб келган. Бунга Бойсун тоғидати Тешиктош горидан, Самарқанд ёнидаги Омонқўтон горидан неандерталь одамларнинг мазорлари ва скелетларининг топиллиши гувоҳлик бера олади.

Сўнги — юқори палеолит ва мезолит даврида кишиларнинг тўхтаб жойлари Самарқанда 1939 йилда ўтказилган қазилмаларда топилди. Ўзбекистон жануби — Зараўтсойда бу даврларга оид тошга чизилган расмларда ов манзаралари тасвирланган. Янги тарихдан 3—4 минг йиллар илгари Амударёнинг оқавасида яшаган халқларнинг Калтаминор маданияти деб аталган машҳур асарлари, ёғоч ва қамшдан қилинган ҳавозали турвур жойлари, баллиқ ва ҳайвон суякларидан ясалган зийнат ва ов қуролилари ҳам топилди. Хоразмда, Тозабөгёнда топилган мазорда юқоридаги асарларга оид бронзадан ишланган турмуш, зийнат, уруш ва ов қуролилари топилган.

Эрамыздан 2—1,5 минг йиллар илгари деҳқончилик маданияти ривожланиб боргани Ўзбекистон территориясининг кўп ерларида ўтказилган қазилмалардан маълум. Бу ерларда режали экув майдонлари, мукаммал сугорих системалари — каналлар, ариқлар бўлган. Бу замонда рангли сопол

идишлар, ғиштлар вужудга келади. Эрамыздан минг йиллар бурун темир даври бошланди. Бу замонда деҳқончилик, чорвачилик, меҳнат тақсими пайдо бўлади.

Бу территорияда кулдорлик асосига қурилган Бақтрия, Хоразм, Сугд давлатлари ташкил топди. Эрамыздан аввалги беш юзичи йилларга келиб, бу ерларни Эрон давлатининг Аҳманийлар сулоласи босиб олади. Бу босқинга қарши курашганлар Эрон шоҳи Доро I томонидан раҳмсизларча бостирилади. Аҳманийлар зўравонлиги ўз навбатида Александр Македонский қўшинларининг зарбасига учрайди. Эрамыздан илгариги 229—327 йиллар Грек-Бақтрия давлати ташкил топади. Ва ҳоказо ва ҳоказо...

Мен бошдан кечирилган тарихдан бир неча шошилинч жумлалар келтирдим. Бу маълумотларни тарихимиз билан танишиб кўйинг деган мақсадда ёганим йўқ, балки биз — ўзбеклар ҳам Ер юзидagi анча бошқа халқлар қатори жуда қадимий халқлардан ҳисобланамиз, демокчиман. Ўзбеклар — қадимий халқ. Бунга Геродот ҳам, бир талай хитой манбълари ҳам, кўп тарих ёдгорликлари ҳам далилдор.

Бу ерларда яшовчи халқлар тарихда кўп бор чет элликлар босқинига дучор бўлди. Булардан энг машҳури VII асрдаги араб истилосидир... Ундан сўнг энг даҳшатли босқин мўғуллар томонидан бошланган юриш эди (XIII аср бошларида). Ўзбекистон шарқи шимолидан бостириб келган бу ваҳший қуюн ўз йўлида учраган ҳамма моддий ва маънавий бойликларни ер билан аксон қилди. Чоч (ҳозирги Тошкент), Самарқанд, Бухоро, Урганчдек маданий бой шаҳарларнинг кули қадқа совурилган, бутун бойликларимиз ўйрилган эди. Бироқ халқимиз босқинчиларга қарши тинмай курашди. Вайроналарни тиклаб, юртни обод қилди, эҳди, қурди, ижод этди.

Ўзбек халқининг ўз атрофидаги қўшни халқлар билан қадим-қадимда ҳам савдо алоқалари бўлиб келган. Хитой, Хиндистон, Эрон, Арабистон, Сурия, Русь билан мунозаам савдо қаровонлари алмашилиб турган.

«Ипак йўли» деб ном қозongan, Хитойдан Ғарбга томон Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари Андижон, Марғилон, Хўжанд, шимолда Чоч, Самарқанд, Бухоро орқали Эронни босиб Румога, Румодан Европанинг кўп шаҳарларига, хатто Мадридгача борган катта савдо қарвон йўли бу территорияда яшовчи халқларнинг иқтисодий, маданий ривожланишида гоят катта роль ўйнаган.

Х а с р л а р д а Бухорода, Самарқандда, Хоразмда или ва маданият юксак поғоналарга кўтарилди. Медицина, математика, фалсафа, адабиёт, агрономия, археология ва бошқа соҳадаги илмлар

ўз замонасига нисбатан, бошқа халқларга қараганда анча юқори турди. Бу ерда етишиб, касби намол топган улуг олимлар Ал-Хоразмий, Форобий, Замашарий, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний, Абдурашид Ватвот каби зотлар жаҳон маданиятининг бир неча поғона юқори кўтарилишига, инсоният эҳнининг ривож топишига сабаб бўлдилар. Ўз замонасининг йирик архитектура аъналарини вужудга келтирдилар. Бухорода Масжиди Нуъмон, Сомоний мақбараси, Минораи Калон, Хоразмда Нажмиддин Куббо мавзолейи, Марв, Самарқанднинг қадимий иншоотлари шулар сардосидандир. Қарвон йўллари бўйлаб, савдогарлар учун қурилган қават-равотлар, қудуқлар, сардобалар, қарвонсаройлар ҳам шулар жумласидандир.

Уша замонлардаёқ савдо билан бирга касбиди, майда хўнарамдочлик ҳам юқори даражага кўтарилган эди. Мис, қумуш, кўрғошим, темир каби металлари қазиб олиш ҳам-йўлга қўйилган эди. Шарқий Европа, Русь, Скандинавия давлатлари билан алоқа бор эди.

Амир Темур салтанати ҳукм сурган замонда (1370—1405 йиллар) ҳозирги Ўзбекистон территорияси шу империя составида эди. Темур ўз пойтахти қилиб Самарқандни танлади. Уза ўлкаларини бойликларини ташиб келиш билан бирга, етук олимлар, уста хўнармандлар, ажойиб меъмор ва нақшошларни ҳам ўз атрофига тўплади. Натижада ажойиб архитектура намуналари рўёбга келди. Самарқанддаги Шохизинда ансамбли, Ғури Мир, Бибиҳоним мадрасаси, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Ясавий мақбараси, Темур кўприги, Шаҳри-сабздаги Оқсарой, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги бир талай машҳур бинолар шу замоннинг ёдгорликларидир.

Темурнинг набираси Улугбек (1394—1449) замонасида илму маърифат, астрономия, математика яна юқори поғонага кўтарилди. Али Қўшчи, Қозизода Румий, Жамшид ибн Маъсуд ал-Қошчи каби буюк мунажжимлар ташаббуси билан Самарқанд яқинида расадхона (обсерватория) барпо қилинди ва «Зижи Курагоний» деб ном олган астрономик тақвим ва юлдузлар каталоги ишлаб чиқилди. Бухоро ва Самарқанддаги Улугбек мадрасалари, бир неча масжидлар, Чилстун деб ном олган сарой ва бошқалар шу замоннинг архитектура ёдгорликларидир. Темурнинг чевараси Хўсайн Бойқаро замонасида ҳам адабиёт, наққошлик санъати тараққий этди. Лутфий, Саккокий, Отоий ва ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий, хаттот-рассом Беҳзод шу замонда яшаб, ижод қилди. Темурдан сўнг унинг авлодлари ўртасида бўлган тахт учун талашуварда империя аста-секин кулай бошлади. Узлуksиз қирғинлар натижасида мамлакат айрим хонлиқларга бўлинди. Шарқда,

ШЕЪРИЯТДА ЯНГИ СЎЗ

Ўзбек совет шеъриятининг танилиши вакиллари билан Рамз Бобонон ижоди кўп иллатли совет нитобхонига яхши таниш. Унинг шеър ва поэмалари рус ҳамда бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Совет Иттифоқининг шонли эллик йиллиги арафасида шoir ҳайтида қувончли воега юз берди: у «Оби ҳайт» дostonи учун СССР Давлат мунофоти лауреати унонига сазовор бўлди.

Дostonни Ленин мунофоти лауреати Николай Тихонов «Правда» газетасида ёзган мақоласида «Ўзбек совет шеъриятида янги сўз», деб юксак баҳолади. Ҳақиқатан

ҳам «Оби ҳайт» шoir ижодидагина эмас, ўзбек совет адабиётида, умумсовет адабиётида катта ҳодисадир. Дostonда Урта Осиё республикалари турмушидаги туб ижтимоий ўзгаришлар, Лениннинг Мирзачўлини узлаштиришга асос солган денрети самаралари, халқлар дўстлиги, қаҳрамон совет халқининг жасорати баланд руҳ билан тараннуву этилади. «Оби ҳайт» поэмаси кўп иллатли совет Ватани шазнига самийий маҳдиядир.

Шoir Рамз Бобонон номмунизму курайтган замондошларимиз ҳақида ҳиноя қилувчи янги-янги асарлар устида ишламоқда. Унинг яқиндагина ёзиб тугатган СССР 50 йиллигига бағишланган дostonида ҳам улугвор замонамиз, жасур замондошларимиз, халқлар дўстлиги куйланади.

Кўп минг сонли «Гулистон» журналхонлари номидан ҳурматли шoirимизни юксак мунофот билан қўтлаймиз, туганмас илҳом, куч-ғайрат ва ижодий ютуқлар тиллайми!





Фаргона водийси ва Тошкент вилоятини ўз ичига олган Кўқон хонлиги; ўрталикда Самарқанд, Бухоро, Чоржўй, Шахрисабз ва бошқа вилоятларда Бухоро хонлиги; Шимолда Урганч, туркман ерларини ўз ичига олган Хева хонлиги пайдо бўлди. Шайбонийхондан енгилган Бобирмирозо Ҳиндистонга қочиб, Улуғ Мўғул империясини ташкил қилди.

Бу катта тарихий муқамал ўрганмоқчи бўлганлар Геродот, Хитой кўлэмалари, Марко Поло, Клавихо, Вамбери, Наршахий, Табарий ва бир талай бошқа олимларнинг тарихий асарларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ана шу уч хонлик ташкил топган вақтдан бошлаб, қарийб уч аср мобайнида минг йиллар бўйи кашф қилинган йирик маданиятимиз заволга учради. Халқ бир томондан, дин ва дин ҳомийлиги — ишонлар, мулалар, иккинчи томондан, бойлар, катта ер эгалар, мулкдорлар, хонлар, амирлар, беклар томонидан аёвсиз эксплуатация қилиниб, жаҳлатда, қоронғиликда қолдирилди. Хараба уйларда очлик, яланғочлик, номусбарбодлик, зулм, феодализмнинг ирганч исканжасида инграб, XIX асрнинг биринчи ярмига чиқиб келди. Кейин Россия империяси бу территорияларни ўзига қўшиб ола бошлади. 1865 йилда Тошкент — Ўзбекистоннинг шимолий йирик маркази Россияга қўшилди. Шундан бошлаб, Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Русларнинг илгор иқтисодий, маданий таъсири бу ерларга кириб кела бошлади.

Қадимий Урта Осиёнинг қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар каби халқлари қатори ўзбекларнинг ҳам янги порлоқ тарихи Ленин партияси раҳбарлигида, рус халқининг, ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар фидойилиги билан галаба қилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси шарофати билан бошланади.

Революция фақат рус халқининг эмас, балки унинг биродарлари бўлган бир қатор халқларнинг, ҳатто энг кичик миллатларнинг ҳам чинакам озодлигини таъминлади.

Коммунистлар партияси, рус биродарларимизнинг самимий қўллаб-қўлтиклаши натижасида, Октябрнинг биринчи кунидан бошлаб янги социалистик ҳаёт кура бошлади. Завад-фабрика ишчиларга, ер меҳнаткаш деҳқонларга олиб берилди. Илму маърифат, маданиятнинг биринчи гуллари бизнинг ватанда ҳам япроқ ёза бошлади. Биринчи даврларда Шўроларни мустақамлаш учун, миллатчиликка, сотқинлик, босмачилик, очлик, бузғун-

чиликка қарши шиддатли курашлар олиб бордик. Катта жанглардан сўнг мамлакат ободлиги, халқ маърифати, ер интизоми, феодализм қолдиқларини тугатиш, хотин-қизлар озодлиги учун жанглар бўлди.

Ер ислоҳоти ўтказдик, саводсизликни тугатдик. Миллий чегараланиш натижасида қозоқ ҳам, тожик ҳам, туркман, қирғиз ҳам, ўзбеклар ҳам ўз миллий республикаларига, ўз давлатларига эга бўлдилар. Қадим-қадимдан ээилиб келган халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаб оломоқларига буюк имкониятлар тугдириб берилди.

Ўзбекистонда биринчи марта Ленин декрети билан Урта Осиё университети ташкил топди. Илму маърифатга чанқоқ халқ фарзандлари бу ерга оқиб кела бошладилар. Ленин йўлланмаси билан келган рус олимлари — бизнинг муаллимларимиз уларга таълим бера бошлади.

Аста-секин фanning ҳамма соҳаларида миллий кадрлар етишиб чиқди. Ҳозир ўзбекларнинг ўз Фанлар академияси бор. Юзлаб фан докторлари, минглаб фан кандидатлари, ўн минглаб етув олимлар халқни илму маърифатнинг яна ҳам юқори чўққиларига кўтариш, Ватанимизнинг иқтисодий, техника қудратини жаҳондаги олдинги давлатларга етказиб олиш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон асосан пахтакор мамлакатдир. Ота-боболаримиздан қолган бу қутлуғ мерос, муқаддас хунаримизни мисли кўрилмаган юксакликларга кўтардик. Мамлакатимизнинг гигант совхозлари, йирик колхозлари, замонамизнинг илгор агротехникасида фойдаланиб, ишчи ва деҳқонларнинг унумли меҳнати натижасида жаҳонда мисли кўрилмаган ҳосил олишга муяссар бўлдик... Пахтакорликнинг деярли ҳамма жараёни механизациялаштирилган. Ерга чигит тушишдан бошлаб, йиғиб-териб олгунгача бўлган ҳамма меҳнатни асосан машина бажаради. Бу машиналарни ўзиниш ишлаб чиқарамиз. Ўзбекистон аграр мамлакатига бўлиб қолмай, илгор индустриал мамлакат ҳамдир.

Ўз пахтаимизни заводларимизда қайта ишлаб, қудратли комбинатларимизда ажойиб матолар тўкиб, ранг бериб чиқарамиз. Тошкент Тўқимачилик комбинати Иттифоқимиздаги йирик корхоналардан ҳисобланади.

Пахтаимиз учун зарур бўлган ўғитларни ҳам ўзиниш ишлаб чиқарамиз. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги йирик кимё комбинати бутун республикага ўғит етказиб беради. Кимё заводлари биргина Чирчиқда эмас, бошқа шаҳарларда ҳам бор.

Ўзбекистон иқтисодининг бир тармоғи ипакчилик. Биз Иттифоқимизда энг кўп ипак берувчи республикамыз. Маргилон, Самарқанд ипак комбинатларида ипакдан жаҳон бозори учун ҳам қимматбаҳо матолар, атласлар, шоҳилар, крепдишлар ишлаб чиқарилади.

Жаҳон бозорига энг аъло нав қоракўл териларини етказиб берувчи ҳам бизнинг юртимиз.

Сиз аввало Тошкентимизга келинг. Бу ерда ўнлаб театрлар, ўнлаб олий ўқув юртлири бор. Ажойиб йиғитларимиз, гўзал ва билимдон қизларимиз билан сўхбатда бўлинг. Йирик индустриянинг маркази бўлган пойтахтимиз XX асрга ярашиқ шаҳардир.

Бухоро яқинида топилган газ кани ўз запаси билан дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Рўзгоримизда, йирик корхоналаримизда ўзимизнинг зангори олов ёнади. Бухородан бошланган газ йўли аввал Самарқанддан ўтиб, Тошкентга келди. Энди у улуғ Совет мамлакатининг саноат марказларига бормоқда. Водийларда йирик янги шаҳарлар барқ урмоқда. Охангарон, Олмалиқ, Бекобод, Янгийер, Чирчиқ, Навоий шундай шаҳарлардандир.

Охангарон республикамизнинг кўмир кани, Бекобод электримиз, пўлатимизнинг оташ кўраси, Чирчиқ ва Олмалиқ кимёгар, кончилар ватани, Янгийер пахтачилигимизда янги перспектив майдон.

Кўриқ ерларни ўзлаштириб, янги водийлар яратмоқдамиз. Мирзачўлини эгаллашни улуғ Ленин васият қилган эди. Биз бунни амалга оширдик. Езёвон кўриқларини эгаллаб, ўнлаб совхозлар барпо қилаётимиз.

Қишлоқларимизга боринг, қатор кетган гўзал уй-жойлар, клублар, театрлар, чойхоналар, шифонахоналар, асфальт йўл четлари кўркам дарактлар, салқин хиёвонлар, оқин-оқин сув тўла ариқлар, каналлар... Биз каналлар чиқаришни, ер тузишни севамиз. Катта Фаргона канали, Тошкент канали, Наманган канали, Эски Ангор канали, каналлар-каналлар, юз минг гектарлаб янгидан очилган обод ерлар! Шаҳар ва қишлоқларимиз, хонадонларимиз электр нури билан доимо равшан.

Биз иттифоқдош, орқадош халқлар билан бирга, улуғ Коммунистик партиянинг раҳбарлигида коммунизм куриш учун кундан-кун олға бормоқдамиз.

Янги тарих деб мана бунни айта бўлади.

1961



Мамлакатимизнинг дастлабки йирик нур манбаларидан бири — В. И. Ленин номидаги Днепр ГЭСи қурилганига 40 йилдан ошди. Ҳозир иккинчи Днепр ГЭСи қад кўтармоқда. Суратда: қурилиш котлованида

Ягона оилда

УКРАИНА ССР

1917 йил 25 [12] декабрда ташкил топган. ССР Иттифоқига 1922 йил 30 декабрда кирган. Майдони 603,7 минг кв. км. Аҳолиси 47,9 миллион киши. Санаятнинг чўян, пўлат, прокат, кокс, металлургия ускуналари, металл қирқувчи станоклари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, тепловозсозлик, тракторсозлик, кўмир, нефть, газ, темир рудаси қазиб каби асосий тармоқлари яхши тараққий этган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Совет Иттифоқидан муҳим ўрин тутди. Республика ҳамма тўрдаги 29,3 минг умумий таълим мактаби, 755 ўрта махсус ўқув юрти ва 138 олий ўқув юртига эга. 2.537 та газета, журнал ва бошқа вақтлик матбуот нашрлари мавжуд. Пойтахти — Киев. Киевдан Москвагача 856 км.

ДАСТЛАБКИ

КУНЛАР

1922 йилнинг 30 декабрида Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съезидга қатнашган 2214 делегат — совет республикаларининг тўла ва тенг ҳуқуқли вакиллари кўпмиллатли ягона иттифоқ давлатини тузишга қарор қилиб, уни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб атадилар.

Съезд раи.и М. И. Калинин охириг мажлисни ёпа-туриб, бундай деди: «Биз бу ерда ҳақиқий бирода-

рона бирдамликнинг биринчи ғиштини қўймоқдамиз. Халқларга азобли машаққатларсиз, ўзаро низоларсиз, дўстлик ва қардошлиқда яшаш имконини берадиган ҳаёт йўсинини топишнинг назарий муаммолари устидан инсониятнинг энг доно вакиллари минг йиллардан бери бош қотиради. Бу соҳада биринчи амалий қадам мана эндигина, ҳозирги кунлардагина қўйилмоқда».

Советлар мамлакатининг биринчи Бутуниттифоқ халқ оқсоқоли М. И. Калинин Узбекистон Советларининг I Таъсис съезди делегатлари орасида.



Ленинграддаги «Қизил путиловчи» заводининг тракторчилари ёш коллектив хўжалиқларнинг далаларида дастлабки жўякларни очишда ўзбек механизаторларига устозлик қилишди.

А. ШАЙХЕТ фотоси





Улуф Октябрь кўп миллатли Ватанимизнинг катта ва кичик халқлари ҳаётида муҳим ўзгаришларни юзга келтирди, Бу халқларнинг СССРга бирлашиши эса коммунизмга олиб борадиган ғолибона йўлдаги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» деб чиқарган қарорига қайд қилингандек, СССРнинг ташкил этилиши ўз сиёсий аҳамияти ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти жиҳатидан Совет давлати тарихида гоят катта ўрин тутadi.

1917 йилнинг октябрга қадар Россия халқларининг қисмати оғир, Белорус узибаликнинг, украин намунаси ва ўзбек дуторининг куйлари мунгли эди — бу барчага аён.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида капиталистик эксплуатация системасини ва миллий зулмин батамом тугатдилар. Барча иттифоқчи республикаларнинг тенглиги, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланиши таъминланди. Совет халқининг фидокорона меҳнати тўғрисида СССРда қудратли оғир санаот ва юксак тараққиёт этган қишлоқ хўжалигига эга бўлган социалистик жамият бунёдга келди. Чор Россиясининг феодал ва зримифеодал чекка ўлкаларида кўп сонли санаот ва маданий марказлари, обод шаҳар-қишлоқлар пайдо бўлди.

Ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида СССРда эришилган улкан ютуқлар Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг ҳамкорлигида меҳнати самарасидир.

Мамлакатнинг ўзаро боғлиқ иқтисодий комплексига Совет Белоруссияси халқ хўжалиги ҳам муҳим маъвқе эгаллайди. Республика корхоналарида бутун дунёга машҳур трактор ва автомобиллар, дастгоҳ ва телевизорлар, энг янги электрон асбоблар, мебель ва автомат линиялар, дори-дармонлар ва радио аппаратлари, музика асбоблари, соат ва фотоаппаратлар, минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилимоқда.

Белоруссия — катта қиммат республикасидир. Бизда корхоналар мамлакат ишлаб чиқариш кучларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш ва улардан фойдаланиш принципи асосида жойлаштирилган. Кейинги йигирма йил мобайнида Солигорск калий комбинати, Гродно қиммат комбинати, Светлогорск сунъий тола заводи, Гомель суперфосфат заводи ва ҳозирги замон қимматининг бошқа бир қанча йирек корхоналари ишга тушди.

Республика қишлоқ хўжалиги давлатнинг улкан ёрдамига таяниб, қисқа муддат ичда эсларга тенг йўлни босиб ўтди. Ҳозир Белоруссиянинг қолқоз ва совхозларида 140 мингдан зиёд трактор, 26 миңга яқин ғалла ўриш-йиғиш комбайни, 41 миңга яқин юк автомобилли, ўн миңга бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бор. Утган йили биз дон экин-ларининг ҳар гектаридан деярли 22 центнердан ҳосил кўтардик.

Белоруссия бир замонлар ботқоқлик ўлкаси деб аталар эди. Республика территориясининг учдан бир қисмининг катта ва кичик дарёлар ва қисми ўтган. Бахорги ёғинсочин даврида бу дарёлар тошиб ўйнаб қадрат километр майдонни эгаллаган кўлар ҳосил бўлар эди. Бу ботқоқ — «Гулистон»нинг илтимоси билан ёзилган.

А. Т. КУЗЬМИН,

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари

ликларда қамиш ва қиёқ ўсар, торф хазинаси суз остида қолиб, чириб кетар эди. Республикаимиз колхозлари бу унулли ерлардан фойдаланишга қатъий аҳд қилдилар. Мелиорация ва ирригация ишлари йўлга қўйилди. Давлат колхозларга жиндан кўмаклашди. Натижада бир зрим миллион гектардан зиёдроқ майдондаги ботқоқлик ўзлаштирилди. Янги беш йиллик ичиде яна 1,1 миллион гектар ботқоқлик қуритилди. Бироқ, бу сувлар дарё ва денгизларга बेқорга оқиб юборилмайди. Сунъий суз омборлари яратилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тadbирлари амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксалиши деҳқонлар турмушини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги пайтдаёқ қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳар аҳолисининг турмуш даражасига тобора яқинлашмоқда.

Социализм улуг совет Ватанида яшаётган халқларга улкан руҳий бардмлик бахш этди, илм-фан, адабиёт, санъатнинг барча турларини мислсиз ривожлантирди. Театр ва маданият саройлари, клуб ва кутубхоналар, стадион ва спорт залларининг кенг тараққоли меҳнаткашларга хизмат қилмоқда.

Бундан эллик йил олдин республикаимизда миллий иллий кадрлар йўқ эди. Эндиликда эса Белоруссия Фанлар академияси — илмий тадқиқорнинг ҳақиқий марказига айланган. 170 иллий тадқиқот муассасаси, 158 олий ва ўрта махсус билим юрти ишлаб турибди. Бироқ, бундан Белоруссиянинг барча аҳолиси маълумоти ўз «уйида» олади, деган маъно келиб қиммайди. Барча қардош республикалардаги олий ўқув юрталарининг эшиклари белоруслар учун ҳамма вақт очик. Белоруссиянинг олий ўқув юрталарида эса Смоленск ва Брянскдан, Чернигов ва Житомирдан, Грузия ва Қозоғистондан келган йигит-қизлар билим олмақдалар.

Совет кишилари маънавий қиёфасининг тубдан ўзгаргани, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топганиги социалистик жамиятимиз ва давлат тузумимизнинг улкан ютуғидир. Бизда «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори коммунистик ахлоқнинг муҳим принципи бўлиб қолди. Бу принцип коммунизм қурувчилари учун мезондир.

Ўзбекиларнинг «ҳашар» деган аёжиб сўзи бор. Бу сўз биргаликда, дўстона ёрдам бериш маносини англатади. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳашар ўз моҳияти билан фақат ўзбекларгагина эмас, шунингдек, руслар, грузинлар, қозоқлар, белоруслар — барча совет кишиларига ҳам хосдир. Бу қадимий одат эндиликда янада кенгроқ мазмун ва янги ижтимоий маъно касб этди.

Кунарлардан бир кун Белоруссиядаги Скворбич қишлоғида ёнғин чикди. Шунда яқин-атрофдаги колхозлар, қўшни қишлоқлар аҳолиси ёрдамга етиб келди. Тезда қурилми бошланиб кетди, кўп вақт ўтмай янги уй-жойлар қад кўтарди. Қишлоқ ҳам янги-ча ном — Дўстлик номи билан атала бошлади.

Мен қичкина белорус қишлоғи ҳақида ҳикоя қилар эканман, 1966 йил

ДўСТЛИК КЎЧАЛАРИ

да Тошкент аҳолиси бошга тушган оғир кунларни эслайман. Ер қаттиқ силкитди, лекин шаҳар омон қолди, чунки у ўша оғир кунларда умумиттифоқ ҳашари майдонига айланди. Барча совет кишилари ёрдамга отланди. Бизнинг республикаимиз меҳнаткашлари ҳам зилзиладан зарар қўрган шаҳар аҳолисига ёрдам бериш учун бажону дил бел боғлади.

Тошкентнинг тикланиши совет кишилари ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчларини яхши тушунишларининг ёрқин намунаси бўлди.

Социализм шароитида коллективчилик ва ўртоқлик муқаррар равишда халқларнинг интернационал бирлигига олиб боради. Ягона мақсад — коммунизм қуриш, умумий идеология — марксизм-ленинизм, тарихий тақдирнинг умумийлиги, қўлга киритилган ютуқлари биргаликда ҳикоя қилиш — совет кишилари бирлигининг қудратли кучидир.

Белоруслар мамлакатдаги барча қардош халқларга, жумладан ўзбек халқига зўр меҳр-муҳаббат билан қарайдилар. Биз кўшли Ўзбекистонни мамлакатимизнинг улкан тўқима-чилик, қимматли тез ривожланаётган ва машинасозлик саноати беқиёс тараққиёт этган, кўноқ қўшқилар ва қалби дарё кишилар ўлкаси, деб биламиз. Биз яна шунинг ҳам биланмик, Совет ҳокимияти йилларида республикаимизда қўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистон ишчилари, деҳқонлари ва зибилларининг фидокорона меҳнати, барча қардош халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасидир. Белоруссия меҳнаткашлари ўзбек дийрдаги туб ўзгаришлардан фخرланидилар.

Бизнинг халқларимиз Граждандар уруши фронтларида бирга бўлдилар, оқ гардиячиларга ва чет эл интервентларини биргаликда тор-мор қилдилар. Бизнинг бир оғамиз — революцион кураш тажрибалирида чинқор Россия ишчилар синфи бор эди. Россия пролетарлари ишининг ҳаққонийлигига ишонч бизнинг умумий ишончимиз бўлиб қолди.

Совет халқларининг қардошларча бирдамлиги ва жиспслиги социалистик қурилиш йилларида, айниқса, Улуф Ватан урушининг оғир даврида рўйроқ намоён бўлди. Совет кишилари жанговар сафда ёнма-ён туриб, фақат қурол кучи билангина эмас, бирдамликлари, интернационал жиспсликлари, ғалабага қатъий ишончлари, ботирликлари ва қаҳрамонликлари билан ҳам манфур душманга қарши тура олдилар. Республикаимизнинг 350 дун ортиқ кишисига Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Улуф Ватан уруши туғанига салкам 30 йил бўлаётган эса-да, ўзбек халқининг жангчиларга ёзган хати ҳануз ҳаёжон билан ўқилади. «Сенин халқинг,— дейилган эди унда,— Совет Иттифонининг фарзандидир. Рус, украин, белорус, озарбойжон, грузин, арман, тожик, туркман, қозоқ ва кирғиз сен билан биргаликда 25 йил давомиде кечю кундуз бизнинг катта хонадонимизни, бизнинг мамлакатимизни, бизнинг маданиятимизни барпо этди... Эндиликда ўз оғани — руснинг уйига, сенин оғаниларинг — белорус ва украиннинг уйига немис

босқинчилари бостириб кирди. У сариқ вабо, дор ва қамчи, очлик ва ўлим олиб келмоқда. Аммо руснинг уйи — сенин ҳам ўз уйинг... Совет Иттифоқи — аҳил оила, гарчи унинг ҳар бир аъзоси ўз уйда яшаса ҳам, лекин ҳовли ва хўжалик ягона ва бўлинмасдир».

Ўзбекистон фарзандлари сўнги томчи қони қолгунга қадар Октябрь ютуқларига содиқ қолиш тўғрисида ўз халқига қасамд этдилар. Улар — жанг майдонидан омон-эсон қайтганлар ҳам, фашизмга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлганлар ҳам жанговар қасамдан қайтмадилар. Жангчи шоир Султон Жўра, жангчи адиб Назир Сафаров, жангчи Бегмикул Қўлбоев... Биз бу номларни юзлаб, минглаб бошқа қаҳрамонларнинг номлари билан бир қаторда тилга оламиз. Белоруссиянинг душман вақтинча босиб олган территориясида ўз состави бўйича чинқам интернационал партизанлар отрядларида юзлаб ўзбеклар, жумладан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топибодиев фашизмга қарши мардона жанг қилди.

Халқда «аду́ст — бошга қулфат тушганда билинади, деган нақл бор. Биз гитлерчилар ҳужумининг оғир йилларида ўзбек халқининг белорусларга ҳамдард бўлганини ва меҳрибонлик қилганини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз. Бизнинг қўлпаб кишиларимиз — уруш тўғрисида тўғрйли туғилган жойларидан кетган болалар, акичлар, қоллар учун ўзбеклар дийри ёлларни ватан бўлди. Кўчирилган кишилар орасида Белоруссия халқ шоири Якуб Колас ҳам бор эди. У истеъдодли ўзбек шоирларидан бири — Ҳамид Олимжон билан яқиндан дўстлашди. Тошкентдаги Ҳамид Олимжон кўчаси Якуб Колас кўчасига ёнма-ён. Бу гўё узоқ йиллар давомида йўллар бирлигининг, мақсадлар бирлигининг, белорус ва ўзбек халқлари муस्ताҳкам дўстлигининг рамзидек туюлади.

Биз бутун ҳам бир сафдамиз ва бир мақсад билан яшамоқдамиз. Совет кишилари IX беш йилликнинг улугвор режаларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб олмақдалар. Улар Коммунистик партия раҳбарлигида, КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўлдан қомил ишонч билан олға томон бормоқдалар. Қардош республикалар меҳнаткашларининг аёнанага айланган социалистик мусобақаси аёжиб самаралар бермоқда. Мусобақа асосида ҳақиқий дўстлик ва ўзаро ёрдам ётади. Масалан, Белоруссия ва Ўзбекистон маҳаллий саноати, шунингдек, гўшт-сут саноати ходимларининг кўп йиллардан буён давом этиб келаётган ҳамкорлиги жуда самарали бўлмоқда. Улар ўртасида муस्ताҳкам алоқа ўрнатилган.

СССРнинг тарихий тақрибаси совет халқлари социалистик миллатлар ягона оиласида, Коммунистик партия раҳбарлигида улкан ютуқларни қўлга киритиши мумкинлигини яқоқ кўрсатади. Совет кишиларининг улуг Ленин ишига содиқлиги — коммунизм йўлидаги янги ғалабаларимизнинг гаровидир.

ДОИМ КАМАРБАСТАМАН



Оқилхон ШАРАФИДДИНОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Халқ маорифи аълочиси

Саккиз-тўққиз ёшларда эдим, отам мени эски мактабнинг кекса домласи қўлига топширди. Хотирам дурустроқ эканини, ҳафтаёни тезда ёд олиб, тенгқўлларимдан ўзиб кетдим. Домла қўлимга бошқа китобларни бера бошлади. У гоҳо муридлариникига қатнар эди. Шундай пайтларда болаларни менга ишониб топшириб кетарди, қайтунича қий-чув қилаётган болаларга «таълим» берардим.

Уша кезлари менда ҳам турли-турли билимларни эгallaб, болаларнинг саводини чиқарсам, деган орзу пайдо бўлди.

Улуғ Октябрь менинг орзуларимни рўёбга чиқарди. Совет ҳокимияти ташкил топган йиллардаёқ Тўйтепада янги услубда мактаб очиб, ўша ерда ишлаш бошладим. Тўйтепалик Холтурсун деган киши анча маърифатпарвар экан, ташқари ҳовлисидаги уйини мактаб ихтиёрига топширди. Таварак-атрофдан етмиш нафар болани тўплаб келдик.

Утмиш лавҳаларини шунчак келтираётганим йўқ. Уларни бугунги кунимизга солиштирмақчиман. Эрталаб ишга кетаётганингизда сиз билан баравар одимлашга ҳаракат қилиб бораётган, елкасига китоб тўла жилд осган болаларни кузатганимиз? Бир кўчанинг ўзидаёқ бир мактаб бола бор. Мамлакатимиздаги,

Ўзбекистонимиздаги ўқувчиларнинг соноғига етиш ҳам қийин.

Ана шуларни ўқитиш, тарбиялаш учун ҳукуматимиз ҳамма мураббийлар қатори менга ҳам кенг истиқбол йўлини очиб берди. Эзгу орзуларимни амалга оширишга бел боғладим, бошланғич синфлар учун тузуккина дарслик йўқлигини ҳисобга олиб, 1928 йили «Билим ва меҳнат» китобини ёздим. 1932 йили у ўзгартирилиб, «Меҳнат болалари» номи билан қайта нашр этилди. 1936 йили «Алифбе» тузишдек масъулиятли ишни партия ва ҳукуматимиз зиммага юклади. Ушандан то шу кунгача бўлажак ишчи-ча, олимга, агрономга, колхозчига, санъаткорга — ҳамма-ҳаммага мана шу «Алифбе» маърифат эшигини очгани қалид хизматини адо этмоқда. Бундан гоёта бахтиёрман. Менга шу бахтни вто қилган ғамхўр партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилигини қандай изҳор этай! Давлатимизга кўксимга иккита Ленини ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени тақиб кўйди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвон берди. Бу ғамхўрликка жавобан мен буюк Совет Иттифоқининг содиқ ва мard фарзандлари, — коммунизм қурувчиларини тарбиялаш учун белни маҳкам боғлаб, астойдил хизмат қилавераман!



Мустақим ЮСУПОВ,

Гoшкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг 15-цех мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Ҳалол меҳнат бахт келтиради. Шу ҳақда ўйлаганимда, отам ёдимга тушади. У уззу кун темирчилик устaxonасида кўмир тутундан, қурумдан нафаси қилишиб, кетмон, омон, ўроқ ясарди. Топгани оила тебратмишга етмасди.

Мен Тoшкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида 1936 йилда ишга келганман. Отам ёнида босиб, темирчиликда кўзим анча пишиб қолган эди. Унинг устига 1929 йилдан тоқарь устага шоғирд тушиб юрган эдим. Бу ҳам анча қўл келди. Устозим, ажойиб рус ишчиси Иван Лукьяненконинг рағбати, мадади билан маҳорат орттирдим, дастгоҳлар «тил»ини билиб олдим. Доим бу ажойиб инсон олдида ўзимни қарадор деб биламан.

Тoшкент тамғаси билан чиқарилган тракторларни ривожланган чет мамлакатларда ҳам кўриш мумкин. Бу жуда катта юксалиш. Биргина саккизинчи

беш йилликда заводимиз 40 мингдан ортиқ икки қаторга ишлов берувчи қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарди.

Менинг умр йўлим шу корхона ҳаёти билан боғланган. Меҳнатим қадрланди, ҳурмат, обрў-эътибор топдим. Бир неча марта республика, область, район Советларига депутат қилиб сайландим. 1966 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Баъзан цехлар бўйлаб айлансам, шоғирдларим ишидан қувонаман. Улар 250 дан ортиқ. Эстафета ишончли кўларига ўтаётганидан мамнунман.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада қозонган муваффақиятларимиз беҳисоб. Уни жаҳон қўриб, билиб турибди. Қардошлик, тенгликка асосланган совет халқлари иттифоқи барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

БАХТ ЙЎЛИ



Бу иўша-иўша орден ва медаллар Улуғ Ватан уруши жангларинда белорус халқи кўрсатган улкан жасоратдан шаҳодатдир.

Ягона оилда

БЕЛОРУССИЯ ССР

1919 йил 1 январда ташкил топган. ССР Иттифоқига 1922 йил 30 декабрда кирган. Майдони 207,6 минг кв. км. Аҳолиси 9 миллион 142 минг киши. Республика сановатли машинасозлик устуи. Айниқса, тракторсозлик, автомобилсозлик, металл қиқувчи станоклар ишлаб чиқариш ривожланган. Қишлоқ хўжалигида зир, картошка етиштириш салмоқли ўрни эгаллайди. Республикада ҳамма турдаги 10.783 умумий таълим мактаби, 130. ўрта махсус ўқув юрти, 28 олий ўқув юрти мавжуд. 279 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот нашрлари чоп этилади. Пойтахти — Минск. Минскдан Москвагача 247 км.



Байрам анкетаси



КИМ ПЕН ХВА.

Тошкент область, Урта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозининг раиси, иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты



Ислом ШЕРМАТОВ.

Урта Осиё электр тармоқлари қурилиш трести 48-механизацияланган колоннасининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРдаги хизмат кўрсатган энергетик

СССР — менинг тақдиримда

БАХТИМНИ ТОПДИМ

Мен Улуг Октябрь инқилобини 12 ёшимда кутиб олганман. Шундан кейинги бутун ҳаётим совет тузуми, Коммунистик партия билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат фаолиятини Узоқ Шарқда — қишлоқ комсомол ташкилотининг секретарилигидан бошладим. Сўнгра ҳарбий хизматда бўлдим: 1939 йили Тошкент областининг Урта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозига ишга юборилдим. Орадан бир йил ўтгач, колхозчилар мени раисликка сайлашди.

Улуг Батан уруши йилларида совет кишиларининг дўстлиги, қон-қардошлиги яна бир бор синавдан ўтди. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Фронт учун озиқ-овқат, пахта, кийим-кечак зарур эди. Колхозимиздаги ундан ортиқ миллион вакиллари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб,

пахта, канош, шолидан катта хирмон кўтардик. 1948 йили узлуксиз уч йил пахтадан юқори ҳосил олганимиз учун колхозимизнинг бир гуруҳ аъзолари ордени ва медаллар билан тақдирланди. Мен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлдим. Орадан уч йил ўтган, яна Олтин Юлдуз билан мукофотландим. Мен бу олий мартабага аввало буюқ дўстлик, оиламизда юксак шарафланган ҳамжиҳат меҳнат тўғайли эришдим. Узбек дёрида ўсиб, пахта устаси бўлдим. Обру-этибор топдим.

Қамбағал деҳқон оиласида туғилган бир меҳнаткашинг Бахти шунчалик бўлади! Тақдирим Совет мамлакатидagi барча меҳнаткашлар тақдириден порлоқ.

МЕҲНАТИМ — ШАВКАТИМ

Исонни инсон қилган — меҳнат, деб бежиз айтишмаган. Мамлакатимизда ҳақол меҳнат қилган киши камол топади. Менинг шахсий ҳаёт йулдим ҳам бунга мисол бўла олади.

Мен совет тузуми даврида ўсиб-ўлғайганларданман. Меҳнат фаолиятини 1955 йили кўнар билим юртини тамомлаб, II разрядли электр тармоқчи бўлиб ишлашдан бошладим. Шу-шу ҳаётини Самарқандда жойлашган 48-механизацияланган колонна ҳаётидан ажралган ҳолда тасаввур қилолмайман. Шу колонна ниҳоятда қадрдон — ҳам уйим, ҳам шавакатим. Чунки шу ерда — 20 га яқин турли миллиат фарзандлари меҳнат қилаётган иноқ даврада иш урганчим, йулдими топдим. VI разрядли электр тармоқчи, бригада бошлиғи даражасигача кўтарилдим.

220 киловольт кучланишли магистрал электр узатиш тармоқлари «Навой — Бухоро», «Навой — Қарши», «Бухоро — Қорақўли», «Оҳангарон — Наманган», «Немсанган — Андижон» каби титан объектларнинг муваффақиятли қурилиб, фойдаланишга торширилишида бригадамизнинг хиссаси катта.

Бригадамиз катта пахта майдонларига сув чиқаришга мўлжалланган Қўйи Мозор, Ҳамза, Қорақўли каби насос станцияларини электрлаштиришда ҳам фаол қатнашди.

Ҳозирги кунда биз Урта Осиё республикалари ва Қозғоғистон тарихида биринчи 500 киловольт кучланишли энергия тармоғи қурилишида иштирок этмоқдамиз.

Амалга оширган ишларимизни бирма-бир эслар эканман, қувониб кетаман. Бизда оддий ишчиларнинг ҳалол меҳнати қадрланади. Ишлаб чиқаришда ўз ижодий имкониятларимизни тўла намоёқ этишимизга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу фикримни тасдиқлаш учун мисол келтирайман.

Биз узогий йили «Бухоро — Газли» электр узатиш тармоғини янги — тезкор методда қуришга қарор қилган эдик. Бу фикрни трест раҳбарларига айтганимизда, улар бизни дарҳол қўллаб-қувватладилар. Объектни темир конструкциялар ва бетон ускуналар билан биринчи навбатда таъмин этишга ваъда бердилар. Оқибатда ишлаб чиқаришга илк марта янги, ажойиб қурилиш технологияси жорий қилинди. Бунинг натижасида 25 минг сўмдан ортиқ маблағ тежэб қилинди.

Меҳнатда қадр топдим. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик» фахрий унвон эгасиман. Яқинда Ленин ордени билан тақдирландим. Меҳнатга ҳурмат — тузумимизнинг афзаллиғи, халқлар дўстлигининг шарофатидир.

Ягона оилада

ЎЗБЕКИСТОН ССР



4 миллион 700 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»имизнинг ярмига яқини «занғори кема»лар билан териб олинди.

Республиканинг ташкил топиш ва ССР Иттифоқига кириш санаси — 1924 йил 27 октябрь. Ўзбекистон ССР тарихида Қорақалпоғистон Автоном Республикаси бор. Майдони 447,4 минг кв. км. Аҳолиси 12 миллион 526 минг киши. Саноатнинг газ қазиб чиқариш, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик тармоқлари ривожланган. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва қорақўлчилик асосий соҳалардир. Ўзбекистонда 9.234 умумий таълим мактаби, 168 ўрта махсус ўқув юрти, 40 олий ўқув юрти мавжуд. 349 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот турлари нашр этилади. Пойтахти — Тошкент. Тошкентдан Москвага ча 3.330 км.

Х

ар қандай афсонада ҳам ҳақиқат зарраси мавжуд. Афсоналарнинг охир-оқи-батда ҳақиқатга айланиш сирини ҳам шунда бўлса керак.

Фарҳод ГЭСининг юксак тўғони устидан тубанда купириб оқётган Сирдарё сувига тикилар экансан, беихтиёр шу ҳақда ўйлаб кетасан киши. Гидроиншоотнинг пўлат дарвозалари теша ва мисранглар билан қоялар орасидан оби ҳаятга йўл очган афсонавий тошкесар Фарҳоднинг қудратли кўларини эслатмаса-да, унинг баҳодир қалби инсон иродаси яратган дарё мавжлари қиёфасида уриб тургандек туюлар эди. Инсон измига бўйсунган сув Сирдарёдан фарб томонга — яқиндагина қақраб ётган Мирзачўл кенгликларини сари шитоб билан оқмоқда.

Ўзбек халқи мўл-кўл сув ҳақида асрлардан бери орзу қилиб келар эди. Бу орзунинг рўёбга чиқиши нақадар машаққатли бўлганлиги Фарҳод ва Ширин ҳақидаги ҳайратли афсонада ҳам ўз аксини топган. Эрон шоҳи Хисрав соҳибжамол Ширинга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Ширин мардона Шарқ кизларига хос шарт қўяди: унинг васлига етишишни истаган одам Мирзачўл дала-ларини сувга сероб этиши керак. Фарҳод канал қазишга жўнайди. Хисрав эса чиройли аёлларнинг калласига қандай хом хаёллар келмайди, деб Ширинни алдайди: чўлга бўйралар тўшаб қўяди. Узоқдан қараган одамга ой ёруғида бўйралар ялтираб оқётган сувни эслатади. Алданан Ширин Хисравга турмушга чиқишга розилик беради. Буни эшитган Фарҳод ўзини ҳалок қилади...

Албатта, ҳозирги кунда бўйралар ҳақидаги фожияли афсона шоирларга ўхшатиш ўрнидагина қўл келиши мумкин. Лекин бу афсона халқнинг сувга ташналиги туйғайли туйғилганлиги шак-шубҳасиздир.

Сув... Олис-олисларга тизилиб кетган юқори кучли электр тармоқларининг таъминчиларига, бодроқдек очилган беноён пахтазорларга, серҳосил маккажўҳоризорлару полиз майдонларига назар ташлаганда Сирдарё сувидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда, деган фикрга келиш табиийдир. Лекин Мирзачўлнинг яшилликка бурканган майдонлари поёнига етгач, ҳали олдинда янги уфқлар борлигига, ҳали минг-минг гектарлаб майдонлар ўзлаштирилишга маҳтал эканлигига амин бўласиз.

Сирдарё соҳилларида тез орада халқимиз яна бир буюк жасорат кўрсатади. Бу қудратли дарё Бухорога газини ёрдамида юртимизни янада қароғон этувчи улкан нурхонага айланади.

Совет мамлакатининг олтин тўйи нишонланайтган ушбу кутлуг йилда жаҳондаги энг йирик иссиқлик электр станцияси бўлган Сирдарё ГРЭСининг биринчи энергия блокин ишга тушмоқда. СССР, АҚШ, Канада, ГФР ва Япониядаги шу турдаги ўн икки электр станциясидан энг қудратлиси ҳисобланган Японияда жойлашган иссиқлик электр станцияси 2 миллиард 630 минг киловатт қуваатга эгадир. Сирдарё ГРЭСининг қуваати Иокасукисиссиқлик электр станциясига қуваатидан қарий икки баравар ортқидир. Унинг лойиҳада кўрсатилган қуваати 4 миллион 400 минг киловаттга тенгдир!

Улкан ялангликда бош корпус ва бир қанча ёрдамчи биноларнинг пўлат тиркачлари қад қўтари бошлаганига ҳали учма кўп вақт бўлган эмас. Бу пахлавон иншоот ҳақиқий баҳодирларга хос — кун сайин эмас, балки соат сайин ўсмоқда. ГРЭСнинг Бош корпуси, 30 метрлик турбина цехи битмоқда. 50 метрли қозонхона эса қуриб тугалланди. Бетон, кислород заводлари ишламоқда. Станция майдонини ўртасидан кириш ва чиқиш каналлари ўтган...

— 1970 йилнинг март ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети биргаликда «Сирдарё ГРЭСининг биринчи энергия блокин ишга тушириш тўғрисида» деб чиқарган қароридан сўнг ишимиз айниқса авж олиб кетди, — дейди қурилиш бошқармасининг бошлиғи Семён Семёнович Функ. — КПСС XXIV съездининг Директиваларида шундай жумла бор: «Сирдарё ГРЭСининг дастлабки агрегатлари ишга туширилсин...». Бор-йўри бир неча сўз. Лекин унинг замирида республиканинг юксак ривожланётган қиёв ва энгил саноатини, рангли металлургия ва машинасозлик саноатини ҳамда... — у бир дам тўхтаб, сўзида давом этди. — Бунини ёдингизда сақлашингизни илтимос қиламан — янги ерларни машиналар ёрдамида суғориш, демакки, пахтачиликни юксалтириш учун улкан электр қуваати билан тўла таъминлаш деган мазмун ётибди. ГРЭСининг наъбатдаги ишга тушган ҳар бир агрегати — Фарҳод ГЭСга улкан маънайдир.

Қурувчиларимиз зиммасига катта масъулият юклаган. Яқин йиллар ичидagi республика энере-



Зиновий Кузьмин бошлиқ бригада ГРЭС кичик станциясининг изоляторларини монтаж қилмоқда.

САЙЁРАМИЗНИНГ УЛКАН НУРХОНАСИ

тика ресурсларининг ортиши асосан Сирдарё ГРЭС энергия блокларини ишга тушириш ҳисобига амалга оширилди. Пахлавон қурилиш зарбдор суръатга эришмоқда. Бу бир қарашдаёқ кўзга яққол ташланади. Кўтарма кранлар, монтаж майдонларида меҳнат кеча-кундуз тинмайди.

Сирдарё соҳилидаги бу қурилиш қисқа муддат ичиде Бутуниттифоқ зарбдор қурилишига айланди. Бу ерда амалга ошириляётган ишнинг кўламини ҳис этиш учун биргина фактни келтириш кифоядир. 1972 йилда ГРЭС Сирдарё участкасининг ўзигагина сарф қилинган маблағ уч ярим миллион сўмини ташкил қилди. Бу дастлабки пайтда бутун «Сирдарё ГРЭСстрой» бошқармасига ажратилган йиллик маблағга тенгдир. Қурилишга Москва ва Ленинграддан, Таганрог ва Запорожьедан, Днепрпетровск ва Братскдан, Новосибирск ва Бокудан, Минск ва Свердловскдан кетма-кет келиб турган қимматбаҳо асбоб-ускуна ва материалларнинг ҳад-ҳисоби йўқ. Кўп миллатли мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳарларидан келаятган турли касбадаги малакали мутахассисларни айтмаса ҳам бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ қурувчилар коллективи тўрт минг кишидан зиёд роқдир. Агар бу ерда ишлаётган қудратли техникани назарга оладиган бўлсак, қурилиш коллективининг нақадар улканлигини тасаввур этиш мумкин.

Бу ҳақда қурилиш бошқармасининг бош технологи, ахборот бюросининг мудири Шавкий Толипов ҳаяжонлиб ҳикоя қилади:

— Кўпчилик ишчиларимиз инженерлардан қолшмайди. Чизмаларни осон тушуниб оlishади. Топшириқни ўрнига қўйиб бажаришди. Мана, шулардан бири — слесарь-монтажчи Фатхулла Раззоков билан сўхбатлашимизга уммин.

— Қердан келгансиз, Фатхулум?

— Тожикистондан. Ёвонда электрстанция қурди. Кейинчалик Тошкент ГРЭСида ишладим. 1970 йилдан бунён ш ёрдамман... Лекин ҳали кўп нарса билмайман. Фақат иш ўрганилман... Мана, бу — бизнинг звено бошлиғимиз Фёдоров бошқа

ган! Уни ўз ишининг устаси деса арзийди... Алёша! Бир минутга келиб кет,— қизил каска кийган, малласоч йигитни чақирди у.

— Сиз Сирдарёга қердан келгансиз?— сўраймиш Алёшадан.

— Ангрэн ГРЭСи қурилишидан келганман.

— Унгача қерда ишлагандингиз?

— Тошкент ГРЭСида.

— Тошкентликмисиз?

— Йўқ. Тошкентга дастлаб Ёвон иссиқлик электр станциясидан келганман.

— Демак, сиз Фатхулунинг ҳамюрти экансиз-да!

— Мен Тожикистонга Жезқазган электр станциясидан келганман.

— Бундан чиқадими, сиз қозоғистонликсиз.

— У ерга Қорақалпоғистондан борганман.

Тахнатош электр станциясидан.

— Ахир, асли қаерликсиз?!

— Рязанликман,— оғзи қулоғига етиб қулди у.

— Яхисиз мастериами Анатолий Нецаев билан сўхбатлашинг. У халқий профессор!

Лекин «профессор»нинг вақти ҳам гоят ўлчоллик экан. У яшин тезлигида ҳузуримизга ўзининг энг яхши «ассистенти» пайвандчи Людмила Богдановани чақирди. Коржомаси кўркам гавдасига ярашиб тушган қизнинг яноқлари ва манглайи қора доғлар билан «безанган» эди.

— Людмила дейман, ойнага қарашга ҳам вақт йўқми?

— А, буми?— коржомасининг кўкрак чўнтагида чети кўриниб турган ойнага қўлини теккизар экан қулиб дейди у.— Нима десам экан... Ойнага қараганим—қараган. Ахир, шундай тор жойлардаги чокларни пайвандлаш зарур бўлиб қоладики, уларни ойна кўмагисиз кўриб бўлмайди... Аммо қийинчиликларга қарамадан йигит-қизларимиз кундалик топшириқларни ортиги билан бажармоқдалар.

— Узингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

— Мендан яхши пайвандчилар бор.

— Шундай бўлса ҳам...



— Мен бу ерга шу йилнинг кўламида Ангрэн ГРЭСидан келдим... Мана, ҳозир ишлаяпман.

— Ангрэндаги ишингиз ўзингизга ёқармиди?

— Ёқанда-чи! Пайвандчиликини ўша ерда ўрганганман. Биласизми...— тўсатдан деди у.— Сиз бригадиримиз Кирилл Хван билан учрашганмисиз? У менимча Чирчиқдан. Бизда чирчиқликлар кўп. Чирчиқ ўзингизга маълум, Ангрэндан унча узоқ эмас. Кирилл Николаевич Ангрэн ГРЭСи, бизнинг комсомол-ёшлар бригадасида ҳақида сизга ҳаммасини батафсил ҳикоя қилиб беради...

Нима ҳам дердик, тушунарли. Қурилиш суръати оддий пайвандчини ҳам, мастерни ҳам бирдай шоширади. Ҳақиқий меҳнаткашга хос кэмтарлик уларни бошқа ҳамкасбларидан ажралмасликка даъват этади. Лекин ҳар бир ишчи тақдирини чуқурроқ билиш, замон фарҳодлари коллективининг қалбини тيرانроқ ҳис қилишга интилиш истаги мени тинч қўймади.

— Мен Фарҳод ГЭС қурилишидалик пайтимадаёқ ажойиб уста бетончилар— Тўхтасин Жўрабоев ва Умнат Хўжамқулов, тракторчи Тожи Маҳмудовлар билан ака-ука тутунганман,— йўл бошловчимиз ветеран гидроқурувчи Шавқий Иброҳимович Толипов ўзи ҳақидаги ҳикоясини шундай бошлади.

— Улар сизнинг ҳамюртларингизми?

— Албатта! Бутуниттифоқ кўламида олганимизда, шундай...

— Шахсан ўзингиз Фарҳод ГЭСидан кейин қаерда ишлагансиз?

— Шахсан ўзинг дейсизми? Қирғизистондаги Оломиддин ГРЭСидан мастер бўлиб ишладим. Кейин Мирзачўлни ўзлаштиришда, Бобвут насос станцияси ва Жанубий Мирзачўл каналидаги бошқа гидротехник иншоотларни қуришда қатнашдим. Махсус маълумот олдим.— У ўзи ҳақида гапиришдан тўхтаб, яна Сирдарё ГРЭСининг истиқболи тўғрисида сўзлаб кетди.— Ху, ана у бош корпуснинг шарқий деворини кўрпясизми? Унинг яқинида, биринчи энергия блоки ёнидан иккинчи энергия блоки пойдевори ётқизилган. Бу улкан бино ғарба томон яна узаяди. Бошқача қилиб айтсак, Мирзачўл сари ҳужумни давом эттиради.

— Сирдарё ГРЭСи асрий ташналикни батамом қондирди, демоқчисиз-да!

— Ахир, малика Ширин афсонада худди шу шартни қўйган эди-да!

...Дастлаб бир неча вагон-уйлардан иборат исиқлик электр станцияси қурувчиларининг кичкинагина «шаҳарча»си кейинги пайтда шу даража юксалиб, шарқ томонга кенгайиб кетдики, унинг



Қурувчиларнинг партия мажлисида.

З. ЭРНАЗАРОВ фотолари

бинолари Фарҳод ГЭС ишчилари шаҳарчаси билан қарийб бирлашиб кетди. Шаҳарча Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан область ихтиёридаги Ширин шаҳрига айлантирилди.

Навқирон шаҳарга 125 гектар майдон ажратилган. Шаҳар ҳозирги замон меъморчилигининг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олинган ҳолда қад қўтармоқда. Бу ерда келажакда қирқ минг энергетик, бинокор ва чўлқувар истикомат қилади. Уй-жойлар мукамаллаштирилган лойиҳалар асосида қурилмоқда. Уйларнинг поллари паркетдан, эшиклари қизил ёғочдан бўлади. Тез вақт ичида француз фирмаси—«Камю» лойиҳаси асосида ҳам ажойиб бинолар қад кўтаради.

Шаҳарнинг бош режасига кўра, маданий-оқартув бинолари комплексида маданият саройи, кутубхона, кинотеатр, энергетика техникуми биноси, иккита умумтаълим мактаби, музика билим юрти бинолари қурилиши мўлжалланган. Ширинда стадион, сузми ҳавзаси, машқ заллари бўлиши ўз ўзиндан маълум. Шаҳар ўзининг афсонавий номи-ни оқлайди!

Сирдарё соҳилларида қад кўтарайтган улкан энергетика манбаи—сайёрамизнинг улкан нурхонаси халқимизни ўзининг самарасидан баҳраманд этадиган, мўл-кўлчилик берпо этишга беқиёс ҳисса қўшадиган кунлар узоқ эмас!

Вячеслав КОСТИЯ

Ягона оилада

ҚОЗОҒИСТОН ССР




Совет кишилари дастурхонини маъмур қиладиган бепоён ҳозоқ бугдойзорлари.

1920 йил 26 август — Қозоғистон ССР дастлаб Қирғизистон АССР номи билан ташкил топган сана. 1936 йил 5 декабрда иттифоқчи республикага айлантирилган ва ССР Иттифоқига кирган. Майдони 2.717,3 млн кв. км. Аҳолиси 15 миллион 470 млн киши. Саноатнинг асосий тармоқлари — рангли ва қора металлургия. Ҳозир йилги саноати, кимё ва нефть кимёси саноати каби бошқа соҳалар ҳам ривожланмоқда. Қозоғистон — мамлакатимизнинг энг йирик ғалла оғбори. Чорвачилик, жун ишлаб чиқариш тобора ўсмоқда. Республикада 10.101 умумий таълим мактаби, 198 ўрта махсус ўқув юрти, 44 олий ўқув юрти мавжуд. 520 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот турлари нашр этилади. Пойтахти — Олмаота. Олмаотадан Москвагача 4.019 км.

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ЭЛАТЛАР

«Утмишда ўз ёзувига эга бўлмаган 40 дан ортиқ халқ совет даврида илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган ўз ёзувига эришди, улар эндиликда тараққий этган адабий тил ва ўз миллий маданиятларига эгадирлар».

(ИПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» деб чиқарган қароридан)



Юқоридаги схемада Ватан бўйлаб қилган сафарининг йўналишини кўриб турибсиз. СССРнинг 50 йиллигига бағишланган бу авиорейдин «Литературная газета» билан Граждан авиацияси министри ташкил этган эди. Унда Владимир Тендряков, Наби Бобоев, Даниил Гранин, Виталий Коротич, Фозил Искандар, Майя Борисова, Семён Шуртаков, Владимир Тюрков сингари ёзувчи ва журналистлар қатори мен ҳам иштирок этдим.

Олтой чўпони

Дибашни мен орқаворотдан танир эдим. «Дружба народов» журналида бир қиссаси босилганда редакция уни мукофотга қўйган. Мухокама қилганмиз. Ушанда узоқ Олтой ўлкасида яшовчи номаълум ёш ёзувчининг чорвачилик муаммоларини бу қадар чуқур билиши, уларни дадил қўя олиши ҳаммамизни ҳайратда қолдирган эди.

«...Бу ҳужжатли қиссада узоқ тоғдаги қўй сурвларини кузда учга эмас, иккига бўлиб ҳайдаш, ҳар сафар бошқа йўлдан олиб қайтиш зарурлиги, ушанда қўй вазинни ўттиз фойиз эмас, фақат ўн фойизгина йўқотиши, бу билан неча-неча минг тонна гўштини бий бермаслик мумкинлиги, Тоғли Олтой шариотига хос шу сингари талай муҳим ҳўжалик проблемалари дадил кўтариб чиқилган эди. Ҳаётга бундай фаол аралашган ёш ёзувчига ҳавас қилган эдим. Бу сафар Тоғли Олтойга келишим билан Дибашни сурштириб топдим. Майини ва ширални олтой тили ўзбек тилига жуда яқин экан, бемалол гаплашдик.

Қизғи шу бўлдики, ёзувчимиз оддий чўпон йигит экан. Уни иккинчи кун «Марал» совхозининг кийикчилик фермасида учратдик. Дибаш курсни битириб, касбини сал ўзгартирибди. Энди у қўйчибон эмас, кийикчилик билан шугулланаркан.

Олтой кийиклари жуда чиройли, хуррак, хушёр, назик табиатли бўлади. Марваридгул, валерьяна, астра сингари хушбўй, доривор ўтлар билангина озукланади. Шимол ва жануб табиати туташган, сокин ва кўм-кўк Олтой ёнбағирлари — бу ажойиб яшиллик олами шу кийиклар учун яратилгандек.

Лекин бу гўзал жонивор ниҳоятда ожиз, ҳар йиртқичга ем, кўендангина кўрқмайди, холос. Энг ёмони — одамдан хуркиши. Миллион йиллардан бери табиат қўйида одатга айланган бу табиий майл ҳозирда кийикчилик ҳўжалигига ҳалақит бермоқда.

Авалло шунни айтиш керакки, кийик асосан шохини учун боқилади. Фанда панта деб аталадиган кийик шохидан инсонга саломатлик, куч ва навқиронлик бағишлайдиган мўъжизакор дорилар тайёрланади. Машҳур пантокрин шулардан биттасидир.

Ёзда кийикнинг шохини барра, қонга тўйинган, майини тук босган, юмшоқ буларкан. Мингларча кийикни тутиб, бу қимматбахо хом ашёни кесиб олиш жуда машаққатли.

Илгариги замонларда ҳар бир шох тўфайли бир кийик отиб ўлдириларди. Оқибатда бу бебаҳо, қони фойда, беминнат жониворнинг йўқ бўлиб кетишига сал қолган. Ҳозир бу ваҳшийликка чек қўйилди. Аммо шох қирққич ҳамон кўп қийинчиликлар билан боғлиқ.

Энг муҳим муаммо — кийикни инсонга ўргатиш. Бунинг учун уни кичиклигидан одам боқиши керак. Бу эса уни чексиз яшиллик олаמידан маҳрум этади. Сим тўсиқлар билан иҳотага олиб боқилган кийик чексиз табиат қўйида ўсган кийикчилик сифатли махсулот бермайди.

Дибашнинг бу соҳага ўтишига сабаб ҳам шу экан. Бу муаммо уни ёзувчи сифатидagina эмас, мутахассис чорвадор сифатида ҳам тамоман банд этибди.

Бизнинг совхозга келишимиз панта кесиш мавсумига тўғри келди. Бу ҳўркович жониворларнинг ҳар бирини тутиб, тор йўлакка қамаш, кўзини боғлаб махсус дастгоҳга қирғизиш, энг оғирини — қон сағратиб шохини қирққич... Бу жараёнда қўрқоқ ёш кийикнинг юраги ёрилиб ўлиш ҳоллари ҳам бўлар экан. Шох қирққидиган мутахассислар ниҳоятда усталик, чаққонлик ва эҳтиёт билан ишлар эканлар.

Бу мутахассислардан бири — Дибаш. Юзлари қирмизи, новчандан келган, бодом ковок бу йигит ўз ишига қон-дилдан берилган; у одамларга ёшлик ва куч бағишловчи касби ҳақида китоб ёзпти. Аммо «туғма майл муаммоси» ҳал бўлмагуна у китобини эълон қилмоқчи эмас. Менинг яна ҳавасим келди: ёзган нарсанг халқ ҳаёти билан мана шундай чамбарчас бўлса қандай яхши! Кўтараетган проблемаларининг ичиде яшаб, уларни ечишда ўзинг қатнашсанг — ҳаққонийлигининг манбани шу эсмасми!

«Нанай» — инсон дегани

Амур соҳилида йўлқаларга тахта тўшалган кичкинагина Нанай қишлоғи бор. Шу ерда биз бир донишманд қария билан танишдик. Уни бу ерда ҳамма Полокто-дайома деб атаар экан. Дайома — нанайча, «бобо» дегани.

Полокто бобо жусти сермулозамат, серган бўлиб чиқди. Гапларида ҳазил-мутойиба, илмоқли маънолар ҳам йўқ эмас.

— Хони дичисуй! — деди у бизни нанайча қаршилаб, — сажат қалай бўляпти?

Биз «Широка страна моя родная»... деб бошқадиган машҳур ашулани болвигимиздан айтаётганимиз, ундаги оддий сўзларга кўникиб қолганмишунинг учун бизга унча таъсир ҳам қилмади. Лекин Ватан йўлларида ўз оёғинг билан кезиб, кенгликларни бутун вужудинг билан ҳис қилсанг бу жуда бўлака бўларкан.

Бу фикрни мен Полокто бобога айтганимде шундай деди:

— Бу менинг неварамнинг ашуласи-ку! У яна бундай сўзлар ҳам бор: «...де так вольдышит человек» яъни «...унда инсон эркин на олар». Инсон — мана менман! Чунки мен — нанай. «Нанай» — инсон дегани, биласизми?

Ҳа, буни эшитган эдим. Қариянинг катта ҳаққатни ҳазиломуз қилиб айтиши ҳам менга ёқди. Унинг оҳангига тушиб олдим.

— Инсон дейсиз-ку, лекин, эшитишимга кўй тайгадан бу серадам жойларга кўчишда анча ниҳотчи бўлган эмишсиз, шундайми!

— Ҳа, тайгадан кетдик, — деди у ўйчан. Бу чиройли Нанай қишлоғига кўчганимизга уч йил бўлди. Ҳечқиси йўқ, биз бу ерда ҳам қадрдон Э. Соҳилидамыз. Биз Амурни шундай деб атайми. Мен сенга айтсам, ўғлим, биз ҳаммамиз ўз туғинган жойларимизни яхши кўрамыз-у, лекин яшаш бари бир бутун жаҳон билан бирга ашаймиш. Шундай эмасми!..

Ҳа, Нанайда нанайлар ҳозир чиндан ҳам бутун жаҳон билан бирга, давр билан ҳамнафас яшабдилар. Мен кишлоқнинг тикка кўчасидаги янги универмага, ресторан ва радиостудияга кўз ташлайман...

— Намунага биронта фанзани сақлаб қолмаб сизлар-да, томоша қилар эдик, — дедим.

Қария сийрак соқолини тутамлаб жилмайди.

— Ҳа, ким эдигу ким бўлди, деган маънода ёмон бўлмас эди-ю... Лекин, очиги, ор қилдик, ўғлим. Нима десанг ҳам кўзим Антонина райком секретари, ахир. Мен бу ерда алмисоқдан қолган фанзани сақлаб ўтирсан, эл олдида нима деган одам бўламан, ўзинг ўйла...

Дарҳақиқат, бу кўм-кўк янги қишлоқда эски фанза ноҳуж бўларди. Биз ўз республикамизда «капитализм босқичини ҳатлаб ўтиб» социализмга келганимиз ҳақида тез-тез гапирармиз. Бу чиндан ҳам халқнинг жасур қадами. Аммо Полокто бобининг аймоқлари-чи? Улар, ахир, фақат капитализм эмас, яна бошқа бир неча босқичларни ҳатлаб ўтишган-ку!

— Энди ўша «босқич» деганларнинг қани бизни қувиб етсин-чи! — деди бобо, мен унга кишлоқни тараққиёт босқичларини тўшунтирганимда.

Бобо билан сўхбат қириш мароқли эди. Бу «ҳатлаб ўтишлар» унинг кўз ўнгига юз берган. Биз урф-одатлардан, маънавий ҳаётнинг янги аъёналаридан сўз очдик. Чол жилмайиб хабар қилди: Нанайда охириги шаман, унинг қадрдон дўсти, ўтган йили оламдан ўтган экан.

— Ҳа, ўғлим, — деди бобо, — шундай кунларга етиб келдикки, ўғлимизнинг хотинларини рашиқ қилишди, қаранг. Илгари бизда бунақанги назикликлар бўлган эмас. У замонларнинг нимасини айтасан, нима ҳам бор эди бизда! Балиқ саситадиган ўраю ҳода қайк... бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Кеча гузарда Емельян Дмитриевич Лисков ёшланг билан гурунлашди. Кўпни кўрган қария. Уттизинчи йиллардаёқ Амур ёқасида шаҳарлар қурган. Кечаги сўхбатда болаларимизни Ленинградга ўқишга кетгали кўндирди. Нима ҳам дейсан, моторли қайиқларни писанд қилмай қўйишган бу болалар, океанда капитан бўламан, дейди. Булар яна нанай болалари эмиш! Меники бўлса, хотинимни ҳам оlib кетаман, деб туриб олди. Қолдирмас эмиш. Мухаббат! Сўзинг жаранглашини қаранг. Мана, шундай кунлар бошимизга тушиб турибди, ўғлим...



Қайнар булоқ

Водийсининг хўжайини

Вертолётимиз бир парча қор устига кўнди. Ҳор ёз — тундранинг юзаси эриган пайт: қор бўлса вертолётнинг ғилдираги чўкиб кетади.

Нариқоқдаги кўк сайхонда чўққайиб турган эрдан бир йигит чиқди. Бу ерда одам сийрақ. Дининг учун бу жойларда қаяқдандир пайдо бўлган кўк майсага ҳам эътибор бермасдан, буғу тесидан кўпол чорик кийган йигитнинг илдик чеҳрасига термулдиқ.

— Антон Каюю! — узининг янғроқ исмини тўр-тўрор атаб ҳамма билан бир-бир кўришди, да, сўқмоқ йўлдан бизларни бошлаб кетди.

Ун минут юргандан кейин рўпарамизда бирдан пайдо бўлган мўъжиза ҳаммани тақа-тақ тўхтатди: кўм-кўк водий булутга чулғаниб ётарди.

— Уларнинг сони олти минг, иссиқлик ёзин-қизин 93 даража, — қайнар булоқларнинг виқирлаши орасида Антон Каююнинг овози эшитилди. Биз олпоқ буғ ичида турардик. Каюю ҳар булоқнинг отини атаб, одатлари, режими, ғалати қилиқлари тўғрисида гапирар эди. — Мана бу «Гигант», — деди, ер қаъридан ғалати овозлар чиқариб вақирлаб турган бўтана булоқнинг ховуздек сатҳини кўрсатиб, — нарироқ турасизлар, уч минутдан кейин «Гигант» кутуради.

Чиндан ҳам уч минутдан кейин булоқ даҳшатли овоз чиқариб, осмонга отилди. Тўққиз метр баъландликка салпиган қайноқ фонтан водийни янги булут қатламларига тўлдирди.

Бу ажойиб томоша билан бўлиб, буғ ичида кўрмай қолибмиз — орамизда девдек айиқ нвирсиб юрибди.

— Кўрқманлар, Қайнар булоқ водийсининг хўжайини бу! — деди Антон қисқ кўзлари билан ечимтой кулиб. — Мен уни болалигимда ўлимдан кўтказганман. Булоққа тушиб ҳил-ҳил пишиб кетишига сал қолган.

Бу бесўнақай полвоннинг болагини кўз олди-мига келтириб, кўрқмай қўйдик, сиртини силаб қўйган довлорлар ҳам топилди.

— Сайёҳлар келса дарров пайдо бўлади, — деди Каюю, — суратга тушишни яхши кўради.

«Водийнинг хўжайини» билан суратга тушдик. Лекин ҳаммамиз билардикки, қайнар булоқларнинг асл хўжайини — Антон Каюю эди. Биз томошадан кейин у билан яхшироқ танишиб олдик.

— Бу ажойиб водий фақат 1946 йилдан бери маълум, деб эшитдик. Наҳотки шунгача уни ҳеч ким билмаган бўлса! — сўради кимдир.

Антон Каюю тушунтириб берди.

— Бунинг сабаби шуки, бизнинг корякгл да илгари бир урф-этиқод бўлган. Қайноқ водийни кўрган одам элга қайтиб келмаслиги керак эди. Чунки эски тушунчада бу ер нариги дунё, дўзах ҳисобланар, дўзахдан қайтган одам арвоҳ деб тушунилар, арвоҳ эса одамлар орасида юрмаслиги керак... Шунинг учун бу ерни кўрган одам ўзини булоққа ташлаши зарур эди. Мен булоққа қоврилиб кетган Кемалга деган қарияни яхши билар эдим...

— Ҳозир бу этиқод йўқолиб кетганми?

— Ҳа. Ишоти — мана мен. Кемалга менинг бу-вам эди, — деди Каюю.

Бошқа исбот талаб қилинмади. Бир оз ўнғай-сизроқ жимликдан кейин яна сўрадик.

— Узингиз ҳақингизда жиндақ гапирсангиз, Антон.

Биз унинг вулқоншунос, фан кандидати эканини билардик. Қайнар булоқ водийсининг хўжайини гапни болалигидан бошлади.

— Эсим пастроқ эди, — деди кулиб, — дадам буғу шохига арқон ташлаши сира ўргатолмади. Ҳарф суратини чизадиган ярангага бораман, қоз билан ғаллашишни ўрганаман, деб туриб олдим. Мактабга беришди...

Биласизми, дарахтни биринчи марта кўрганимда ўн саккиз ёшда эдим. Паланага кечаси келдик. Қарасам — тепамда бир нима шовуллайди, ҳайрон бўлдим.

Дарахти шу экан.

Кейин Петропавловскада ўқидим. Профессоримиз Софья Андреевна Набоко мен билан сўхбат қилишни яхши кўради. Бир куни: «Тундрада иссиқ дарё бор», — деганимдан кейин мени сира



Куч синаш ёки Камчатка балиғи.

ёнидан қўймайдиган бўлди. 1946 йили тундрага келдик. Мен Софья Андреевнага иссиқ дарёни кўрсатдим. У дарё бўйлаб тепага чиқди, 4 ой йўл юрди. Бир йилдан кейин профессорим Камчаткада қайнар булоқлар водийсидек мўъжиза борлигини жаҳонга эълон қилди.

Вертолётимиз кўтарилганда «Гигант» яна отилган, водийда паға-паға булут сузарди.

— Дўзах... — деди кимдир кулиб. Биз пастда паҳмоқ этилиги оёқларини қериб, қўл силкитётган Антонни кўрдик.

«Дўзах» орқада қолди...

Ягона оилада ГРУЗИЯ ССР

1921 йил 25 февралда ташкил топган. 1922 йил 12 мартда Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикасига қўшилган. ЗСФСР тарихида 1922 йил 30 декабрда ССР Иттифоқига кирган. 1936 йил 12 декабрда ЗСФСР тугатилгандан кейин ССР Иттифоқига қабул қилинган. Грузия ССР тарихида 2 автоном республика ва 1 автоном область бор. Майдони 69,7 минг кв. км. Аҳолиси 4 миллион 789 минг киши. Қора металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, ёнгли, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган. Қишлоқ хўжалигида цитрус ўсимликлари, чой етиштириш асосий ўрни эгаллайди. Республикада ҳамма турдаги 4.521 умумий таълим мактаби, 100 ўрта махсус ўқув юрти мавжуд. 257 газета, журнал ва бошқа вақтлик матбуот нашрлари чиқарилади. Пойтахти — Тбилиси. Тбилисидан Москвагача 2.390 км.



Тбилиси. Грузия Давлат филармониясининг биноси.

Икки қария

Дўстим Юрий Ритхэу туғилган қишлоғимни кўриб кетасан, деб бора-боргунча ташвиқот қилди. Уэлен деган бу қадимий қишлоқ совет тупроғининг энг узоқ чеккасида, Чукот денгизининг ичига кириб кетган тош-шағал «тил»нинг Дежнев бурни томондаги учида экан. Марказидаги хаворанг ёғоч бинони айтмас, одатдаги чўчка қишлоғи, яйдоқ, изғирин, соҳилда морж суяклари сочилиб ётибди.

Аммо хаворанг бино... Юрий аслида мана шунини кўрсатиш учун олиб келган мени. Бу бинони Европада ҳам, Америкада ҳам билишади. Бу ердан чиққан нобел саноат асарлари Париж ва Нью-Йорк, Брюссель ва Монреаль кўргазмаларида атоқли рассомларни ҳайратга солган. Морж тишига нақш солувчи моҳир халқ рассомлари, суяктарош усталар жаҳоннинг бошқа ҳеч қаерида йўқ. Устахона-лар РСФСР халқ рассоми, марҳум Вукутагин асос солган эди. Бу ерда ҳамма нарса — дастгоҳлар, асбоблар, сюжетлар, услублар... унинг номи билан боғланган. Уэлен усталари уни «пир» ҳисоблашади.

— Сейгугегин, пиримнинг энг яқинлари, — деб таништирдилар бир қарияни. Уста Сейгугегин 78 ёшда экан, юзини ажин босган, лекин кўзи тийрак, ўзи анча гапдон чиқди. Шу касб билан шуғуллана бошлаганига етмиш йил бўлибди. Кесир «қалам»ларни ушлаганда ҳали ҳам кўли қалтирамайдди. Унинг айтишича, рассом учун морж тишидан соф, гўзал, нафис хом ашё йўқ. Витриналарда унинг шимол сюжетлари асосида яратган асарлари — «Денгиз ови», «Чўчка ўтовлари», «Тюлень подальри», «Итлар қўшилган нарта» туркумлари, жаҳон кўргазмаларида олган медалъ ва ёрлиқлари турарди.

— Бир кунни, сенга Америкадан хат келди, деб қолишди, — дея сўзида давом этди кекса уста. — Ҳайрон бўлдим. Узингиздан қолар гап йўқ, биз Уэлен усталари, америкаликлардан кўрадиганимизни кўриб бўлганмиз. Йигитлигимда яратган энг нобел асарларимни шулар талаб кетган. Шиша синиғига, бир парча темирга, ялтироқ совун қозғоғига, бир пайса тузга неча минг сўмлик ижодимизни айирбошлаб кетишар эди, бизнинг юпунлигимиздан фойдаланиб. Америкаликнинг нафратламаган чўчка бўлган эмас. Бу ерда эса хат келиб ўтирибди. Ажабо... қанақа америкалик тағини! Нима керак экан унга! Югуриб почтага борсам — мана бу!

Уста Сейгугегин жавондан узунчоқ конверт олиб узатаркан, қўллари шу жойда сал қалтирагандай бўлди.

— Бунини ўқиймай икки ҳафта олиб юрибман. Кейин ёзувчимиз Ленинграддан қайтганида ўқиб берди, — деди у Ритхэунини кўрсатиб.

Хат инглизча ёзилган эди. «Уста, мен сизнинг «Денгиз ови» асарингиздан бир неча кунгача кўз ололмадим. Мен қўлларингизга, бармоқларингизнинг оқиллиғига, журъятига ҳавас қиламан. Сиз ҳали жуда ёш бўлсангиз керак... Мен эса саксонга кирдим...»

Шу ерга келганда Сейгугегин кексаларча йўталиб-йўталиб кўлди:

— У қари эмиш-у, мен ёш эканман!

Уста кулар эди, биз хатни ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. У чўчка рассомини завқ-шавқ билан мадҳ этар, унинг истезодадига таҳсин ўқир, «гойбдан бағишлаган лаззати» учун ташаккур билдирар эди. Хатнинг имзосига келганда мен ҳайратда жим бўлиб қолдим: «Рокуэлл Кент» деган имзо турарди мактуб охирида. Уша Рокуэлл Кент, Американинг жаҳонга машҳур рассоми ва ёзувчиси, жамоат арбоби, Шимол манзараларининг беназир куйчиси. Узининг мингта асарини совет халқига тақдим этган дўстимиз Тинчлик учун кўркам курашчи, Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Рокуэлл Кент!

— Ҳа, — деди кекса уста оппоқ бошини сарак-сарак қилиб, — бу у америкаликлардан эмас экан...



Таучан бобо ва унинг набираси Ольга. Тундрада икки минг бугу уларнинг парааришида.



Ҳозир қайиқ келади. Татун хола Амурини кечиб, катта шаҳар — Хабаровскка, институтда ўқиётган қизларини нўргани боради.



Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёзувчи ва журналист Владимир Тюринов чуқотналик бугубоқар ёшлар билан суҳбатда.

— Ну-тэ-тэ-гри-нэ... Нутэтэгринэ, — деб ҳар сафар талаффузимизни тузатар эди. — Ота-онам менга шундай деб от қўйган: Нутэтэгринэ. Маъноси тахминан — «тундрада елиб юргувчи» дегани бўлади.

Маъносини билгандан кейин талаффузимиз ҳам тузалиб кетди. Ҳаммадан ҳам қизиғи — Нутэтэгринэнинг тақдирини худди шу исмидан келиб чиққандек эди.

— Ота-онам от қўйганда менинг бир умр тундрада елиб юраганимни билишмаган, албатта, — деди доктор, — бизнинг ўлкамиз, уларнингизга маълум, жуда катта. Совхозимизнинг ўзига учуртта Европа давлати бемалол жойлашиб кетади. Лекин бир касаллини кўриш учун қамида юз-уч юз, гоҳо минг километра ёш йўл босиб керак. Кўриб турибсизлар — отим ҳаётимга жуда мос: тундрада елиб юрганим-юрган...

— Айтишга осон... Тундранини кўрдик. — Ҳа, йўллар узоқ, оғир. Гоҳо ботқоқ, гоҳо бўрон, совуқ етмиш даражага етати, бир неча ой-лаб куюш чиқмайди. Баъзан ит қўшилган чанада, баъзан вертолётда, баъзан бугу ва нартада...

— Яхшиям аҳоли сийрақ, дег. — Ҳа, бизнинг шиддатли ўлкада касал кам, аммо одам сийрақ бўлгани билан бахтсиз ҳодисалар топилиб туради. Дам совуқ урган, дам лава босган, дам айиқ ёрган, дам ботқоқ ютган...

Доктор Нутэтэгринэ ўз юмушларини қамайтириброк гапирди. Аммо биз билан бирга сафарга чиққанида унинг вазифалари чегарасиз эканини кўрдик. Эскимос кулбаларида бемор бўлмаса ҳам, докторни катта қувонч билан куттишарди.

— Нутэтэгринэ ҳар гал бир чана янгилик келтирди! — дейишарди бугубоқарлар.

Ҳақиқатан, Ленинградда пластмассадан яранга ясалгани, олий мактабларда бугубоқарларнинг болаларига берилган имтиёзлар, Узоқ Шимолда нафақаларнинг яна ошгани... бундай хушхабарлар тундрада доним Нутэтэгринэ билан изма-из елиб юради. Эскимослар болаларни қишловлардаги интернатда қолдириб кетишга Нутэтэгринэнинг маслаҳатидан кейингина кўнишди. Чунки бу ердаги болаларнинг деярли ҳаммасига шу доктор доялик қилган.

Певекка борганимизда докторимиз Неутегин деган бир ўсимрини бағрига босиб кўзига ёш олди. Угли экан, десак, йўқ. Бир мўйначи эскимоснинг ўғли, «Эргирьон» ансамблининг дапчиси экан. Кўз ёши тарихини кейин билдик.

1964 йилги эллик тўрт кунлик даҳшатли бўрон кунлари эди. Тўғрироқ — «кунлари эмас», бўрон тун, шимолнинг уч ойлик қора тунни бошланган пайт. Бир онанинг ой-кунни етибди, деган хабар келди. Нутэтэгринэ нартага ўн олти ит қўштириб, йўлга тушди.

Чексиз тундра, чексиз тун, бўрон. Нутэтэгринэга буларнинг бари болаликдан таниш. Лекин шундай бўлса ҳам, борган сари даҳшат босар, кўз илғамас оқ итларнинг ўзи бўронга ўхшаб кетар, ҳайдовчи Игиклавол ҳар замонда «Опа, ўхламанг, музлаб қоласиз, ҳар, ўхламанг!» деб оғоҳлантирар эди. Нутэтэгринэ тундранинг энг гўзал томонларини, ўзи даволатан ажойиб жасур одамларни, морж овчиларини, геологларни, поенсиз Колимада, Чукоткада сочилиб ётган бугубоқарларни кўз олдига келтиришга уринар эди. Аммо ўзгирин ёзувчилигини қилди: итлар қор юмидек гўж бўлиб тўхташди. Бу — жониворларнинг ис сезмай қолгани, «йўлни йўқотдик» деганлари эди. Доктор унамаса ҳам, Игиклавол йўл қидириб кетди. Кетдию қайтиб келмади. Олти соат ўтди. Уни излаб бориш энди бекфойда. Итлар орасига кириб ётиб, совуқдан сақланса бўлади. Аммо бу хавфли: бундай совуқда ўхлаб қолинса, уйғониш йўқ. Нутэтэгринэ юрмаса қотиб қолишини пайқадю оёғи тортган томонга қараб кетди.

«Тундра, тундра, наҳотки ўзининг Нутэтэгринэ танимасанг, наҳотки ҳалок этсанг?!» У инмаларидир пичирлар, тинмай юрар, ўчоқ ёнган иссиқ ярангани кўз олдига келтирар эди. Ҳомилали аёлнинг тўлғоғи, оҳ-воҳи, келин одатдаги бола ингаси бирам ширин туюлиб кетдики, бадани янги кучга тўлгандек эди. Оёқ-қўлини сезмас, лекин ҳамон юрар эди. Қанча юрганини билмайди, қимдир қоронғуда уни чанага босиб олиб кетди. Кейин қолса, уни кутгани чиқишган экан. Ҳеч нарсага қарамай, аёл ёнига кириб кетди.

Уша туғилган бола мана шу қия кўз дапчи Неутегин эди. У докторга қимматга тушган. Уша кечаси унинг ўзини Магаданга олиб кетиб, музлаган оёғини кесдиши.

— Оёғим тузалгунча тўрт ой ётиб, диссертациямни ёздим. Тайёр бўлиб қолган эди-да, оёғини вақт йўқ эди, — деди Нутэтэгринэ протезли оёғини сезиб қолганимизни пайқаб, бир оз ўнғайсизланаркан.

Кейин у яна Неутегиннинг олдига кириб кетди. — Айбга буюрмайсизлар, хайрлашмай чиқай, ансамбль билан Парижга кетишгаётган экан...

«Тундрада елиб юргучи...»

Биз у билан қалин дўст бўлиб қолдик-у, лекин отини ҳамон айтолмас эдик.



ҚИРҚ МИЛЛАТ — БИР ОИЛА

Педер ХУЗАНГАЙ,
Чувашистон халқ шомири

«Комбинатда ўтган ўттиз йиллик умримдан мамнунман. Корхонамизда нимаики яратилган бўлса, ўшаларда менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигини сездим. Музей залларини айланиб, шогирдим Тур-сунхўжа Жўраевнинг портретини кўрдим. Унинг кўк-сида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порламоқда. Устозим Алексей Иванович Турковнинг ҳаёт йўлини кўрсатувчи стенд олдида узоқ туриб қолдим. Беихтиёр ўша йилларни эслаб кетдим...»

Таклифлар ва мулоҳазалар дафтаридоғи бу сатрларни 2-йигирув фабрикасининг ишчиси Ефим Лукашук ёзган. Кекса тўқимачи комбинат тарихи музейи залларини айланиб, қалбини тўлқилантирган туйғуларни қозоғга туширибди.

Чиндан ҳам, бу экспонатларни ҳаяжонланмасдан томоша қилиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири жасоратларга бой йилларнинг жонли саҳифасидир. Суратларга боқиб, киши беихтиёр жўшқин дамларни, дастгоҳлар ёнида дўстлашиб, бирга камол топган ёр-биродарларни эслаб кетади...

«Большевиклар иродаси билан шу ялангликда Тўқимачилик комбинати бунёд этилади». Республика-мизнинг биринчи президенти Йўлдош Оқунбобоев 1932 йилнинг 6 майида шундай деган эди. Уша кўни комбинат қурилиши бошланганлигига бағишлаб катта митинг бўлди. Митинг охирида Йўлдош ота билан комбинат қурилиш участкасининг бошлиғи Николай Алексеевич Фадеев тантанали суратда комбинат пойдеворига биринчи гишт қўйдилар. Шундан сўнг улкан корхона қурилишига киришилди.

Комбинат қурилишида Иттифоқимиздаги барча миллат вакилларини учратиш мумкин эди. Улар бу улкан қурилишда ишлаш истагини билдириб, мамлакатимизнинг турли чеккаларидан Тошкентга етиб келдилар. Украин йигити Ефим Лукашукка устозлик қилган рус инжениери Алексей Иванович Турков ҳам ўша йиллардан бошлаб тошкентлик бўлиб қолган эди. У комбинатнинг биринчи навбати қурилишида ҳам, иккинчи навбати қурилишида ҳам фаол қатнашди. Қурилиш тугагач, комбинат бош инжениерининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир шахсий пенсионер, шонли ўтмишнинг гувоҳи.

— Комбинатни қурган, шўхратини оширганлардан яна бири Мадина Саидовадир,— музей мудириси Нурия Маҳсумова навбатдаги стенда ишора қилди.

Мадина опа асли туркистонлик. Дугоналари билан бирга Тошкентга келиб, комбинат корпусларини кўтарди, кейин ўқиб, йигирувчи бўлди. Йигирув дастгоҳларини эса Бибинисо Болтабоева монтаж қилди. У ўз хўнарини кўплаб йигит-қизларга ўргатди. Шу тарихқа монтажчилар сафи кенгайиб борди.

Бирин-кетин цехлар узра агрегатлар саф тортиб, 1933 йилдан дастлабки метр газламалар тўқиб чиқарила бошлади. Шундан бери комбинат юраги тинимсиз тегиб турибди. Унинг цехларида меҳнат қилаётган ишчилар тўқувчилик касбини бир-бирларидан ўрганишган. Ҳаммалари иноқ ва оқибатли: қирқ миллат бир оила аъзоларидек аҳил.

Музей залларидаги стендларнинг бир қисми аҳил коллективнинг шу кундаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Кенг ва ёруғ цехларда газлама тўқибётган қиз-жувонлар чехрасида табассум. Олдинги дастгоҳларда Лидия Казанцева билан Евгения Губина ишлашяпти. Лидия Казанцева тўққизинчи беш йилликнинг бошидан буён миллион метрдан кўпроқ газлама тўқиди. У ўтган йилнинг февралдан бошлаб нормадаги 24 ўрнига 48 станокни бошқаришга киришди. Шу сабабдан иш унуми икки баравар ошиб кетди. Илгор ишчи беш йилликни 2,5 йилда бажариб, пландан ташқари яна 1 миллион 200 минг метр газлама тўқиб чиқаришга аҳд қилган.

Л. Казанцеванинг иш услуби тезда эл оғзига тушди. Кўп ўтмай Евгения Губина ҳам бир йўла кўпгина дастгоҳларни бошқаришга киришди. Ҳар иккала тўқувчи бошлаган ташаббус Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Музей тўрига қўйилган катта харитада Тўқимачилик комбинати маҳсулотлари етиб бораётган шаҳарлар номи ёзилган. Ҳозир Тошкент тўқимачилари чиқараётган гулдор газламалар Иттифоқимиз оша йигирмага ақин хорижий мамлакатларга ҳам жўнатиламоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, донгдор тўқувчилар Сади Пулатова, Римма Оқмуллаева, Вера Смирнова каби неча ўнлаб турли миллат вакилларидан иборат ягона ишчилар оиласининг ҳалол меҳнати халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ж. НОСИРОВ

Янги кун ЭКИН-ТИКИНИ

Кўм-кўк тонг мавжидан қуйма сўқаси,
Шотиларда қуёш. Ҳа, бу янги кун.
Бошида барқ уриб олтин ўқаси,
Чуваш бўзларига чиқмоқда дуркун.

Чўғ каби ва ўткир сўқанинг тиши,
Далани ағдариб, олади зғат,
Чуваш эскилиги — асрий кечмиши
Қора ер қаърига кетар қатма-қат.

Янги кун кўради: қаттиқ, берч тупроқ,
Шу сўқа тугайли юмшоқ ва сулув.
Утлоқ бўйлаб жўвар тубсиз кўк булоқ,
Қурғоқ дала ичар қониб салқин сув.

Янги куннинг минг-минг пўлат қўли шай,
Қизғиш савғе лардан уруғлик олиб —
Тупроққа сочоди лак-лак юлдуздек.
Тонг ва олтин мола ўтар пайдар-пай,
Чуваш бўзларига янги йўл солиб,
Гўё кашта тикар — ял-ял кундуздек.


Янги кун уруғи кўтаргуси бosh
Қора ер бағридан, ўтмайин кўп вақт,
Қуёшдай ярқираб қалин экинзор,
Чуваш ҳаёти ҳам поллар нақ қуёш,
Ярқираб, турланар, сочар ёруғ бахт,
Олам бўйлаб янграр гўё симли тор.

Чуваш янги даврда янги, чўнг инсон —
Елкасини тираб кўм-кўк самога,
Кенгликларга отилар ёрқин, безавол.
Чувашни кучоқлар янги кун, замон,
Янги чечак экиб янги дунёга,
Байналмилал поллар камалак мисол.

МИРТЕМИР таржимаси

1931

Ягона оилада



Бокунинг Каспий бўйидаги нефть ҳавозалари.

ОЗАРБОЙЖОН ССР

1920 йил 28 апрелда тузилган. 1922 йил 12 мартда Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикаси составига кирган. Шу иттифоқ таркибиде 1922 йил 30 декабрда ССР Иттифоқига қўшилган. 1936 йил 5 декабрда ЗСФСР тугатилгандан кейин СССРга қабул қилинди. Озарбойжон ССР таркибиде 1 автоном республика ва 1 автоном область бор. Майдон 86,6 минг кв. км. Аҳолиси 5 миллион 326 минг киши. Кимё ва нефть кимёси сановати, қора ва рангли металлургия, нефть сановати машинасозлиги, электротехника, асбоб-ускунасозлик, нефть ва газ сановати равнақ топган. Қишлоқ ҳўжалигида пахтачилик, сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик асосий тармоқлардир. Республикада 4.775 умумий гўялим мактаби, 78 ўрта махсус ўқув юрти, 13 олий ўқув юрти мавжуд. 262 газета-журнал ва бошқа вақтли матбуот турлари нашр этилади. Пойтахт — Бoku. Бokuдан Москвагача 2.472 км.

Бир Ватанинг фарзандлари.

С. БЕЗНОСОВ фотоси





И. ЦИГАНОВ. ЛЕНИН ҲАДЯ ЭТГАН БАҲОР. Линогравюра



И. ЦИГАНОВ. УЗБЕКИСТОН. Линогравюра.



А. БАЛКАНОВ чизган плакат.

В. ЕВЕНКО. ШОНЛИ ИЛЛАР. Тетрапих.





Республиканимизнинг тарихий байрамга тўғнаси — миллион тонналардан юксалган «оқ олтин» хирмони. Бу тухфادا ҳар бир пахтакорнинг муносиб хиссаси бор. Урта Чирчиқ районидagi Оқунбобоев номи колхозининг механик-хайдовчиси Убайдилла Абдуллаевни ҳамкасб дўстлари (ўнгдан) агроном Олтой Шеримбетов, Незъмат Насибуев, Сайдамбар Ниёзжўраев, Тошмулат Ниёзов лeги меҳнат ютуғи билан табриқлаётқандалар. Г. ГРАФКИН фотоси

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Пахта байрами.

ЎТМИШНИНГ БАДИИЙ САҲИФАЛАРИ



аксини топди. Алматинская бу асарни устида қарийб 20 йил ишлади.

Унинг яқинда босилиб чиққан «Кечмиш йиллар» очерклар тўпламида чор Россиясининг собиқ мустақилликда Совет ҳокимияти қандай вужудга келиб мустақамланганлиги ҳаққоният билан ҳикоя қилинади. Куллидан овоз бўлган қадимий ўлкадаги социалистик ўзгартишларда адиба қизин иштирок этган. У 1917 йили Еттисув темир йўлини эксплуатация қилиш бошқармасида ишлаб турган пайтда турли йнги ва митингларда қатнашар, ишчиларни касба союзига жалб этар, партия аъёнасининг муҳим топшириқларини бажарар эди. Кейинчалик у Россия телеграф агентлиги — РОСТАнинг Туркистон бўлимида ишлади, олис Тулкияб темир йўл бекатида телеграфчилик қилади. Уша йиллари саводсизлигини тугатиш курсларида, бадий ҳаваскорлик тўғрисида дарс беради. Авлиботада «Эркин Кедей» газетасини ташкил этади ва унга муҳаррирлик қилади. Волгабўйида очарчилик юз берганда, оцларга ёрдам ташкилотларида ишлайди.

Уз ижодини Урта Осиё ва Қозғистон халқлари ҳаёти билан боғлаган рус совет адибаси Анна Владимировна Алматинская Туркистонга бадарга этилган эрипарвар руҳдаги рус зиялиси онласида улғайди.

Адибанинг ўзи фаол қатнашган шиддатли инқилоб йиллари воқеалари «Истибод» трилогиясида бадий

Анна АЛМАТИНСКАЯ

ШАЙТОН ЧАНГАЛИ

1922–25 йилларда, собиқ Туркистоннинг беповен кенгликларида синдий кўраш авж олган бир пайтда, мен хотин-қизлар билан ишлаш бўлимида фаолиятини матбуотда мунтазам ёритиб борганман. Турли жойлардан келган кўплаб аяғ ва қарорлар қўлимдан ўтган. Уларнинг ичиди шунақалари ҳам бўлар эдинг, дахшат тўла дилларларнинг уқийётган кишининг туналари тикка бўлиб кетарди. Ушандай, бироқ охири хайрли тугаган ҳодисалардан бирини эътиборингизга ҳавола қиломоқчиман.

Қадимий Қўқондан қирқ қақирим нарида, шаҳар ва унинг атрофини оби ҳаёт билан таъминловчи йигирма ариққа сув тақсимлаб берадиган Сўҳ дарёсидидаги тўгон соқчилар томонидан қўриқланарди. Сўҳ-Жума қишлоғининг бир чеккасида жойлашган поstda ҳар куну уч қизил аскар ва ён атрофдаги қишлоқ комсомолларидан олти-етти киши навбатчилик қиларди.

Сўга зор деҳқонлар ҳам соқчиларда жон-жон деб иштирок этишарди. Аммо кейинги пайтда кимдир бандларни қасддан бузиб кетаётгани туфайли майдонларни сув босиб, экинларни ювиб кета бошлади. Худди ўша кунлари Сўҳ-Жума ва Жуматепеа қишлоқларида тез-тез шубҳали ҳодисалар юз бериб турди. Чунончи, соқчилик пайтда бедарак йўқолган комсомол йигитнинг жасади кейинчалик суви қурган ариқ тубидан топилди. У бўлиб ўлдирилган, бўйинга ботирилган ўткир тирноқларнинг изи ҳалигача сақланган эди. Кўп ўтмай бир комсомол қиз ҳам шу тариқа ҳалок бўлди. Иккала қишлоқ аҳли ўртасида дув-дув гап тарқайди: шариғат шак келтириб, намоз ўқимай қўйган даҳрий комсомоллар шайтон чангалига жазо толаётган эмиш!

Бу шов-шувдан кейин кўпчилик ваҳимага тушиб қолди, саводсизлигини тугатиш мактабига қатнаётганлар, комсомол қаторига қўшилиётганлар савфи сиқраклашди, одамлар ҳудожўйликка берилди. Ҳатто эндигина партия савфига кирган деҳқонлар ҳам маичт зшигдан лоқайд ўтиб кетолмай, иккиланган қорандилар. Фақат етим йигит комсомол Жаҳонгир довдираб қолганлар устидан кулиб юрди. Бир куну уни чойхонада гапга туттиди.

- Эҳтиёт бўл, Жаҳонгир, гуноҳга ботиб шайтон чангалига тушиб қолма.
- Қанақа гуноҳ қилибман!
- Соч қўйиб юрганнинг, намоз ўқимаганинг, мулла Урмонбек эшонни мазаҳ қилганинг кофир бўлганинг эмасми!
- Об-бол! Гуноҳларим кўп экан-а! Демак, оғзига келганини қайтармай сўкинмадиган, кўркоридай бир оятни ёдлаб олган, имзо чекишни билмаганидан бармоқ босадиган саводсиз эшонимиз гуноҳсиз бонда эканлар-да. Қўршон уқийётганда ҳам нималарни гулдиратганини аяглаб бўлмайми...
- Оғзингга қараб гапир! Шайтон бу гапларингни эшитиб қолса, нақ...
- Э, қани эди, сиз айтган шайтон олдимдан чиқиб қолса, ичак-чавоғини ағдариб ташлар эдим,— дея Жаҳонгир бикиндайги ханжарни пайпаслаб қўйди. Бу ханжарни яралган Жаҳонгир босмачи қилдан тортиб олиб, унинг ўзини чавоқлаб ташлаган эди.

— Шўрликчана қизим, нурийдийм. Бағримдан юлиб олиб кетишпай-я. Нега бизнинг бахтимиз қора, манглайимиз шўр экан-а! — Бибисора ая Ойинсаннинг ипак сочларини силаркан, нуқул шу сўзларни қайтарар, кўзларида ёлтиллаб турган ёшини яширишга ҳаракат қилар эди.

Қиз эса онасининг тиззасига бошини қўйганча ўйга чўмган. Ниҳоят, ўзига ҳам, онасига ҳам таскин бермоқчи бўлиб кўнглини аллалаётган умидини айтиди.

— Кўп куйинманг, онажон! Жаҳонгир акамнинг айтишича, янги қонун чиқарилган эмиш. Уша қонунда қизнинг розилигисиз узашиб юбориш тақиқлаб қўйилди. Мен ҳам ўша зolim, жирканча эшонга турмушга қиймайман! — Ойинса онасининг билакларига юзини ишқайди. — Йўқ, эшонни хоҳламайман!

— Қўй, қизим. Бу гапларингн фойдаси йўқ. Сен айтган қонун бизларга

Адиба ҳамиша кечмиш йилларнинг қимматли хотираларини навқирон авлод эътиборига етказишга интилади. У Қора денгизда кемада Алексей Максимович Горький билан илк дафъа учрашгани, Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи съезидида, паранжига қарши «Хўжу» тадбиринда қатнашгани ва алангали йилларнинг бошқа кўп воқеаларини ўнуччи кўз олдига худди нечагидай равшан гавдалантиради.

Анна Владимировна тинимсиз хизмат, ик-оҳ, жамоат ишлари билан банд экан, ўқишга, илимини оширишга ҳам вақт топа олди. У Тошкент дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетинида ўқиди. Соғлиги ёмонлашган пайтда Сухумига узоқ вақт доволанишга борганида ҳам жамоат ишларига шўнғиди. Абхазия Ёзувчилар ташкилотининг адабий консултация бўлимида ишлади. Абхаз шоир ва Ёзувчиларнинг асарларини рус тилига таржима қилди.

Ўзбекистонга қайтганидан кейин Анна Алматинская узоқ йиллар Самарқандда яшайди. «Ленин йўли», «Ленински йуль» газеталарига, «Еркин

ҳаёт» журналига ёзиб турди, ёш ёзувчиларга яқиндан ёрдам берди.

Улуғ Ватан уруши йилларида адиба мамлакатимизнинг ғарбий районларидан Тошкентга кўчириб келтирилган етим болаларга вақтинчи ва меҳрини бағишлади. Ҳарбий комиссарликнинг хотин-қизлар бўлимида ишлади. Анна Владимировна ўша йиллари болалар учун «Қувончли кун» ва «Ичинтойларимиз» каби пьесалар яздди. Кейинчалик адиба 85 ёшга тўлганида ҳам бу мавзуга яна қайтди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Авдеева билан ҳамкорликда машаққатли уруш йилларида ўзбек оналарида бошпана ва инсоний меҳр толган турли миллат болалари ҳақида ҳужжатли китоб ёзиб, нашр эттирди.

Адибанинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Муҳтарам адибамиз ҳамон кучгайратга тўла. Қўтулуғ тўйи арафасида у «Дар шўъласи» деган янги роман устида ишламоқда.

Ижодингизга баранга тилаймиз, азиз Анна Владимировна!

тегишли эмас. Бизда ягона қонун — уйнинг ҳокими эркак, деган қонун бор, болам. Қизимга раҳм қилинг, деб отангга қанча ёлбордим, бўлмади. Шу чоққача емаган келтакни едим... Идингга тўй, тақдирга тан бермай илож қанча...

— Йўқ! Йўқ! Истамайман!

— Бас қил, қизим, бас қил! Дугонан Раънони ўлдиршигга эсиндан чиқдим! У ҳам эшонга хотин бўлишдан бош тортган эди... Уни ҳам шайтон бўқиб ўлдирди, ахир...

— Аммо Жаҳонгир акам қотили эшоннинг ўзи юборган деппти, шунинг учун у шаҳарга, суд қақиргани кетган.

— Ҳой, қиз, жим бўл, дедим. Отангдан балога қолмайлик тагин. Эҳтиёт бўл, эшонга қўл берганидан бери отанг бошқача бўлиб қолган.

— Майли, онажон,— деди Ойинса бир қарорга келиб,— мен розиман. Фақат шу бугуноқ Жаҳонгир акамга одам юборишга сўз беринг. Шаҳардан қайтиб, у ҳам тўйга келсин...

— Ҳўп қизим, ҳўп. Жаҳонгир ўз ўғлимиз. Бизникида униб-ўсди, сенга акадай бўлиб қолган. Қўшнимизнинг ўғли Баҳром Қўқон Бозорига тушмоқчи эди, шунга айтга қоламан.

Тўй. Ясатилган аравада ёр-ёр айтиб келини олиб кетишмоқда. Бибисора ая пик-пик йиғлаётди. Ойинса эса шол рўмол тағидан атрофга аланглаб, одамлар орасидан Жаҳонгирни қидиради. Уни тополмагач, юраги ҳарпикади: ҳалмиаси тамом...

Қоронгу тун. Меҳмонхонадан келаётган куй садолари, бақирик-қақириклар тинди. Ичкарига ҳам жимлик чўкди. Ойинса эч четдаги чўғдай безатлиб унда. Оғир сукунат унинг бағрини эзаётгандек, эстикларга сунганча қислиб-қимтиниб ёлғиз ўтирибди. Энди мадад етиб келмайди, барча умиди чиппака қикди. Пардани кўтариб, юзини кўраман деганда Ойинса эшоннинг кўлини итариб юборган эди, шунда чолнинг ғазаб билан қақнаган кўзларини, тиржайган чирик тишларини кўргандаёқ Ойинсаннинг юраги орқасига тортиб кетган. Чол энди уни соғ қўймаса керак...

Узоқдан эшоннинг гийқиллагани эшитилди. Қизнинг юраги сиқилиб, қиндан қикиб кетаёзди. Қадам товушлари ақирқор, яна ҳам яқинроқдан эшитиллаётди. Бошланди! Нақшиндор эшик оҳиста очилди-да, остонада эшоннинг гавдаси биринчи бўлиб. Ожиз қизнинг азобланаётганидан завқлангандек бир пас ўша ерда тик туриб қолди. Сўнг эшонки ёпди. Улимтик қибфа илондек тўлғониб қизга яқинлаша бошлади. Уридан туриб кетган Ойинсага қабиҳ кўзларини қадади, ориқ кўлларини елкасига қўйди. Сўнгра тиржайганча, туфук савратиб сўради:

— Ярашдик-а... Йўқми?!... Овозингни ўчир, барибир, ҳеч ким эшитмайди.

Оғиздан мусаллас ҳиди бурқсиётган чол Ойинсани чимчилай бошлади. Қиз типирчилай-типирчилай унинг қўлидан қутулиб қикди-да, бутун кучини тўплаб, эшонни итариб юборди. Чол йиқилиб тушди. Сўкина-сўкина бурчакдаги сандикнинг олдига бориб нимадир ахтара бошлади. Эшон ўткир темир тирноқлар тангилган чарм қўлпояни кияётганини кўриб қиз дахшатта тушди. Ойинсани лангатаиб, сўкиб у яна яқинлашиб кела бошлади. Қиз жон ҳолатда ўзини эшонка урди — очилмади, даразага чолди — ёпик. Шу пайт темир тирноқлар унинг елкасини тирнаб ўтиб, бўйинига ботди. Қиз ғайри табиий куч билан эшон чангалдан юлқиниб қикиб нариги бурчакка қочди. Ойинса тегиб, йиқилиб кетган катта мис қумонни яна ўша ғайри табиий куч билан даст кўтарди-да ўзига ёпишиб олган эшоннинг бошига туширди. Ҳиқилдоғини сиқайтган чангал аста-секин бўшашиб, Урмонбек ҳожининг гавдаси шилқ этиб оёғининг тағига тушди.

Қиз қўлидаги қумонни қон сачраган кўксига босиб олган, дир-дир тираб деворга суняиб қолган эди. Тонгни қўлаётган куларнинг олдирившини ҳам, эшик тақиллаётганини ҳам, гўнғир-гўнғир товушларини ҳам эшитмай тошдек қотиб турарди...

Хонага югуриб кирган Жаҳонгир, милиционер ҳамда кўшчи раиси Ойинсани худди шу алфозда кўришди. Унинг пойида эшоннинг гўжанак жасади. Милиционер билан Жаҳонгир жасадини ағдариб кўришди.

— Э, ҳал Мана буну шайтон деса бўлади,— деди милиционер темир тирноқли қўлқонни ечиб оларкан.

Жаҳонгир ўсал бўлиб турган Ойинсаннинг олдига келиб, сочларини силар экан, қиз йигитнинг кўксига бошини қўйганча ҳўнграб юборди.



ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ЧАРАҚЛАСИН!..

Адабий учрашувлар, адабий сафарлар, билмадим, ким учун кўпроқ зарур — китобхон учунми ёхуд адабиётчи учун? Китобхон ёзувчи билан бевосита учрашмаса ҳам, китобларини ўқиб, унинг тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Адабиётчи-чи? У, албатта, китобхон ҳузурига бориши, у билан юзма-юз улашади керак. Бундай учрашувлар ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги билимларини бойитади, замондошмизнинг маънавий қиёфасини аниқроқ кўришга ёрдам беради, унга янги илҳомлар бағишлайди, кўнгилдаги ҳаёт ишқини янада алағалатади.

Бу гал ҳам шундай бўлди... Июль ойининг охирида Ёзувчилар союзига чакришиб, сафарга отланишим кераклигини айтишди. Шухрат, Абдулла Орипов, қорақалпоқ шоири Кенес Раҳмонов ва мен эртасига эрталаб самолётга ўтириб, олис Сибирга — Красноярск шаҳрига йўл олдим.

Ростини айтсам, Сибирга сафар қилиш кўлдан бери кўнгилимни қитқилган орзум эди. Сибирь ҳақида кўп ўқиганман, кўп эшитганман. Ҳар ҳолда, унинг бугунги жамоли, қайноқ ҳаёти ҳақида муайян тасаввурим бор десам, бўларди. Бироқ юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган ҳикमत бу гал ҳам тасдиқланди. Сибирь ўлкасида кўрганларим тасаввуримдан юз чандон ошиб тушди.

Красноярск — унча катта бўлмаса ҳам, озодагина, шинам шаҳар экан. Рагон кўчалар, уларнинг икки томонида текис дарахтлар сафи. Гулларга кўмилган хиёбонлар. Энг муҳими, ҳар қадамда қад кўтараятган янги бинолар. Қурилиш кранлари шаҳар манзарасининг асосий белгиси дейиш мумкин. Уларнинг кўплигиндан шаҳарнинг нечоғлик тез ўсаятигини билиб олиш мумкин. Красноярскнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, шаҳарга алоҳида фойз бағишлаб, Енисей оқиб ётибди. У бениҳоя гўзал. Унга қараб тўймайсан киши. У осмон рангини шимиб олгандай, товланиб оқади. Мен кўп дарёларни кўрганман, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам Енисей қаршида анҳордай кўриниб қоларкан. Енисей шу қадар улкан, шу қадар улуғворки, уни океанинг уқаси деб айтса бўлади.

Шу қудратли дарё неча асрлар давомида инсон амрига бўйсунмай оқиб ётарди. Совет иқшисининг иродаси уни бўйсундирди. Совет кишиси Енисей дарёсида Сибирь мўъжизаларидан бирини яратди. Красноярск ГЭСи ҳозир дунёдаги энг катта ГЭС. У бир йилда 6.000.000 киловатт энергия беради. Биз ГЭСнинг тўғонини томоша қилдик, сўнг ГЭС биносига тушдик. Назаримда бу бино ГЭС эмас, афсонавий қаср эди. Ҳаймаёқ чиннидек тоза, на гард, на димлик бор. Ҳатто қудратли машиналарнинг гуворни ҳам олисдан келаятгандек, бўғиқ эшитилади. Бу қудратли иншоотни кўрганда доҳиймиз Лениннинг «Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс электрлаштиришдир», деган ҳикматли гапини тўлиқроқ тушунасан киши.

Красноярск Сибирнинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири бўлиб қолди. Уни кўрганда Сибирь қўйнида янги ҳаёт қайнаётганига амин бўласан, бу ҳаёт суръатидан орта қолмаслик учун беихтиёр қадамингни тезлатасан киши.

Красноярскда бир неча кун бўлган, Хакассия автоном областига йўл олдим.

Унинг пойтахти Абаканда бўлди. Абакан қадимдан қаҳрли иқлими, ўта совуқ киши билан ном чиқарган жой. Ҳатто унинг тўғрисида «Абакан, Абакан жонанон диёр, ўн икки ой қиш-у, қолгани — баҳор», деб қўшиқ ҳам тўқилган. Бироқ, Абакан бизни очиқ чехра билан, булутсиз кўм-кўк осмонни, чарақ-

лаган қуёши билан кутиб олди. Хакассияда биз Саян-Шуша ГЭСининг қурилатганини кўрдик. Тей темир конининг шахтёрлари ҳузурда меҳмон бўлдиқ, совхоз ва колхозлар билан танишдик. Энг қизиғи шуки, хакаслар қадимий туркий маданиятга асос солган, Урхун-Енисей ёзувларини яратган халқ экан. Улкан ўрғаниш музейида минг йиллар аввал тошдан йўниб асалган ҳайкаллари кўрдик. Улардаги ёзувлар худди Култегин ёки Билкақоғон шайнига битилган ёзувларни эслатади. Бир замонлар катта маданият яратган хакаслар кейинчалик жуда оғир турмуш кечиришди, уларнинг ҳаётини асрий жаҳолат, нодонлик зулмати чулғайди. Фақат бизнинг давримиздагина бу кичик ҳаёт чарақийетининг катта йўлга чиқди. Бугун Хакассияда катта адабиёт яратилмоқда, хакас болалари она тилида мактаб ва институтларда ўқимокда. Хакассияда ҳам ҳар қадамда янги қурилиш, завод-фабрикалар, турар жой бинолари қад кўтармоқда. Бу қурилишнинг кўлами ҳақида тасаввур ҳосил қилишингиз учун биргина мисол келтирай. Ҳозир Абаканда вагонсозлик заводи қурилмоқда. Завод битгандан кейин, бир йилда 40 минг вагон ишлаб чиқаради. Бу ҳозир Иттифоқимиздаги ҳамма вагон заводлари ишлаб чиқараётган вагонлардан кўпроқдир. Саян-Шуша ГЭСи эса 6.400.000 киловатт қудратга эга бўлади. Унинг этагида Иттифоқимиздаги энг катта мәрмәр кони ишга тушади.

Кичик ўлка, лекин ишлари улкан ўлка... Сафаримиз давом этди. Биз хакас ёзувчиларининг ҳамроҳлигида машҳур Саян тоғлари орқали Тува автоном республикасига йўл олдик. Бу ерда ўзбек адабиёти фахтални ўтди.

Тува Ўзбекистондан олис — бу икки ўлка ўртасида қанчадан-қанча дарёлар, қўллар, тоғлар ва водийлар бор. Бироқ биз Тувада ўзимизни мусофирни Тувада ўзимизда юргандек ҳис этдик. Тува ҳам бугун ҳар жиҳатдан қамолга эришяётган ўлка экан. Айниқса, унинг қишлоқ хўжалиги, совхоз ва колхозлари тез ривожланмоқда. Шуниси ажабланишлик, туваликлар биринчи марта шаҳарни 1925 йилда кўришган экан. Шундан бери ўтган салкам эллик йил ичида Тува 500 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди — у қолақ феодализм эди. Ҳозир илгор социалистик мамлакатга айланди. Туванинг тараққиёт йўли ҳақида гапирганда Тува область партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли ёзувчи Салчак тоқа шундай деди:

— Биз ўз тараққиётимизда нимага эришган бўлсак, бунинг ҳаммасига совет давлати тўғрисида, Коммунистик партиянинг гамхўрлиги тўғрисида, СССР халқлари ўртасидаги буюк қардошлиқ тўғрисида эришдик.

Дарҳақиқат, Сибирь сафари, Хакассия ва Тува ҳаёти билан танишиб, бу сўзларнинг бениҳоя тўғри ва ҳақоний эканини яна бир бор исбот қилди. Сибирь сафаридан қайтар эканмиз, қалбимизда шундай ҳислар ҳукмрон эди: бепоён ўрмонлар, улғур дарёлар ватани бўлиши Сибирда бугун социалистик ҳаёт жўш урмоқда, кўнра Сибирь ўтмишидаги совуқ либосини ечиб ташлаб, енгил жомакор кийиб олиб, коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда. Сибирь устида қуёш чарақлапти. Бу қуёш коммунистик партия ёққан халқлар дўстлиги деб аталган қуёшдир. Сибирнинг бугунги чиройи, бугунги нафаси, бугунги қудрати шу қуёшдан...

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Ягона оилада



ЛИТВА ССР

1940 йил 21 июлда ташкил топган. ССР Иттифоқида 1940 йил 3 августда кирган. Майдон 65,2 минг кв. км. Аҳолиси 3 миллион 202 минг киши. Асбоб-ускунасозлик, электротехника, станоксозлик, кимё ва нефть кимёси саноати ривожланган. Сут-ғўшт етиштириш, чорвачилик — қишлоқ хўжалигида асосий тармоқлардир. Республикада ҳамма турдаги 3.432 умумий таълим мактаби, 79 ўрта махсус ўқув юрти, 12 олий ўқув юрти мавжуд. 211 газета, журнал ва бошқа вақтлик матбуот нашрлари чиқади. Пойтахти — Вильнюс. Вильнюсдан Москвагача 944 км.

Литва мактаблари ҳар йили минг-минглаб қўвноқ кичкинтойларни зўр шодийна билан бағрига олади.

ВОЛГА, ВОЛГА...

Волга оқшомлари оромбахш.

Мен Россиянинг улуг дарёси — Волга бўйларида бир неча марта бўлганман, бу буюк нахрнинг оқ немаларида қадимий Қозондан то Горький шаҳрига қадар саёхат қилганман. Негадир, «Волга» сўзини икки бора сонин тақрорлашнинг ўзидаёқ кўз олдингизда дардли ва улугвор поэзия бор бўйича намоён бўлади, буюк Некрасовнинг шеърларидан тортиб, то улуг ўспиринимиз Усмон Носирнинг теран сатрларигача хотирангизга келади...

Волга бўйлари... Бу ерларда туманли ва бенаво соатларни, она табиатнинг гариб фарзандлари бўлиши — қалбида на шеърятдан, на илҳомдан, на завқдан асар бўлган ўтинчи кимсаларнинг озорларини тамоман унутасиз, қалбингизда абадий яшил ва нег ўрмонлар, ажойиб ижодкор — меҳнатнаш инсон, сонин ва бепишанд дарё, чексиз осмоннинг сеҳригина қолади.

Татар шoirи Равиль Файзуллин иккимиз Волганинг азамат ирмоғи Кама дарёсида катерда сузиб नेताётимиз. Равиль сўрайди:

— Нимани ўйлайтибсан?

Татар классиги Абдулла Тўқайнинг хотирамда қолган байтини тақрорлайман:

Биз туғилдик шунда, улгайдик ва шунда қадримиз,
Энг буюк маъсад бизим ҳур мамлакат — ҳур Русия!

Ҳа, бизнинг буюк Россияга бўлган муҳаббатимизни абадийлаштирган сатрлар кўп. Уларни ҳамма қардош халқларнинг энг суюқ фарзандлари асрлар учун, насллар учун яратган. Инсон қалби тирик экан, уларнинг оташи сўнмайди!

Волга нег ва ёйиң. Азамат немалар, улкан соллар тўхтовсиз ўтиб турибди.

— Буларнинг кўпчилиги Набережная Челни, яъни

Чоллига — Кама автомобиль заводи қурилишига бораётди, — дейди Равиль.

Сал ўтмай дарё соҳилида — жуда нег яланглинда улкан оқушлар янглиг оппоқ бинолар кўринди. Бу — яқин икки йил ичида ушоқина шаҳарча ўрнида қад кўтарган, тўғрироғи, йўқ жойда барпо бўлган замонавий шаҳар. Бу ерда ҳозир тўққизинчи беш йилликнинг энг катта қурилиши — КамАЗ қурувчилари истиқомат қилади. Уларнинг орасида ўнлаб миллат вакиллари бор. Ўзбек йиғитлари ҳам энг шимариб меҳнат қилмоқда. Бизни қурувчилар, қурилишнинг масъул ходимлари кутиб олишди. Гигант қурилиш майдонини айланиб чиқиш ҳам ҳазиланам иш эмас экан. Цехлари тез сурьатлар билан тикланаётган бу азм иншоот эгаллайдиган майдон — 100 квадрат километр!

Буламек совет автомобиллига ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳоннинг ҳар тарафидан буюртмалар тўхтовсиз келиб турибди, машинанинг нусхалари ҳозирданок ҳар хил шароитларда синовдан ўтказилмоқда, дейишди. Менинча, бу ерда фақат машина нусхаларигина эмас, халқларнинг буюк дўстлик туйғуси ҳам синовдан ўтапти. Ҳар инкаласи ҳам мустақкам, ҳар инкаласи ҳам оқибатли синов!

Оқшом дарё бўйига йиғилдик. Шеърхонлик бошланди, турли тилларда кўшиқлар янгради, улуг Волга шаънига, қадимий татар тупроғи шаънига самимий сўзлар айтилди. Вақт алламаҳал бўлганда катерга чиқдик. Яна буюк Волга сувлари, соҳида ўрмонлар қорайиб кўрилади, нариги қирғонда эса жуда улкан биноларнинг чироқлари чарақлайди. Бу — КамАЗ.

— Дарёсан, дарёдай тирикчилик қил! — дейман.

Улуг Волгага, улуг мамлакатга ана шундай улуг қурилишлар жуда ярашади.

Абдулла ОРИПОВ



Иброҳим ЮСУПОВ

Сен Кегайли бўлиб оқдинг олдимда бирдай
Бодроқ-бодроқ пахталарда мен сени кўрдим.
Сирли орзу оғушида ҳоришни билмай
Қоқ туш пайти қирғий овлаб далада юрдим.

Кўрдим сени хумор кўзли кўшни қизининг
Ўзидаги жонга ором кулдиргичида,
(О, у гўзал фахри эди овулимизнинг,
Соғинаман ҳамон уни кўрсам тушимда).

Баъзан дардли кўшиқ бўлиб, олис-олисдгн
Пода бўлиб овулимиз ордидан қайтдинг.
Баъзан гулхан атрофида қовун полизда
Кўриқчи чол бўлиб оқшом эртақлар айтдинг.

Кечқурунлар пахса девор устидан қараб,
Кўрар эдим кўл бўйида гулхан — ўтларни.
Кўпни кўрган олис йўллар сочмини тараб,
Ваъда қилар эди қизиқ саёхатларни...

Сени қандай суратларда кўрган бўлсам-да,
Ишон, Ватан, улугўлигинг унутганим йўқ.
Киндик қоним томанг ерни қанча севсам-да,
Муҳаббатим ёлғиз унга бахш этганим йўқ.

Қизил Майдон юлдузлари биз гўдак чоғда —
Алифбенинг суратидан кўнглимга кўчган.
Ленин билан Пушкин ўсган улуг тупроққа
Кўкрагимда кўк эмандай ифтихор ўсган.

Россиясиз қилолмайман сени тасаввур,
Бош ҳарфсиз хаёлимга келтиролмайман.
Илҳомининг қосмодроми, бахтим кўёши,
Кўп дийрли, кўп денгизли, кўп тилли Ватан!


Мен Кавказда, ё Тайгада адашганда ҳам,
Бугубоқар ўтовида бўлсам-да меҳмон,
Ватандошлик ҳиссиёти кўллайди ҳар дам,
Елғизлатиб, бегона деб боқмас ҳеч инсон.

Сенга бўлган ҳисларимнинг минтақалари
Беш океанга туташтирар қалбимни менинг.
Олти широр! беш юлдузинг барча халқларнинг
Умидларин соҳилингда чорлайди сенинг.

Киндик қоним томанг сенинг бир бурчагингни
«Ўз ерим» деб бўлиб олиб севмоқ менга ёт.
Улуглик ва кенглигингни, бирлик, кучингни
Юрагига солган одам — у чин азамат.

Юлдузларга ракеталар карвонин бошлаб,
Учиб кетмоқ бахти агар буюрса менга,
Ҳайқирардим назарини бир сенга ташлаб,
— Ватан, сенинг ёш новдангман, ҳаётим сенда!
Қорақалпоқчадан
Маъруф ЖАЛИЛ
таржимаси

! Олти широр — Биродарлик, Тенглик, Озодлик,
Меҳнат, Тинчлик ва Бахт-саодат.



Кўп ўтмай бу ерда Андижон денгизи барпо қилиниб, далаларимиз сувга янада маъмур бўлади.



«ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ...»

СССР География жамиятининг аъзоси, Ўзбекистон киносаҳнатчилар клубининг раиси, кинооператор Борий Хўжаев 9 йил давомида тўрт марта катта саёҳатга чиқиб, Совет Иттифоқи ва чет эллар бўйлаб 140 минг километр масофани «Волга» машинасида босиб ўтди ва шу сафар таассуротлари асосида кўпгина фильмлар яратди.

Биз Борий Аълоевчидан СССР, Польша, ГДР, Венгрия ҳамда Чехословакия бўйлаб қилган сафарлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Биз биринчи сафаримизда қардош совет халқларининг фидоорна меҳнати ҳақида тўламетражли телефильм яратишни мақсад қилиб қўйган эдик. «Ун беш республика йўллари бўйлаб...» деб аталган бу фильм ялпи нурул-сизланиш ва тинчлик тарафдорларининг умумжаҳон конгрессига бағишланди.

Бу ўринда аввал шу фильмга асос бўлган кишилар, воқеалар, жойлар ҳақида қисман сўзлаб бермоқчиман. 1962 йилнинг 20 майида моҳир шофёр, қувноқ дўстим Владислав Немаев билан Тошкентдан «Волга» автомашинасида Фрунзага жўнадик. Биринчи марта сафарга чиқганимиз учун талай қийинчиликларга дуч келдик, йўл узоқ ва нотаниш эди. Қозоғистон чўлларини ўзлаштираётган кишилар билан учрашиб, улар ҳаётидан лавҳалар олдик. Челябинскидан Горький орали Ватанимиз пойтахти Москвага қараб юрдик. Эрталаб соат еттида Қизил Майдонга кириб бордик. У ерда бизни таниш саяёҳ ўртоқларимиз, ҳамшаҳарларимиз кутиб олдилар.

Кремлнинг Съездлар саройида бизни меҳмон сифатида конгрессга танлиф этишди. Мен дунёда биринчи космонавт-учувчи Юрий Гагарин билан учрашганимни асло унутмайман. Камтар, дилнаш, қувноқ ва довурак бу одами,

асримиз қаҳрамонини конгресс делегатлари орасида кинога олишга муяссар бўлдик.

Москвадан чиқиб Ленинград, Таллин, Рига, Вильнюс, Гомель, Минск, Киев, Одесса, Сочи, Гагра шаҳарларида бўлдик... Сафаримизнинг тўртинчи ойда, 30 минг километр йўл босиб, Тошкентга қайтиб келдик.

Шу сафар вақтида суратга олган «Йўл чорлайди» деган фильмимиз экранга чиқди. Фильмда совет кишиларининг дўстлиги, турмуши, фидоорона ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

1964 йили — иккинчи саёҳатимиз вақтида Ўзбекистон бўйлаб 10 минг километр йўл босдик. Натижада «Она-Ватан бўйлаб...» ва «Эҳтиёт бўлинг, нобра!» фильмлари дунёга келди. 1965 йилда эса София ва Бухарест шаҳарларига саёҳат қилдик. Шундан кейин «Руминия ва Болгария бўйлаб...» фильми яратилди. Фильмда қардош социалистик мамлакатлар кишиларининг турмуши ва меҳнати ҳақида ҳикоя қилдик.

Биз тўртинчи киносаёҳатимизни 1970 йилнинг 4 июлида эрталаб Тошкентдаги Республика Билимлар уйи олдида бошладик. Дўстларимиз, таниш-билишларимиз, киносаёҳатчилар клубининг аъзолари оқ йўл тилаб қолдилар. Биз 90 кун давомида беш мамлакат — Совет Иттифоқи, Польша, ГДР, Чехословакия ва Венгрия йўллари бўйлаб 200 минг километр йўл босганимиз керак эди.

Инженер Аҳад Зокиров билан «Волга»да йўлга тушдик. Қизил Урда, Орол денгизи, Оренбург, Куйбишев, Ульяновск, Горький, Москва орали Белоруссиянинг чегара шаҳри — Брестга келдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қардош Польша тупроғига кириб бордик. Йўл-ўлкай Варшаванинг гўзал манзараларини лентага туширдик. Бу ерда бизга қадимий бир афсонани сўзлаб беришди.

Жуда қадим замонда бу ўлкада учта ака-ука — Лях, Чех ва Рус бўлган экан. Оғанилар яшаш учун ўзларига бошлана излаб йўлга чиқишбди. Висла водийсига етиб келишганда Лях оқ бургут уясини кўриб қолди.

— Бу худонинг қаромати, — дебди у оғаниларига, — мен шу ерда қоламан. Лях ўзига уй қуриб олибди. Бу жой узоқ замонлар ўтиб поляк князлари

Ягона оилادا



ЛАТВИЯ ССР

1940 йил 21 июлда тузилган. ССР Иттифоқида 1940 йил 5 августда кирган. Майдон 63,7 минг кв. км. Аҳолиси 2 миллион 409 минг киши. Радиотехника, асбоб-ускунаасозлик, трикотаж ва балиқ саноати ривожланган. Кишлоқ хўжалигида гўшт-сут чорвачилиги ва чўчқачилик асосий соҳа ҳисобланади. Республикада 1.137 умумий таълим мактаби, 55 ўрта махсус ўқув юрти, 10 олий ўқув юрти мавжуд. 174 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот турлари нашр этилади. Пойтахти — Рига. Ригадан Москвага 927 км.

«ВЭФ» заводидаги маҳсулотлари Латвиядан ташқарида ҳам талаб кучли.



Кремлдаги Съездлар саройида биринчи космонавт Юрий Гагарин билан уррашу.



Кремлдаги Съездлар саройида дўстлар гурунги.



Партизанлар отрядининг командири Иван Федорович Золотарь. У Польшанинг Закопане шаҳрини озод қилишда ҳам зўр жасорат кўрсатган.

нинг қароргоҳига айланибди. Мамлакатни эса бу ерда биринчи бўлиб яшаган киши шаънига Ляхия деб атабдилар.

Чех билан Рус яна йўлда давом этишибди. Чех жануби гарб томонга бориб, Чехияга асос солибди. Рус эса шарққа томон йўл олибди. Кўп ўтмай Русь мамлакати пайдо бўлибди.

Бу кичик афсонада уч славян халқи ўртасидаги азалий қон-қардошлик гоёси ифодаланган.

Бундан чоран аср муқаддам Гитлер галалари Варшаванинг кулини кўнка совурган эдилар. Ҳозир эса вайронлардан асар ҳам қолмаган. Кўчалар, бинолар, хивоблар қайтадан бунёд этилган. Дилназ таржимон Зигмунд Дрочкан биз билан бирга Польша бўйлаб сафар қилди.

Мана, IX асрда қурилган Краков шаҳри. Бу ерда поляк маданиятининг қадимий обидалари, саройлари кўп. Биз шаҳарни завқ-шаўқ билан томоша қилдик.

Сўнг Поронинога — Польша тизма тоғлари эстагида жойлашган қишлоққа етиб келдик. Бир вақтлар бу ерда В. И. Ленин яшаган. Кишилар Поронинога машиналарда, махсус поездларда, пиёда келишди. Ҳозиргача қишлоқдаги уй-музейни тўрт миллион киши зиёрат қилган.

Уй жиҳозлари оддийгина. Тассурутлар дафтарида руслар, немислар, поляклар, французларнинг қалб сўзлари битилган. Уй-музей олдига хасса тутган мўйсифидни учратдик. Бу одам Ленинни кўп кўрган, ҳамсуҳбат бўлган. Мўйсифид бизга Ленин қақдидаги хотираларини бажону дил сўзлаб берди:

— Мен Владимир Ильични 1913 йилда кўрган эдим. Уша йилнинг сентяб-рида ўттизга яқин рус бизнинг уйимизга келди, улар орасида Ленин ҳам бор эди. Революционерларнинг йиғилиши салкам уч ҳафта давом этди. Мамлигга Ленин ранслик қилди. Лениннинг алоҳида хонаси бор эди. Кўпинча у шу ерда қолиб ишларди. Унга хат ва газеталар келтириб туришарди.

Ҳаво очик кунларнинг бирида мен тоғда Ленинни учратдим. Дам олиб ўтирган экан. У теваран-атрофни завқ билан томоша қилар ва «Бу жойлар қандай гўзал-а!» деб завқланар эди...

Павел Павлович 72 ёшда. Уруш йиллари гитлерчиларга қарши жанг қилган. Кейин деҳқончилик билан шуғулланган. Ҳозир пенсияда.

Закопане йўлида миллий кийимдаги тоғлиқларни суратга олдик. Улар Тошкент қақдида сўраб-суриштирдилар. Биз Ўзбекистон пойтахти қақдида ҳиқоя қилиб бердик. Польша халқи билан бизнинг дўстлигимиз узоқ тарихга эга. Уруш йилларида Польша тоғларида совет партизанларининг катта отряди ҳаракат қилган. Отряд командири Иван Федорович Золотарнинг номи фашистларни даҳшатга солган.

Биз совет партизанларининг поляк сафдошлари билан бўлган учрашувида иштирок этдик. Поляк партизанлари отрядининг командири Юлиан Зубок ва нурулдош дўстлари Владимир Иванович Спандиевский, Петр Леонтьевич Мартыновлар Золотарь билан бирга жанг қилганлар. Юлиан Зубок сафдош дўстларини Польшанинг фашистлардан озод этилиши муносабати билан ўтнаш-лаётган байрамга таклиф этган экан. Учрашув Польша тоғларининг энг баланд чўққисида бўлиб ўтди.

Биз яна йўлда давом этдик. 250 километр йўл босишимиз керак эди. Йўлда кўп ажойиб одамлар билан суҳбатлашдик. Айниқса, бир мўйсифид немис билан мириқиб гурунглашдик. Унга саёҳатимиз қақдида гапирдик, расмлар кўрсатдик. Мўйсифид тошкентлик эканлигини билган, тўлқинланиб гапирди.

— Тошкент... Одамлари яхши! Офатдан кўрқмайди. Ер юради.— У ер сил-киншини кўли билан кўрсатди.— кўп юради... Катта фалонат.— Уйлаб-уйлаб, ўз ҳақжонини ифодалаш учун русларнинг лўнда сўзини эслади:— Молодец! Ниҳоят Берлинга кириб келдик. Кенг нўчалар, кўп қаватли бинолар, ниҳосиз автомобиллар қатнови, улкан телевидение миносраси — янги Берлиннинг қиёфаси шундай. Биз дастлаб шиддатли жанглар кечган Трелтов-парнка бордик. Бу ерда Совет Армияси жангчилари шарафига ҳайкал ўрнатилган.

Бу Европа халқларининг ўз халоскорларига миннатдорлиги рамзидир. Лейпциг — немисларнинг кўҳна шаҳри, полиграфия саноатининг улкан маркази. Айни вақтда у халқро ярмаркалар шаҳри ҳам ҳисобланади. Турли мамлакат ва қитъалардан Лейпцигга борган кишилар Руссен-штрассе кўчасидаги 48-уйни албатта зиёрат қиладилар. Бу уйда 1900 йили В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлигида марксистик умуумус сийбй газетаси — «Искра»нинг биринчи сони босмадан чиққан.

...Биз Будапештдамиз. Ҳамроҳимиз тарихчи олим Дьердь Боршани бу шаҳарнинг тарихини сўзлаб берди.

Суҳбатга маҳлиё бўлиб, Геллерт тепалигига қақдидай етиб борганимизни билмай қолибмиз. Икки юз метр баландликда халоскор совет халқига миннатдорлик сўзлари ёзилган Озодлик монументи ўрнатилган. Жангда ҳалоч бўлган қаҳрамонларнинг номилари олтин рангда товланади. Улар орасида Аҳмедов, Иброҳимов, Хўжаев, Зокиров сингари ўзбек фамилияларини учратамиз.

Венгрияни озод қилганлар сафида Совет Армияси майори, эндиликда машҳур венгер рассоми Шандар Энк ҳам бор эди. У жанговар қуролни мўйқаламга алмаштириб, ўз санъати билан тинчлик иши учун курашмоқда.

Венгрияда шоира Эржебет Бродска билан учрашдик. Шоира кўп йиллардан буён ўзбек адабиётини ўрганар, ўзбек классиклари асарларини венгер тилига таржима қилиш билан шуғулланар экан. Эржебет буюк Алишер Навоийнинг ўлмас асари — «Фарҳод ва Ширин» достонининг таржимасини тугаллабди. Ҳозир шоира Навоийнинг «Сабъан сайёр» достони таржимаси билан машғул, у неланқада яна кўплаб бадий таржималар қилиш ниятида.

Карлови Вари курорт шаҳридамиз. Булоқлар ёнида барпо этилган шаҳарда дунёнинг турли гўшаларидан келган кишилар шифо топадилар. Карлови Варида ҳайкаллар жуда кўп. Ленин Ленин ҳайкалининг бошқа ҳайкаллардан фарқи шуки, уни курорт шаҳрининг аҳолиси ўз жамғармасига тилаган.

Биз Чехословакия пойтахти Прагага йўл олдик. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг эски қисмида даярли икки мингга яқин ёдгорлик бор. Вацлав майдо-ни. У ерда улуг чех ватанпарвари Ян Гусга ҳайкал ўрнатилган...

Эртасига эрталаб Чехословакия билан хайрлашдик. Она еримизга — Совет Иттифоқига қадам кўйдик. Карпат тоғлари, Кишинёвдан ўтиб, Одессага етиб келдик. «Иван Франко» немасида Ялтага жўнадик. Бир-биридан чиройли Керчь бўғози, Новороссиёис, Сочи, Сухуми, Тбилиси шаҳарлари ортда қолди. Бонудан Каспий орқали Краснодарсина ўтиб, Ашхобод, Бухоро, Самарқанд тўрпал ниҳоят она шаҳримиз — Тошкентга кириб келдик. Тўппа-тўғри «Лях-танор» стадионига йўл олдик, чунки саёҳатимиз шу ерда тугаши керак эди. Бу саёҳатимиз таассурутларини «Йўл Тошкентдан бошланади...» деган филь-мимизда акс эттирдик.

Саёҳатимиз яна давом этади. Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Африкага бо-ришни мўлжаллаб қўйганмиз.

СССР География жамиятининг аъзоси, Ўзбекистон киносаёҳатчилар клубининг раиси

Б. ХУҲАЕВ,



Барот БОЙҚОБИЛОВ

I
Бир улуг диёр бор Ер куррасида
Мен учун куёшдай азиз, ягона.
Бошида бир умр бўлгум парвона,
Қалбимнинг қони бор ҳар зоррасида.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Шу икки оламдан иборат дунё.
Икки олам аро куёшдай танҳо,
Бир диёр яқиндир қалбимга фақат.

На бирор сайёра, на бир мамлакат
Меҳри юрагимга бўлолмас ҳоким.
Кўкрагимга сизга талпинар қалбим
Шу диёр ҳақида сўз кетса фақат.

Шу диёр туйфайли гўзал бу жаҳон,
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон.

II
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон,
Момикдек кўксига қўйиб бошини,
Мўм янглиғ эритиб қайғу тошини,
Шодлик уммонида уради тугён.

Шу диёр инқилоб ёғдусин сочиб,
Зимзиё дунёни қилди мунавар.
Октябрь байроғин тутди музаффар,
Эрк деганга иқбол эшигин очиб.

Унда Ленин тузган буюк Иттифоқ,
Дунёни ҳайратга солди дафъатан,
Барча миллат бўлиб бир жону бир тан,
Мангуга йўқолди низо ва нифоқ.

Ишчио деҳқоннинг тор кулбасида
Бахт куёши балқиди тонг палласида.

III
Бахт куёши балқиди тонг палласида,
Ғам қушини мангу учуриб бошдан.
Шу диёр мамнундир дўсту қардошдан
Советларнинг буюк оиласида.

Шу диёр — худудсиз Ватаним маним,
Инсон бўлиб топган нону насибам.
Субҳидам битилган шеър қасидам,
Дунёда топилмас чаманим маним.

Шу диёр сарҳадсиз шодлик уммоним,
Толемидек кулган илҳом маскани.
Бахту саодатим, завқим чамани,
Дунёга кашф этган ёруғ жаҳоним.

Шу диёр куёшдай боқди-ю хандон,
Ёғдусидан олам бўлди чароғон.

IV
Ёғдусидан олам бўлди чароғон,
Уйқудан уйғотди янги асрни,
Пўлат сафда қўриб улуг наслни,
Яшаргандай бўлди бу кекса жаҳон.

Жангу жадалларни кечириб бошдан,
Оташда пўлатдек товланди девкор.
Қўндирмади ҳатто қалбига гўбор,
Нур эмиб, Лениндай улуг куёшдан.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Сайёралар инсон изига зордир,
Мамлакатлар ичра бир диёр бордир,
Мен учун дунёда якка-ягона.

Бир буюк нидо бор унинг сасида,
Шу диёр — олтин тўй арафасида.

V
Шу диёр — олтин тўй арафасида,
Кўзни сеҳрлайди кўркем жамоли,
Ҳар уйдан эсмоқда тўйнинг шамоли,
Арафа қувони ўт нафасида.

Тўйга қуруқ қўл-ла бормайди бизда,
Тўёна элтмоқлик расми-одатдир,
Одатга киргани зўр саодатдир
Шу қўтлуғ аъёна Ватанимизда.

Шу одатни барча этмасдан қанда,
Зарбдор жабҳалар жанги аро банд,
Тоғни талқон қилар Фарҳодга монанд,
Қадоқ қўлларини ишга урганда.

Тўёна ишқи-ла яшар ҳар одам,
Шодлигига бугун тор келур олам.

VI
Шодлигига бугун тор келур олам,
Саодат мулкида сурса ҳам даврон.
Улуг рус халқидай топиб бир сарбон,
Нурли уфқларга қўймоқда қадам.

Буюк иттифоқдош республикалар
Ғайрат камарини боғлаган тўйга,
Бугун меҳмон кутар ҳашамдор уйда,
Қон-қардош ва сафдош ака-укалар.

Гулчамбар*

* Гулчамбар — ўн беш сонетдан иборат бўлади. Сонетларнинг ҳар бири олдингисининг охириги мисрасини такрорлаш билан бошланади. Энг сўнгги — ўн бешинчи сонет магистрал деб аталиб, олдинги ўн тўрт сонетнинг биринчи мисраларидан ташқил топади ва ўзича яхлит бир поэтик фикрни жамлайди.

Сонетлар гулчамбари XIII асрда Италияда пайдо бўлиб, ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу шеърини шаклда бир поэтик фикрни ифодалаш анча мушкул. Чунки сонетларнинг ҳар бири айрим-айрим шеърлар бўлмай, бир манъиқни ифодалаган занжирнинг ҳалқасидир.

Сонетлар гулчамбари одатда улкан тантаналар, улуг айёмлар муносабати билан яратилади.

ОЛТИН ТҮЙ



Олатов — қирғиз халқи саховати ва бағри кенглигининг рамзи.

Ягона оилда

ҚИРҒИЗИСТОН ССР

1924 йил 14 октябрь — Қора Қирғизистон автоном области ташқил топган сана. 1926 йил 1 февралда Қирғизистон автоном республикасига айлантирилган. 1936 йил 5 декабрда иттифоқчи республика сифатида қайта тuzилиб, ССР Иттифоқига кирган. Майдонин 198,5 минг кв. км. Аҳолиси 3 миллион 74 минг киши. Тоғ-кончилик, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати устуи. Қишлоқ хўжалигида қўйчилик, пахтачилик ва қанд лавлаги етиштириш асосий соҳалардир. Республикада ҳамма турдаги 1.810 умумий таълим мактаби, 36 ўрта махсус ўқув юрти, 9 олий ўқув юрти мавжуд. 136 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот нашрлари чоп этилади. Пойтахти — Фрунзе. Фрунзедан Москвагача 3.746 км.

Тонг билан қуёшдай келган меҳмонни
Меҳмонлар эъзозлаб нону туз билан,
Уинни кўрсатиб ёруғ юз билан,
Бошига кўтарар азиз инсонни.

Дўстлик улкан бўлса, қалблар доимо
Қардошлик шаънига ўқир қасида.

VII

Қардошлик шаънига ўқир қасида,
Арафа чоғида дўстини йўқлаб,
Бир сўз ила унинг кўнглини хушлаб,
Роз айтар умрининг васиқасига.

Шу дўстлик нуридан уйлар мунаввар,
Бошимиз кўкда-ю, кўкрагимиз тоғ,
Кўнгиллар ободу димоғимиз чоғ,
Ҳар лаҳза бахш этар улкан бир зафар.

Зафарлар тошқини мисли бир тўлқин
Улуғ пойтахт сари оқар дарёдай,
Кўзни қамаштириб олтин зиёдай,
Миллионлаб қалбларни сеҳрлар бугун.

Ғалаба нашъасин сурмоқда бу дам,
Дунёни лол қилган инсонни аъзам.

VIII

Дунёни лол қилган инсонни аъзам
Ақлу гидрокига олам берди тан.
Мазлумлар ҳолини сўраб дафъатан,
Дардию ғамини кўролди баҳам.

Адолат байрогин кўтариб баланд,
Эрқларвар юртларга сарбон бўлди у,
Жаҳон тинчлигига посбон бўлди у,
Қалбларни қалбларга этолди пайванд.

Арафа чоғида унинг дўстлари
Уз она юртида қуриб анжуман,
Шу диёр ҳуснига бўлиб орзуманд,
Дунё бўйлаб янграр олқиш сўзлари.

Дўстлик билан эрур умри зиёда,
Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,

IX

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,
Ой каби танқомас, юлдуздай мўлдар,
Октябрь қасрига безакдир, гулдир,
Номлари порлайди олтин лавҳада.

Дўстлар қувончининг чеки йўқ асло,
Ва лекин душманлар ҳоли эрур танг,
Шу диёр кўксига солай дея чанг,
Қарасдай кўринар кўзига дунё.

Тўйдан дўст қувонар, куйинар душман,
Бу ҳикмат аёнидир қадимдан бизга,

Бахт кулиб боқинда заминдан бизга,
Дўстлик боғин яна этурмиз гулшан.

Ёв кўксига тигдай ботиб ҳар сўзи,
Қуёшдай ярқираб толе юлдузи.

X

Қуёшдай ярқираб толе юлдузи
Сирли сайёралар туркуми ичра,
Саодат ёғдусин тўлқини ичра,
Сеҳрдан қамашар одамдод кўзи.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Бир инсон сингари порлар ҳар юлдуз,
Заминдан бахт излаб кечаю кундуз
Не жонлар эл аро чекар азият.

Кўк ичра курса ҳам қуёш салтанат
Мазлумлар дардига топмади чора.
Ҳатто киролмади жонига оро
Узлари туғилиб ўсган мамлакат.

Ва лекин топамак бахтин дунёда,
Ленин кўз нуридек азиз зиёда.

XI

Ленин кўз нуридек азиз зиёда —
Товланиб, боладек жилмавар олам.
Олам ҳам одамсиз яшолмас бир дам,
Одам билан ахир олам зебо-дам!

Бор нарса муаллақ, самода балки
Янги сайёралар пайдо бўлмағай,
Янги юлдузлар ҳам порлаб кулмағай,
Лекин шунга менинг қалбим аминки,

Қуёш атрофида айлангандек Ер
Озод мамлакатлар хелиб дунёга,
Одамлар парвона бўлиб зиёга,
Инқилоб қуёшин менинг бахтим дер.

Шу олам кўйинида бўлиб қирмизи,
Тонгдек жилмаймоқда бугун Ер юзи.

XII

Тонгдек жилмаймоқда бугун Ер юзи,
Олам ранг олмақда Қизил байроқдан,
Олам нур олмақда Москва ёқдан,
Пешонасин ўлиб иқбол юлдузи.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Юлдуздек бесаноқ заминда инсон.
Шунчалик инсонлар ичра бегумон
Бир инсон буюқдир бу жаҳон аро.

Олтин тўй кунинда — Қизил Майдонда,
Москвада барча дўстлар бўлар жам.
Сафларини этиб яна мустаҳкам,
Мамнун таъзим этар ўша Инсонга.

Қалбларда жўш уриб ўтли қасида,
Ленин номи янграр дўстлар сасида.

XIII

Ленин номи янграр дўстлар сасида,
Ватан бўйлаб янграр бу буюқ икдо,
Жаҳон бўйлаб янграр бў буюқ икдо,
Олтин тўйнинг ҳар бир дақиқасида.

Қон-қардош дўстларни кўриб ёнма-ён,
Нуроний юзида акс этиб офтоб,
Қалбидан отилиб, оташин хитоб,
Тўй билан қутлайди Ленин шодумон.

Олтин тўйга бўлиб ўзи тўйбоши,
Қардош дўстлар бошин силайди Ленин,
Бизга бахту иқбол тилайди Ленин,
Мангу балқигандек умид қуёши.

Бу қуёш чулганар эрк шуъласига
Дунё боғин барча минтақасида.

XIV

Дунё боғин барча минтақасида
Ҳаётнинг мангуга бўлиб йўлдоши,
Қалбларни ёритиб Ленин қуёши,
Порлэйди замонлар силсиласида.

Бу қуёш зиёси тушмаган уй кам,
Ёғдусидан баҳра олмаган қалб йўқ,
Нурига орзуманд бўлмаган алп йўқ,
Бу нурга махлиё ҳаттоки олам.

Бу қуёш сўнмағай токи бор жаҳон,
Дўстлик рамзи бўлиб порлайди мангу,
Бизни Коммунага чорлайди мангу,
Қуёшдай жилмайиб энг улуғ Инсон.

Туташдай унинг қалб аортасига
Бир улуғ диёр бор Ер кўррасида.

МАГИСТРАЛ

Бир улуғ диёр бор Ер кўррасида,
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон,
Бахт қуёши балқиди тонг палласида,
Ёғдусидан олам бўлди чароғон.

Шу диёр — олтин тўй арафасида,
Шодлигига бугун тор келур олам.
Қардошлик шаънига ўқир қасида,
Дунёни лол қилган инсонни аъзам.

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,
Қуёшдай ярқираб толе юлдузи.
Ленин кўз нуридек азиз зиёда
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Ленин номи янграр дўстлар сасида,
Дунё боғин барча минтақасида.



Ягона оилада



Халқлар дўстлиги кудрати билан бунёд бўлган Норак нурхонаси қурилишидан бир лавҳа.

ТОҶИКИСТОН ССР

1924 йил 27 октябрда Ўзбекистон
ССР тарихида Тоҷикистон АССР
ташкил этилган. 1929 йил 16 октябр-
да иттифоқчи республикага айланти-
рилган. СССР тарихига 1929 йил 5
декабрда юрган. Тоҷикистон ССР 1
автоном областни ўз ичига олади.
Майдони 143,1 минг кв. км. Аҳолиси
3 миллион 96 минг киши. Электр
қуввати ишлаб чиқариш, металлур-
гията ишлаш ва энгил саноат тармоқ-
лари ривожланган. Қишлоқ ҳўжали-
гида пахтачилик бош соҳа. Республи-
ка иппак пахта этиштиришининг асосий
базасидир. Тоҷикистонда ҳамма тур-
даги 3.084 умумий таълим мактаби,
34 ўрта махсус ўқув юрти, 8 олий
ўқув юрти мавжуд. 106 газета, жур-
нал ва бошқа вақтли матбуот нашр-
лари чиқарилади. Пойтахти — Душан-
бе. Душанбеда Москвага 4.688 км.



Улуғ тўй — Совет Иттифоқининг элли йиллигига ярашиқ тухфа ҳозирлаш ҳар бир меҳнатқашининг эзгу нияти. Мен сўнги йилларини севишли ёш китобхонларимга халқимиз босиб ўтган қаҳрамонона кураш йўлларидан ҳикоя этувчи бир асар яратишга сарфладим. Ҳаётимизни тебратиб турган ҳозирги авлоднинг болалигидан баҳс этувчи «Лочин қанотлари» номли романимни битказдим. Роман воқеалари Улуғ Ватан урушининг биринчи йилидан олинган, қаҳрамонлари — комсомоллар, пионерлар. Бу ёш ватанпарварлар уруш даврининг ма-

шақатларини энгишда фаол иштирок этиб, ота-оналарига ҳаётда ва меҳнатда қанот-куйруқ бўлдилар. Уларнинг жиддий уруш синовлари ўтида чиниқиб, балогатга етиши, ўзаро дўстлиги, инсонпарварлиги ва олижанон туйғуларининг уйғониши ва мустақимлашиши — асар мундарижинини ташкил этади.

Куйидаги парчада оддий рус аёли Мария ва унинг ўғли Сашанинги ўзбек хонадонига қабул этилиши тасвирланган.

АВТОР

— Меҳмон, бувижон! Меҳмон келяпти, бувижон! — деб кўчадан Муяссар ҳовлиқиб кирди.

Чўчи ўрнидан турган Тўти бувининг кўзойнаги бир ёққа, ангишвона билан игнаси бир ёққа учиб тушди.

— Қани меҳмон? Қанақа меҳмон? — деди Тўти буви, невараси кетидан папкаларини кўтаришиб кирган қизалоқларга қараб аланглаганча. — Ҳой, Муяссар, меҳмонларнинг шуларми?

— Вой, бувижон-е, қизиксиз-а! Бу ўртоқларим меҳмонларни кўргани келишяпти. Адамнинг олди-дан келган меҳмонларни...

— Улар қачон келишаркан?

— Акам айтдилар-ку, бугун келишади деб.

— Вой, оғзингга новот-е. Келишга унабдим, а? Ростдан-а? Нега шу чоққача билдирмайди. Қани ўзи, аканг?

— Ҳали мактабда кўрувдим.

— Бор, қақриб кел тездан. Опангни ҳам...

Муяссар папкасини ташлаб, қизлар билан чиқиб кетаётган эди, Уктамнинг ўзи кириб келди:

— Суюнчи беринг, буви. Мария опани олиб келадиган бўлдиқ, — деди нафаси халқумига тикилиб. У ҳали опаси билан бирга госпиталга кириб, врачдан Марияннинг аҳолини сўраса: «Хийла дуруст, агар шароити бўлса, уйга жавоб беришимиз мумкин», — дебди. Раҳбархон: «Биз яқини бўлаемиз. Уй шароитимиз яхши. Рухсат беринг, олиб кетамиз», — дебди. Врач кўнибди. Раҳбархон, Марияга ўз таклифини айтган экан, буни ҳамшира Ойниса эшитиб қолиб: «Мен ўзим олиб кетмоқчиман», — деб туриб олибди. У, уйда ҳеч ким йўқ, бева экан; Мариyani ёқтириб қолиб, бирга турайлик деб кўнди-

риб юрган экан. Раҳбархон у билан узоқ тортишиб ўтирмабди-да: «Хўп, икки-уч кун бизникида бўлсинлар, кейин бир гап бўлар», — дебди. Ойниса: «Бўлмаса эртани-индин ўзим уйингиздан олиб кетаман», — дебди. Ҳозир Раҳбархон Марияннинг олдида экан. Уктам мотоциклга келибди.

Уктам мотоциклни миниб жўнаркан, Тўти буви шошиб қолди. Олдида ёйилган латта-путталар ва игна-ипчиқларни йиғиштирди, кўзойнақ тақиб игнасини қидира-қидира зўрга топди. Ҳаммасини иш-печига тикиб, айвоннинг пардали тоқчасига бекитди. Азиз меҳмон келганда бошига солишни мўлжаллаб кечадан бери четларига гул тикиб тайёрлаган нимранг шохи пешанабоғни қозиққа илди ва Муяссарни қақриб кўрсатди:

— Кўргин-чи, меҳмонга мазқул бўлармикин?

Муяссар рўмонли қозиқдан олиб ҳавас билан бошига ўради-да, бувисига эрқалиниб қош қокди:

— Менга ярашмайми?

— Сенга ярашмайдиган нарса борми, қизим. Катта бўлгин, сенга атаганларим сандиқдан чиқади...

— Бу ҳам сандиқдан чиқибди-а, буви? Шундоқ нафталин ҳиди келиб турибди.

— Албатта. У ёғини сўрасанг, бу шойи келинлик давримдан қолган. Энг суйганларимга совга қилиб юрман, шунақа асл матоларимни.

— Ундоқ бўлса, бувижон, рўмонча ённга бошқа нарса ҳам кўша қолинг.

— Кўшаман, қизим. Аввал бош-учимизни йиғиб олайлик. Қани, бўлмаса, дастлаб меҳмонларга жой ҳаракатини қилайлик. Жойини уй ичига қила қоламиз-а? Кечкурун ташқари салқин бўлади. Янги

Ҳаким НАЗИР

МЕҲРОБОНЛАР

Ягона оилада



Республика пойтахти — қадимий ва навқирон Ереван. В. И. Ленин номли майдон.

АРМАНИСТОН ССР

1920 йил 29 ноябрда тузилган. 1922 йил 12 мартда Закавказье Совет Федератив Социалистик республикасига қўшилган. Шу иттифоқ тарихида 1922 йил 30 декабрда ССР Иттифоқига кирган. Закавказье Совет Федератив Социалистик республикаси тугатилган, 1936 йил 5 декабрда СССР тарихига қабул қилинган. Майдони 29,8 минг кв. км. Аҳолиси 2 миллион 606 минг киши. Рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, асбоб-ускунасозлик, электроника, автомобилсозлик, станоксозлик ҳамда энгил ва озиқ-овқат sanoati ривожланган. Қишлоқ хўжалигида узум, тамачи етиштириш устуни. Республикада барча турдаги 1.542 умумий таълим мактаби, 63 ўрта махсус ўқув юрти, 12 олий ўқув юрти мавжуд. 179 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот нашрлари чиқади. Пойтахти — Ереван. Еревандан Москвага 2.766 км.

касалдан турган одам шамоллаб қолмасин. Мен уйга қарай, сен ҳовлига...

Муяссарнинг ёнига ўртоқлари қўшилди. Бирпасда катта ҳовлини супуриб-сидириб, ёғ тушса ялағудай қилдишди. Зшиққача сув сепишди. Кўпдан ишлатилмай ҳужрада кўкариб ётган самоварни олиб чиқиб қумлаб ювишди-да, олов ташладди. Шу ишлар орасида Муяссар бувисидан хабар олгани кирди-ю, бувисининг ишини кўриб хиринглаб қулди. Бувиси уй тўрига, келинини тахмондаги ҳар замонда тутадиган ахдат кўрпачаларини ёзиб, ёстиқлар қўйган, энди хотинларни олиб кириб дастурхон тузаётган эди.

— Вой, буви, пастга жой қилдингизми? Мария опа ўтирмамас. Келинг, ҳалиям бўлса столга қилайлик!

Бувиси чорси столини пойгакка сурган, табурет-каларини айвоғна чиқариб қўйган эди.

— Мен, қўзим, бу ишни ўйлаб қилдим. Неча вақт тўшади қўзилиб ётган одам столда қаққайиб ўтирса толиқад. Таги ушоққична бўлсин, чарчаса мана ёстиқча ёнбошлай қолсин, дедим. Ундан кейин меҳмонни кўргани ҳойна-ҳой қўшинлар чиқади, улар ҳам бемалол ўтиришсин.

Муяссар, бувисининг донолигига тан берди. У, ўртоқлари олдиға чиқиси билан орақасидан бувиси чақирди. Кирса, бувиси юзини тирнаб турибди.

— Вой, қизим, энг зарури эсдан чиқибди-ку! Нон йўқ экан-ку! Дастурхонинг пошчаси нон-а. Оёвнинг қўлиғга олиб Чақарга чиқиб келасан, болаки!— деб кампир пешмати чўнтағида қолган пулдан йигирма сўм берди. Муяссар без халтани олганча гузарга чопди.

У «ёғини қўлга олиб» чопмай, тагин без миштук кечиканда меҳмонни зшиққа кутиб ололмаган бўларди. Тўти буви хонтахтаға, сирин салгина кўчган бўлса-да, тоқчанинг тўрида чинни асбобларга ҳўсн бериб турадиган гулдор, улусғиғат гирдинни қўйган. Катта зиефатлардагина тоқчадан тушадиган, қайнасанидан қолган бу қадрдон гирдиннинг ярмичасини арағ тўлдирилган эди. Уриммаган дикопчаларға кампирнинг қутисиде қолган, энг азиз меҳмонгагина аталган мева-чеванинг бари солинган эди. Гирдиннинг қолган ярмиға Муяссар келтирган тўртта «коммерческий» гижда нонини, яна «заборный» нонидан ярим буханкани қўйди. Энди ҳўжраға кириб, қозонға солинадиган масалликларни чамалаб кўраётган эди, кўчадан мотоцикл «пот-пот», болалар чўвир-чўвири зшитилиб қолди.

Бир қўлтиғиға Раҳбархон, бир қўлтиғиға Уктам кирган малла соч, ўрта ёш, очик чеҳрали, ранги синиққан хотин — Мария кириб келаркан. Тўти буви югурба бориб, бағриға босди. Фронддан, Рустаминасидан хўшхабар олиб келган аёлнинг у юзидан-бу юзидан ўлганича қайта-қайта сўрашиб, уйға бошлади, тўртға ўтқизди. Дахлиздаги биқиллаб қайнаётган самовардан энди бир пиёладан чой қўйилганда кетма-кет қўшни хотинлар чиқибди. Мария улар билан чап қўлини бериб кўришарди. Азадорлигини кўрсатувчи одим қўйлаги енидан чарм қўлқопли ўнг қўлининг учи чиқиб турарди. Бу, Уктам билан Раҳбархондан бошқаларға кўпда сезиларли эмасди.

Бирпасда уй ҳам, дастурхон ҳам тўлиб кетди. Меҳмонни кўргани чиққан ҳар бир хотин уч-тўртта олма-беҳми, бир ҳовуч туршак-ёнғоқми, тут майзми олиб чиқиб дастурхонға тўккан эди. Катталар ёниға қизлар ҳам уялиб-суялиб кириб чиқшмоқда. Уларнинг қўзлари Мариядан узилмас, нималар деркин, деб, оғзини пойлашарди. Хотинлар, бу одатдан ташқари меҳмон олдиға одоб саклашиб, уни ортиқча гапга солмаслиқка ҳаракат қилишса ҳам, бари бир сўхтаб айялиб келиб урушға тақаларди. Утирганларнинг биронтаси ҳам уруш жафосидан ҳоли эмас — бирининг эри, бирининг ўғли, ё оға-иниси фронтта кетган, булар орасида «қора хат» олганлари бор эди. Аммо булардан Мариянинг фарқи шу эдики, у урушнинг нималигини ўз кўзи билан кўрган, эрини ўлим чангалига тошпирган, ўзи ҳам фашист билан юзмаюз олишган, ўғилчаси туфайлиғина жон саклаб қолган жафокаш аёл. Бу ҳақда қўшинлар, болалар зузқ-юлук маълумот зшитгану, тўла биллиб олиш пайтини оряқиб куттишарди. Раҳбархон билан Уктамнинг ўзлари ҳам госпиталға неча марта борган бўлсалар-да, Марияни бемалолроқ гапға сололмаган эдилар. Мана энди мириқиб сўхтаблашадиган пайт келди. Тўти буви-ку, оёқат пиришини қўзларға тошпириб, ўзи Мариянинг енидан қимирламай, ҳақ деб оғизға тикилган эди. Мария буни саволсиз ҳам билиб турарди. Лекин уша фожиали кунларни эслаш оғир бўлгани учун ўзини чалғитар, гоҳ у мева, гоҳ бу мевадан мактаб-мақтаб тоттирарди. Раҳбархон сўйиб кирган Тўқайнинг тилерар босовлдиси Марияға айниқса ёкиб тушди. Ҳар каржини тотганда оғзини чапиллатиб:

— Асал экан, асалдан ширин. Отамини сўзлари рости чқиди; «Ўзбекининг муомаласидан тортиб таомигаға ширин экан» деганди!— деди Мария ва

Игнат бобониг Рустамжон билан ота-боба тутганини эслатиб ўтди. Сўнг беҳтиёр ўз саргузаштиға кўчди.— Мен сизларға, дўстлар, бунақа шириншакор совға келтиролмадим. Мен келтирган «совға» аччиқ, бир-биридан заққум ҳақиқат сўзлари...

Мария Ленинград халқи бошиға тушган оғир кўргулик, бу кўргуликка барча қатори ўз оиласининг ҳам шерик бўлганини айтиб берди. Оиланинг катта аззоларини камроқ гапирса ҳам, ўн бир ёшлик ўғилчаси Саша ҳақида тўлароқ ҳикоя қилди:

— Ҳар кимға ўз боласи яхши кўринади. Менға ҳам Сашам шунақа. Тўғриси, мактаса арзийдиган бола. Қобилиятли, зеҳли. Мушдат бўшидоноқ менинг хўнарилга берилди—расм чизишни машқ қилди. Унинг туппа-тузук расмлари бор, мана укамлар кўргандир-а?— деб Уктамға қараган эди, Уктам «шундай» деб тасдиқлади. Бирдан ўтирганлар «Саша қани! Нега келмади!» деб сўраб қолдишди.

— Бугун унга детдомдан жавоб бермабди. Эртаға олиб келамиз,— деди Уктам.

— Сашанинг расм чизши хўнари урушда ҳам қўл келди,— дея ҳикоясини давом эттирди Мария.— Биз ўрмонда партизан отрядда хизмат қилардик. Саша алоқачи эди. Урмон кўллариини яхши билардик. Урушдан олдин мен болаларни бир неча марта у ерларға экскурсияға олиб борган эдим. Ушанда Саша ўрмон манзараларини чизгенди. Партизанлик вақтида ҳам ўша расм дафтарини, буюк қаламларини халтаға солиб юрадиган, ўрни келганда хўнарини усталик билан ишлатадиган бўлди. Бир кун командиригимиз: «Урмоннинг нари-ёғидаги ҳарбий қисмиға етқизгин»,— деб Сашаға муҳим пакет топширди. Пакетни Саша қўйлаги ичидан белгиға бойлаб олди, халтасини елкаға ташлади. Мен уни ўрмондан чиқариб қўйиш учун қорам-қора кузатиб боряман. Гўё кўзқорин териб юрганди, бир қўлимда саватча, ичиде оёғина кўзқорини ҳам бор. Бир қўлимға йўғон сўйилни ҳасса қилиб олганман. Саша бўлса хилват сўқмоқдан юриб у ер-бу ерда атайи тўхтайдди, чиройлик кўринишлардан чала-ирим эсинилар чиқиб қўяди. Ногоҳон олдинда қалин буталар шитирла-гандай бўлди. Мен ўттиз қадамча бериде эдим, ўзимни ора панасиға олдим. Кулоғим ўша ёқда. Шу чоғ сазва сайроғи зшитилди. Бу — сазва овозига жуда ўхшаса ҳам, бироқ уст-ўхшадиган. ҳаяжонлироқ зшитилди. Билдим. Бу — Сашанинг «хавф бор, тезроқ келаворинг» деган сигнали эди (Саша бу биллиб сайрашни бобосидан ўрганиб олган). Мен шарпа сездирайиб бу даракт орасидан у даракт орасиға аста ўтиб ақинлашавердим. Ана!.. Баланд бўйли, сап-сарик, жағлари кенг бир одам Сашанинг йўлини тўсиб қикди. Устаде эски брезент плавч, оёғида йиртиқ этик, қўлида болта. Кўринишидан ўрмон кесувчиға ўхшатдим. У, Сашаға кўзини қақчайтириб:

— Қаердан келясан? Қаерға кетясан?— деди.

Саша ўзини йўқотмасдан, ясама таажжуб билан жавоб берди:

— Уядан келяпман. Кўриб турибсиз-у, амаки, расм чизиб юрибман. Мана кўринг...

— Секин гапир, уйинг қабедат! Саша келган томонини кўрсатди. «Урмон кесувчи» қўлини бизг қилиб:

— У томонда партизанлар бор. Шундай-а?— деб сўради.

Унинг дағал овози кулоғимға сал-пал етиб келятти. Сўзларни қийналиб-бузиб айтишнинг сур кишиси эмаслиғи билиниб турарди. Саша буни дарров сезган эди.

— Мен қаердан билай, амаки. Узим каникулимда альбом учун расм ишлаб юрибман-ку. Уқитувчи топширган...

Саша, мени зшитсин, деб атайлаб қаттиқ-қаттиқ гапирарди. «Урмон кесувчининг» кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Секин гапир, деляпман. Қани, олдимға туш. Агар овозини чиқарсан, мана!— деб болтасини кўрсатди ва Сашанинг бошиға бир муштлаб, елкасига туртиб қўйди. Сезиб турибман, болом бечора ўзини зўрға йиғдан тўтиб турибди. У ялинчоқ овозда:

— Нима қилмоқчисиз, амакижон? Қўйиб юборинг мени!— деб бақирди.

Мен жон қолтаде унга интилдим. Орамиз ўн қадамча қолди. «Урмон кесувчи» Сашаға болтасини ўқталиб ўдағайларди:

— Овозини учир, бўлмаса чопиб ташлайман! «Болоғинам ўлди!» дедиму, жон аччиғида олдинға ташландим. Қўлимдаги сўйилнинг йўғон томони билан ҳалиги кишининг калласиға туширдим. У, «ах!» деганича гандирақлаб бориб қарагайға урилди, болта учиб келиб билалимға тири билан терс этиб тегди. Саша дарҳол болтани олиб, «Урмон кесувчиға» ўқталди. У чаккаси врилган, кўзлари олайган ҳолда дарактаға сўяниб турди-да, бирдан гурс этиб ағдирилди. Саша менға болтани узатди, ўзи беллидаги камарин ечиб «урмончининг» кўллариини боғламақчи бўлди. Менинг билимдан тирқираб қон оқяпти, чап қўлимда зўрға болтани

тўтиб турибман. Сашанинг бир ўзи унинг кўллариини орасиға боғлади. Кейин плащини елкасидан туширди. Қарасак, ичиде фашист формаси... У ҳамон беҳуш, хўшиға келганда ҳам қочиб кетолмаслиғи аниқ эди. Сашаға рўмоли билан майиб қўлимни боғлатдим. Мен фашистға «қоровул» бўлиб қолдим-да, Сашани лагерға қайтардим. Оранд кўп ўтмади. Лагердан икки партизан замбил билан келиб, фашистин олиб кетишди. Врачлар фашистин хўшиға келтиришди. Уни хўжайинлари «партизанлар лагерини турган жойини аниқлаб, битта «тиль» тўтиб келасан» деб юборишган экан. Командиримиз уноқ зўроқ қилди. Кейин Саша икковимизға қараб:

— Яхши ҳам уни нариги дунёға жўнатиб юбормабсизлар, бўлмаса бир қанча зарур маълумотдан қуруқ қоларканмиз,— деди...

Бу фожиани сўзлаб бериш Марияға осон бўлмади. Неча ўринда энтиқиб, ўз ҳаяжонини сездирамлик учун тўхталиб-тўхталиб давом эттирди. Тингловчилар ҳаяжони эса ундан қучлироқ эди. Улар фашист жаллодининг болтасидан омон қололган чинакам жасур, кўрқмас, довиорақ аёлнинг худди ўзгинасини кўриб, сўзини зшитиб турганларға ишонганини келмасди. Яна ажабланарлиси шундаки, бу ҳаҳрамон аёл бошқалардан ҳеч нараси билан ажралай турмайди, ўша даҳшатли воқеаларни кунда бўлиб турадиган оддий воқеалардай қилиб айтаяпти. Демак, фронтда ҳар қадамда учрайдиган хавф-хатар ва жон олиб-жош беришларға Марьянинг кўзи пшиб, ўрганиб кетган экан. Ирода деб шунға айтишса керак-да!

Раҳбархон, ўртаға тушган оғир сукунатни бузиб қосаларда буги чиқиб турган мошова тортиди. Катта тунука лаганда қовоқ келтириб қўйди. Мария учун бу овқат янгилик эди. У, мактаб-мақтаб мошовани ичар ва қовоқдан олиб еркан. Тўти буви:

— Агар сизға ёққан бўлса, эртами-индин қовоқ сомса ҳам қилиб бераман,— деб қўйди.

— Эртами-индин!— деди-да, Мария негадир Раҳбархонға маъноли қараб олди. Раҳбархон унга сарак-сарак қилди. Буни кўриб Тўти буви сўради:

— Нимани им қоқшиясизлар!

Раҳбархон элбуртудан Тўти буви ва бошқаларнинг юрагини увширтмоқчи эмасди, гап очишға мажбур бўлди: Марьянинг эртами-индин бошқа жойға кўчмоқчи эканини айтиб, госпиталдаги ҳамширанинг таклифини эслатди.

— Вой, дарров кетиб қоладиларми! Бизларники чикмайдиларми!— дейишди ўтирганлар.

Тўти буви бўлмаса очикдан-очик норозилик билдирди:

— Мен, Мария қизим ўғилчаси билан бизникиде турса, бағримиз тўлиб қолармиди, деган умидда эдим. Уғилганимнинг қадрдонларини кўрсам, ўзини кўргандай бўлиб тураман деб ўйловдим. Бу нимаси, ёки жойларимиз сизға ёқмайптими, а, Мария қизим! Йўқ, унақа қилиб бизни ўқситман, айланай, ўзим сизга она ўринда она бўламан. Уғилчангиз ҳам мана, ака-опалари қаватида яйраб-яшнаб юради. Келинин иккита бўлди, неварам учта бўлди, дейман,— деганича Тўти буви қозикдаги шох рўмоли олиб Марьянинг бошиға солди.— Мана буниси кичкина кўрманам...

— Хамир учидан патир денг, опоқ оёй! Вой, бирам ярашди, чиндан келинға ўхшаб кетдилар. Моро бўлсин, моро бўлсин!— дейишди хотинлар.

Тўти буви Марьянинг елкасига қоқиб қўйди-да, деди:

— Ҳа, айланай, шу ерда қолаверинг, мана, уйимиз бемалол, феъллимиздай кенг...

— Хоҳласангиз сизға бошқа хонадонларнинг ҳам зшиги очик,— деб қўйишди хотинлар.

Мария чап қўлини кўксига қўйиб, Тўти бувиға, хотинларға деди:

— Сизларнинг ёнингизда қоламан, опалар, жоним билан...



А. ХОЛИҚОВ чизган



Ягона оилادا



Ҳар йили ўтказиладиган Ҳосил байрами туркман элининг фаровонлигидан далолатдир.

ТУРКМАНИСТОН ССР

1924 йил 27 октябрда тузилган ва ССР Иттифоқига кирган. Майдони 488,1 минг кв. км. Аҳолиси 2 миллион 293 минг киши. Нефтни қайта ишлаш, газ, кимё ва нефть кимёси, енгил sanoat тармоқлари ривожланган. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва қоракўлчилик асосий соҳа. Республикада 1.653 умумий таълим мактаби, 29 ўрта махсус ўқув юрти, 5 олий ўқув юрти мавжуд. 85 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот турлари нашр этилади. Пойтахти — Ашхобод. Ашхободдан Москвагача 4.637 км.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг Ҳисоблаш маркази республикамиз халқ хўжалиги ривожига муҳим ўрин тутди.

Ажойиб санъаткор, наमतтар инсон ораминдан кетди: ўзбек совет китоб графинисининг асосчиси Искандар Иромов вафот этди.

Шундай инсонлар бўладини, улар вафотидан кейин ҳам узоқ яшайдилар. Уста Искандар ўз ижоди билан ана шундай бахтга мушарраф бўла олган санъаткор инсон эди.

У тинимсиз изланди, қадимий шарқ қўлёзмаларини, уларни безаш услубини, хаттотини мақтаблари анъаналарини синчиқлаб ўрганди.

Искандар Иромовнинг имодий йўли китоб санъатининг тараққиёт йўли билан чамбарчас боғланган эди. У ўзбек адабиёти ва фольклори асарларини безашда халқ нақшолини санъатининг бой хазиналаридан, жаҳон китоб графиниси анъаналаридан самарали фойдаланди. Уста Искандар китоб безашчилигида «нақшо» лик намуналарини янги мазмун билан бойитди, замонавий руҳ бағишладди. Рассомнинг шу хилдаги ишларидан «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасынинг партитураси, «Ўзбек халқ қўшиқлари» тўплами, Алишер Навоийнинг «Ҳик. матли сўзлари» ва «Лирика»си, бу юз ўзбек

УСТА ИСКАНДАР



олимлари Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний нўп жылди асарларига чизган безакларини санаб ўтиш мумкин. У миллий анъаналарини замонавий китоб безаш санъати билан уйғунлаштирган ижодкор эди.

Искандар Иромов чинанам устоз ва маърифатчи эди. У Самарқанд ҳамда Тошкент эрлар ва қизлар педагогика техникумларининг талабаларига графини санъатидан сабоқ ўргатди. «Расм ўрганиш қўлланмаси», «Ҳарф ёзишни ўрга-

нинг», «Ўзбекча расмий несама алифбе», «Ўзбекча алифбе бўлш китобчаси» унинг қаламига мансуб. Уста Искандар Ўзбекистонда китоб графиниси мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда жонбозлик кўрсатди, унлаб шогирдларга устозлик қилди.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Искандар Иромов қирқ йилдан ортқ давом этган ижоди билан социалистик маданиятинимиз равнақига қимматли ҳисса қўшди, чинанам коммунист, фаола жамоатчи бўлиб танилди. У «Гулистон» журнали редколлегиясининг аъзоси сифатида ҳам вақтли матбуот графини санъатининг юксалиши учун назарий ва амалий ёрдам берди.

Партия ва ҳукуматимиз совет санъати равнақига қўшган бебаҳо хизматларини таъдирлаб, рассомни Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси орденлари, медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

Уста Искандар ўз беазага юзлаб китоблар билан бирга қалбимизда узоқ яшайди.

Раҳим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ
рассоми

XVIII асрнинг энг йирик халқ санъаткорларидан бири, шоир-бахши Саёт Наво халқлар дўстлигининг оташи курашчиси, барча миллатлар куйчисидир. Арман миллатига мансуб бу шоир жонли арман халқ тилида ёзиш билан айни вақтда грузин ва озарбойжон тилларида ҳам бирдай ижод қилди. У халқларни диний хурофотлардан қутқариш, шахс эркинлигини барқарор этиш йўлидаги кураши билан буюк гуманист мутафаккирлар қаторида туради.

Саёт Наво шеърларида арман, грузин, озарбойжон халқларининг орзу-умидлари, эрк учун кураши ёрқин бўёқларда ифодаланган. У қардош халқлар қалбидagi нафис назокатини ва оловли эҳтиросини, дарад-ҳасрат ва қувонч-шодлиқни, иккиланишлар ва порлоқ умидини куйлади. Арман, грузин, озарбойжон халқлари, иттифоқимиздаги барча халқлар Саёт Навонинг эзгу истакларини рўйбга чиқарган бизнинг давримизда улуг дўстлик куйчисини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Саёт Навонинг бу ҳайкали Арманистон, Озарбойжон ва Грузия республикалари туташган жойда ажойиб дўстлик рамзи бўлиб қад кўтариб турнади.



ТОШКЕНТ ИЛҲОМЛАРИ

Яқинда «Беларусь» нашриёти Белоруссия халқ шоири Якуб Коласнинг 12 жылдан иборат танланган асарларини босмадан чиқарди. Бу нашр ўзбек китобхонада ҳам катта қизиқиш уйғотди. Негани, кўп томликка кирган асарлар орасида серқуёш Ўзбекистонга ва меҳнатсевар ўзбек халқига бағишланган шеърлар, белорус ва ўзбек халқларининг дўстлигини улуғловчи публицистик мақолалар бор. Мазкур асарларни Якуб Колас Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкентда яшаган пайтида ёзган эди.

Ўзбекистонда кечган йиллар Якуб Колас ижодида ўчмас из қолдирди. У ўзбек диврининг табнати, Тошкент қурилишлари, саннат корхоналари ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида қалам тебратди, уларни энг яқин кишиларидай севиб қолди. Шунинг учун шоирнинг кўп асарлари меҳмондўст, фидонор ва танги ўзбек халқига қайноқ меҳр, миннатдорчилик туйғулари билан сугорилган. Ма-

салан, Якуб Колас ўша йиллари «Учувчи қўшнги» деган шеър ёзди. Унда шоир Ватанимиздаги бошқа халқлар билан биргаликда жанг қилган ўзбек фарзандларини шарафлайди.

Шоир асарларининг иккинчи жилдига кирган «Ғарбга», «Сунунат», «Москва салотлари», «Дўст қабрида», «Солор», «Чинёв», «Ўзбекистонга» ка-

би ўнлаб шеърлар Тошкентда ёзилган ва Ўзбекистонга бағишланган.

Машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулони-нинг 50 йиллиги муносабати билан ёзилган мақола ҳам қардош ўзбек халқига самиянат билан тўла. «Ғафур Ғулом ажойиб шоиргина эмас, у зўр донишманд ва етук файласуф ҳамдир,— дейди Якуб Колас.— У ўзида заҳматкаш, фидойи, мард ва зако-

ватли халқининг жавфи фазилатларини мужассам этган. Мен ўзининг белорус халқимни қандай севиб, ардоқласам, бу халқни ҳам шундай эъзозлайман».

Бундан ташқари, иккинчи томда Якуб Коласнинг «Мун-Бақун» деб аталган кундалиги эълон қилинган. Шоир уни 1943 йил 22 мартда Тошкентда бошлаган ва 1951 йил 2 декабрда тугаллаган. Кундалик уч қисмдан иборат. Биринчи қисм — «Тошкент дафтари» деб номланган. Унда Якуб Коласнинг Тошкентдаги ҳаёти — мақолалар, ҳикоялар, поэмалар, шеърлар устида қандай иш олиб боргани баён этилади. Шунингдек, шоирнинг Тошкент Давлат университетида, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида, пленум ва конференцияларда сўзлаган нутқлари, учрашувлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Н. ЖИҒОЦКИЙ,

Якуб Колас номидаги музей ходими
Мянск



Эстон элида хор санъати халқ ҳаётига чуқур сингиб кетган.

Ягона оилда

ЭСТОНИЯ ССР

1940 йил 21 июлда ташкил топган. ССР Иттифоқида 1940 йил 6 августда кирган. Майдон 45,1 минг кв. км. Аҳолиси 1 миллион 391 минг киши. Республикада энергетика базаси, электротехника, асбоб-ускунасозлик, йўл қурилиши машинасозлиги, кимё ва нефть кимёси ва саноатнинг бошқа соҳалари ривожланган. Қишлоқ хўжалигида гўшт-сут чорвачилиги ўстун туради. Республикада ҳамма турдаги 766 умумий таълим мактаби, 37 ўрта махсус ўқув юрти, 6 олий ўқув юрти бор. 187 газета, журнал ва бошқа вақтли матбуот нашрлари чоп этилади. Пойтахти — Таллин. Таллиндан Москвагача 1.015 км.

СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги тантана этилаётган шу кунларда Фарғона область, Ленинград районидagi «Коммуна» колхозида контр-адмирал, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Дмитриевич Папаниннинг номини чўқур ҳурмат билан тилга олмақдлар. Пахтакорларнинг Иван Дмитриевични эъзозлашларининг сабаблари кўп. «Коммуна» колхозининг кўп тармоқли, юксалган хўжаликка айланишида И. Д. Папаниннинг ҳиссаси бор. Бу хўжалик билан адмирал ўртасидаги дўстликнинг тарихи бундай.

1937 йилда Иван Дмитриевич бошлиқ тўрт кишидан иборат экспедиция Шимолий қутб яқинидаги муз устига қўнганлиги ҳақидаги хабар радио орқали эшиттирилади. И. Д. Папанин станция бошлиғи, Э. Т. Кренкель — радиост, П. П. Ширшов — океанограф, Е. А. Фёдоров — метеоролог эди. Бу тўрт баҳодир Шимолийнинг иқлимини, табиий шароитини, жуғрофий ўрнини текшириб фан учун муҳим кашфиёт қилдилар. Улар 274 кун мобайнида кўйма муз устида яшаб, илмий кузатишлар олиб бордилар. Совет ҳукумати денгизчиларнинг жасоратини юксак тақдирлаб, уларнинг ҳар бирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берди.

Чекка Шимолий текширивчи денгизчиларнинг довуғи оламни тутди. Академик шоиримиз Фафур Гуломнинг уларга бағишланган шеъри бундай:

Теварак жим... Қора кеча... Зулумот,
Қоқмайдн ҳаттоки чайнаган қанот..
Ҳамма ёқни сақлар муз тоғидан го..
Жимликка тинилган бир танҳо ўтов,
Даричадан ярқирайди нур олов,
Ўтовда тўртов.

... Вош устида осмон кўёшсиз,
тип-тин,
Хилватдан ҳайиқар афсонавий жин.
Ватан ўғиллари даҳшатдан устун
Мисли Папанин.

Кўчманчи музларда ажиб, ғалати,
Совет қитъасининг бир вилояти,
Венафас денгиздан босиб ўтади,
Кўприк абадий...

Барча совет кишилари каби ўзбек пахтакорлари ҳам қутб баҳодирларининг матонатига қойил қоладилар. Ленинград районининг Янгикўрғонлик қишлоғи аҳли қутбчилар жасоратига бағишлаб ўтказган йилгилишларида Иван Дмитриевични колхозга фахрий аъзоликка қабул қилдилар. Колхозни қаҳрамон денгизчи номи билан аташга қарор қилдилар. Янгикўрғонлик пахтакорларнинг қароридан Иван Дмитриевич хат орқали хабардор этилади. Пахтакорларнинг мактубига жавобан Папаниндан қуйидаги мазмунда хат келади:

«Колхоз правлениесининг раисига!
Сизга, Сиз орқали партия ташкилоти ва правлениега, колхозингиз келгусида серкўёш Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаган илгор хўжаликларидан бирига айланишига тилақдош эканлигимни билдираман.

И. Д. ПАПАНИН».

Шу-шу янгикўрғонлик пахтакорларнинг Шимолий қутбни текшираётган экспедиция ва унинг раҳбари Иван Дмитриевич билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораверди. Иван Дмитриевич экспедициянинг муваффақиятларидан пахтакорларни, деҳқонлар эса пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида қилаётган фидокорона меҳнатларидан қутб баҳодирларини хабардор этиб турдилар.

Уша йилларда Папанин номли колхозга коммунист кўчқор Мирзакаримов раис эди. Кўчқор ака ҳозир шахсий пенсионер.

— Иван Дмитриевичнинг номини колхозимиз аъзолари жуда эъзозлар эдилар. У қутбда қандай мардлик кўрсатган бўлса, колхозимиз аъзолари ҳам далада ўшандай мардлик, шижоат билан меҳнат қилганлар,— дейди у ўша даврини эслаб. Янгикўрғоннинг Доджо маҳалласидаги хўжалик 1948 йилгача Папанин номи билан аталиб келди. Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ўша вақтдаги қўшни хўжаликларга нисбатан юқори ҳосил олинарди. Колхозчилардан муваффақиятларинингизнинг «сирини» нимада деб сўрашганлариде: «Папаниннинг номига яраша меҳнат қилишимизда», деб соддагина жавоб берад эдилар.

Немис-фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жанги борган Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам Папанин билан алоқа узилмади. Ҳар икки томон мактублар йўллашиб, бир-бирларига руҳий мадад бериб турдилар.

1948 йилнинг кузида Иван Дмитриевич Папанин раҳбар бўлган Шимолий денгиз йўли бошқармасидан В. М. Сузимов билан биргаликда бир неча денгизчи Янгикўрғонга келиб, пахтакорлар ҳузурда аъзи меҳмон бўлдилар. Улар ўзбек деҳқонларига Иван Дмитриевич Папаниннинг саломини топириб, денгизчиларнинг шу кунги ишлари, қизқарли воқеаларни сўзлаб бердилар. Денгизчилар ташрифи уларнинг деҳқонлар билан дўстлигини янада мустаҳкамлади.

1950 йили янгикўрғонликлар ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Иван Дмитриевич Фарғонага мактуб йўллаб, колхоз вакиллари Шимолий денгиз йўли коллективининг меҳмони бўлишга таклиф этди. Колхозчиларнинг умумий йилгилиши ҳосилот советининг раиси кекса пахтакор Қўшмоқбой Усмонов, химзавтор Матисок Юнусов, Аҳмадjon Мадрозиев, колхоз гараж мудири Омонбой Аҳмаджоновлардан иборат делегация юборишга қарор қилди. Делегация Москвада Иван Дмитриевичнинг меҳмони бўлди. Денгизчиларнинг меҳмондўстлиги, одамшавандалиги ўзбек пахтакорларини бехад мамнун этди.

И. Д. Папанин ва Шимолий денгиз йўли илмий-текшириш бошқармаси коллективи билан янгикўрғонлик деҳқонларнинг дўстлиги шу қадар мустаҳкамландики, колхоз эҳтиёжи учун зарур баъзи нарсадан денгизчиларнинг ёрдами туфайли олиб турилди. Урта мактаб биноси, ҳаммом, клуб ва бир неча дала шийпоилари ўша йиллари денгизчилар ёрдамида қурилган. 1950 йилларда прицеппи автомашина бутун район хўжаликлари ичида фақат Папанин номли колхозда бўлган. Папанин оталиғида қад кўтарган ўрта мактабни тугатиб чиққан кўпгина ишлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида масъулиятли вазифаларда ишламоқдлар. Филология фанлари кандидати Абдуманнон Умаров, собиқ Папанин номли, ҳозирги «Коммуна» колхозни раиси Эркинжон Акбаров, партком секретари Носиржон Турсунов, инженерлар Қувватали Олтиев, Туланбой Абдуллаевлар шулар жумласидандир.

Папанин 1937 йилда юқорида айтилган мактубида колхозни кўёшли Ўзбекистоннинг гуллаган хўжаликларидан бирига айланажагига ишонч билдирган эди. Эндликда бу хўжалик Ленинград районидagi юқори ҳосилли, иқтисодий жиҳатдан ривожланган колхозлардан биридир. «Коммуна» колхози йилга 1009 гектар пахтазорининг ҳар гектаридан 28—29 центнердан «оқ олтин», тонналаб пилла, мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб бераётир.

Денгизчиларнинг вакиллари 1948 йили келганларида колхоз қишлоғи кўрмисиз, кўчалари тор, уйлари пасткам, кинотеатр биноси йўқ эди. Агар денгизчилар колхозга энди ташриф буюрсалар, Папанин орзу қилган, гуллаб-яшнаган гўзал қишлоқнинг ҳозирги қиёфасини кўрадилар. И. Д. Папанин билан баҳамти сўхбатлашган, дўст-қадрдон туттинган отахон деҳқонлар бир пайтлар колхоз билан яқиндан алоқада бўлган, борди-келди, хат олишиб турган қаҳрамон денгизчи Иван Дмитриевич Папанинни соғинганлар. Бу жасур инсон билан яна учрашишни орзу этишади.

Қюмжон ТУРСУНОВ

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Журнал редколлегияси «Гулистон»нинг 1972 йил мунофотларини авторларимиздан шоир Жамол Камол, адабиётшунос Умарали Норматов, расом Қобилжон Қосимов, тарихчи олишлар Наим Норқулов ва Ҳамдам Содиқов ўртоқларга беришга қарор қилди.

Жамол Камол «Қуёш чашмаси» дostonи (11-сон), Умарали Норматов «Заминда йшаймиз, заминни ўйлаймиз...» мақоласи (9-сон), Қобилжон Қосимов 5-соннинг муқовасига чизган безаги, Наим Норқулов ва Ҳамдам Содиқов «Номоздаини бир зур ўтди жаҳонда...» мақоласи (5-сон) учун мунофотландилар.

Сизга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз, азиз ўртоқлар!



Жамол КАМОЛ



Умарали НОРМАТОВ



Қобилжон ҚОСИМОВ



Наим НОРҚУЛОВ



Ҳамдам СОДИҚОВ

Агар уруш одам бўлса — қўлларин билан бўғиб ташлардим. Бозор бир темирчиман. Ўзбекман. Уғлим Украинада ҳалок бўлди. Хотинимни гамалам адо қилди.

Қозиндан четан бўлмас, таёқдан гулхан бўлмас.

Болалар уйига илтимос қилиб бордим:

— Боласиз уй мазор. Биронта етимни беринглар, ота бўлиб пешанасини силай.

Менга шундай дейишди: — Мана ўн иккита бола, хоҳлаганингизни олинг.

Мен ҳаммасини олдим. Уйга олиб келиб, ечинтирдим, ювинтирдим-да, ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Ажабтовур болалар, лекин номлари синашта эмас, қийин. Ҳаммаларини қайси шаҳардан келган бўлса, уша шаҳарнинг номи билан атаб чақиршга қарор қилдим.

Хонадонимга, бамисоли, бутун мамлакат йиғилиб келгандек бўлди. Ленинград ўт ёқиб беради, Москва ош давларди, Кишинёв қўшиқ айтади, Таллин масала чиқаради, Одесса учдан кўчириб олади. Мен бўлсам тақдиримни ясаб, амр-фармон бериб ўтираман:

— Киев, Копотопнинг юзини ювиб қўй, ҳар қалай, каттасан.

— Рига, саватин олиб, бозорга ги-зилла.

— Орёл, орқасидан югур, пуллари-ни йўқотиб қўямасин.

— Минск, нега тагин Пинскни урдинг?

Болани ёқтирмаган одам ҳеч кимни ёқтирмайди. Агар феълинг кенг бўлса — бир майзини ўн икки одамга етказасан.

Уларга шундай дедим: — Болаларим, отимни ҳижжоналаб олинглар. Жуда осон: Раҳматулла Саидинович Шермухамедов.

Болалар дейишди:

— Биз сизни Тошкент дада деб ча-қира қолайлик.

...Чўчиқ сандонга урилади, учунни ҳар томонга сочилади. Полопонлар темирқанот бўлиб, лочинлар ошён-ларини тарк этади.

Киев институтга киради, ҳамма профессорлар хикоятда ҳалитданоқ биздан кўп билса, бунга нимани ўқитиб-ўргатамиз, дегандек. Ҳар қалай, доктор қилиб чиқаришди.

Ўзбекистонда ҳам денгиз йўқ. Белоруссияда ҳам, аммо Минск денгизчи бўлиб етишди. Ақлим бовар қилмай, кўргани бордим.

Капитан нима дейдики: — Уғлингизга берган тарбиянгиз учун раҳмат. Шу фахрий беснозир-кани олинг.

— Беснозиркангиз учун раҳмат. Мана бу фахрий дўппини олинг.

Москва радиокомитетда ишлайди,

Р. ВИКЕРС,
А. КАНЕВСКИЙ

МЕНИНГ БИР ДЮЖИНА БОЛАМ

Лирик фелъетон

сўнги ахборот эшиттиради. «Москвадан гапиримиз», деган сўзни эшитсангиз, билингки, менинг қизим гапирпти.

Фақат ҳақиқатни гапирди. Ун йилнинг мобайнида атғи бир мартаба ёлгон гапирди — об ҳавони янглиш айтди.

Ленинград менинг йўлимни тутди, темирчи бўлиб етишди. Яқинда шундай бир мотор ясадики, 500 минг от кучига тенг келаркан!

Копотоп кичкинналигида жангариларни акратиб қўярди. Униб-ўсиб дипломат бўлди, конференцияларда гапирди, катта-катта мамлакатларни тотулаштиради.

Болаларим қувонса — мен теринга сизгамайман, улар қайгурса — мени ҳасрат босади. Ахир бир бармоқни тишласанг — ҳаммаси баббаравар оғрийди-ку.

Одесса ҳусни жамоли барно, ҳали турмуш курмаган. Қўнғилга хуш келадиган шаҳаргинани тополмаппти — гоҳ сурати ёқмаса, гоҳ табиати ёқмайди.

Мен айтманки: — Бурнингни жийраверма, ана, Ригани кўр. Львовга теккан эди, бинойдек аппоқ-чапоқ.

Қўнғиз ўз боласини «оплогима» дебди. Менинг болаларим ҳам ўзини учун оланга бертувди.

Шулсини чатоқни, ҳаммаларининг бошларини бир жойга қолаштираманг жоним қалай.

Ҳўшин айтдики: — Отилган ўқ қайтиб келарминди!

Дилим айтдики: — Неч ботган қўш эртан яна қайтади.

Кечалари минжа қоқмай эслаб чиқаман: бир бурда нонни баҳам кўриб, бир пиёладан чой ичганимиз, бир гулҳанда исиниб, бир ошёнда тоғ оттирганмиз.

Менинг ҳам уйқим йўқ, шайтон иблис ҳам уйқоқ, ерни силкитади. Бамисоли минг-минглаб темирчилар болгасини гурсиллатиб ургандек оламини гулдирсо тутди. Осмон узлиб, том босдию ажални етди.

— Қавдасизлар, болаларим! Нега жонингиз оро кирмайсизлар? Энди сизлар билан дийдор кўришмиз менга насиб қилмас экан шекилли...

У ёғини билмайман.

Нариги дунда кўз очинман.

Йоғим жаннатда эмиш, эгамнинг даргоҳида эмишман.

— Салом, Тошкент дада, — дермиш.

Қарасам: бу даргоҳ район касалхонаси экан, тепада оқ халат кийиб ўғлим Киев турибди.

— Бошингизга хари тегибди, дада, — дейди. — Ҳушингизни қочирган экан, қайтариб келдик.

Хом сут эмган ношукур банда-ей! Болаларимдан бернога койинган эканман, эсларидан чиқаришмаган экан.

Москва ҳамма республикаларга энгилла тўғрисида соат сайин хабар бериб турди. Менинг юртим силкинса — бутун мамлакат тебранади.

Орёл шер бўлиб кетам, Львов бўлса — бургут: фалонат хабарини дар-чадан бурун эшитиб, елиб етиб келишди, егулик-чқулик олиб келишди. Пинск мени харобадан тортиб олибди. Минск касалхонага жойлабди.

Мен у ерда ётиб дори-дармон билан ўзимга келгунимча Ленинград ва

Таллин мен учун кўк шапар уй қуриб қўйишбди.

Тепадан қарасанг, ўша хар худди кафтингда тургандек. Она юртинг — олтин бешик. Уй тўйига бутун оиламиз билан тўпландик. Совга-саломлар олиб келишди: «Рига» деган приёминик, «Карпати» деган телевизор, «Днепр» деган холоидильник. Шунангиги каттани, жазирама кунларда ичга одам кириб жон сақласа бўлади.

Болаларим хотинлари билан келишди, хотинлари болаларини олиб келишди. Бола кўп жой — тўй. Кишинёв «Наманганинг оламоси»ни айтди, Одесса молдавеняскага ўйин тушади. Таллин «Москва меннинг, юртим менинг, оламда сен ардоқлисан», деб қўшиқ айтади, мен бўлсам гопакна ташлайман.

Қўшнилар югуриб келишди: — Вой-бу! Яна энгиллами?

— Энгилласи нимаси? Каттакан тўй бўлганди.

Қўшниларимиз қувониб кетиб, ўзлари ҳам ўйини қўшиқча қўшилиб кетишди.

Яхши шароб — кўнглингини хушлайди, яхши калом ақлингни пешлайди.

Копотоп деган ўғлим сўз айтиш учун Нью-Йоркдан етиб келди.

— Хонилар ва жаноблар, — деди у, — Бирлашган Миллатлар ташкилоти номидан тақдир қиламан, каттакан оламининг бахтини тоблаган доғишман, жўмард темирчи отамизнинг саломатлигига қадаҳ кўтарайлик!

Ҳамма сипқорди, мен йнглавордим.

— Йигит жон берарда маҳбубасини истайди. Кеңса жон берарда фарзандларини қўйсайди. Машаққатли фурсатда ёлғиз қўймаганларингиз учун раҳмат. Қувонқ чеҳраларингизни кўрдим, янгроқ овозларингизни эшитдим, бақувват қўлларингизни сиқдим — энди ўлсам армоним йўқ.

Болаларим чуввос кўтаршди:

— Йўқ! Керасмас! Улмайси!

Минг йил ашайси!

Шу пайт Ленинград кўнғироқ чалди:

— Шовқун-суроннинг нима нераги бор, овозга қўлимиз. Иккита тақдир тушди. «Ўлсам армоним йўқ» учун ким қўл кўтарди. Бир киши. Ким «Минг йил ашайси» учун овоз берарди? Ун икки киши. Яшанг, дада!

Кўчликининг раъйига қарашга тўри келди.

Минг йил ашайманми, йўқим — билмадим. Лекин қатъий аминманки, дўстлигимиз ундан ҳам кўп шайди. Чунки: бойлик — бойлик эмас, қардошлик — катта бойлик.

«Правда»

1972 йил, 4 ноябрь

В. РУЗИМАТОВ таржмаси

XX ва 20. Бир маънодаги икки рақам Мюнхен олимпиадасини эслатади. Бу айниқса, совет спортчилари учун жуда мароқлидир.

Совет спортчилари биринчи марта йнгирма йил муқаддам Хельсинкида бўлган олимпиадага қатнашган эдилар.

Улар сафида Ўзбекистондан икки вакил — гимнастикачи Галина Шамрай ва енгил атлетикачи Сергей Попов борган эди. Республикамиз спортчилари Мельбурн, Рим, Токио олимпиадаларинда ҳам қатнашдилар. Ўзбекистонлик спортчилар айниқса, Мюнхен олимпиадасида зўр муваффақиятга эришдилар. Ҳажмюрларимиз — гимнастикачи Эльвира Саъдий, волейболчи Вера Дунонова ва курашчи Рустам Қозоқов олимпиада мусобақаларида учта олтин медални қўлга киритдилар.

Учта олтин медал! Жаҳоннинг энг кучли спортчилари иштирокда ўтган энг катта мусобақа майдонларида юрдошларимиз эришган бу улкан

Спорт

ОЛИМПИАДА СОВРИНЛАРИ

муваффақиятини чуқурроқ ҳис этмоқ учун рақамларга мурожаат қилайлик: Мюнхен олимпиада ўйинларида жаҳондаги 120 мамлакатдан ўн мингга яқин, жумладан, 209 совет спортчиси қатнашди. Мусобақалар спортнинг 26 тури бўйича ўн олти кун давом этди. Спортнинг ўн турида мамлакатимиз йигит-қизлари биринчи ўринга чиқдилар, 604 медалнинг 107 таси спортчиларимизга теғди. Шундан 50 таси олтин, 27 таси кумуш медалдир. Бу-

лардан уч олтин медал Ўзбекистон спортчиларининг улушидир.

Таъсинга лойиқ ўринни эгаллашда республикамиз олимпиадчилари Канада, Греция, Мексика, Туркия, Ҳиндистон, Испания, Бразилия, Аргентина каби 98 мамлакат спортчиларидан усту келдилар.

Ўзбекистонлик олимпиадчилардан СССРда хизмат кўрсатган тренер Рифат Аблаев ва унинг шогирди, классик кураш паҳлавони, икки марта жаҳон чемпиони Рустам Қозоқов ҳамда икки марта олимпиада чемпиони Вера Дунонова «Хурмат белгиси» ордени билан таъдирландилар. Истеъдодли гимнастикачи Эльвира Саъдий ва унинг устози Владимир Ансёнова «Меҳнатда ўрнатилганлиги учун» медали берилди. Улар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрликлари билан ҳам мунофотландилар.

Э. АВАНЕСОВ,
СССР спорт мастери



Ернинг шимолий яримшарида қиш бошланди. Жанубий яримшарда эса — ёз. Шимолий қутбда Қуёш чиқмаяпти, зминстон; жанубда эса, боғмайди, тонг отганига уч ой бўлди.

Энг узун туун Тошкентда 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечасидир: ёздагига қараганда роса 6 соат ортқи. Ленин Ернинг Қуёшга нисбатан ҳолати бир хил қололмайди. 22 декабрь Тошкент вақти билан 0 соату 13 минутдан бошлаб Қуёш кўтарилга бошлайди — энди ҳар кун Қуёш уфнинг шимолроғидан чиқиб шимолроғига ботади, бинобарин, Қуёш осмонда борган сари кўпроқ туради. Шу «қиши Қуёш туриши» пайтидан «ёзи Қуёш туриши» пайтигача, яъни ярим йил мобайнида кундуз узал боради.

«Декабрь» сўзининг луғавий маъноси аслида «ўн икки ой» демандир (қадим Румода «ўн икки ой» «децем» деб аташган, у пайтларда янги йил мартдан бошланган). Баъзи халқлар декабрь, демаринос, дахимбар, данан, бар тарзида талаффуз қилганлар. Сайёралар кўриниши: Меркурий, Венера, Марс (тонг отмасдан); 4 декабрда эрталаб Тошкент вақти билан соат 4 да Венера ва Марс сайёралари ва Тароз юлдузлари бир томонда, Ёнима-ён туришади; Уран, Нептун (тонг отмасдан, дурбин билан); Юпитер (кечкурун).

Ой боши — 6 декабрь, тўлиной — 20 декабрь.

Йил — 12 ой... Охири ой — декабрь экан, йил ҳисоби муаммоси ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтишни лозим толамиз.


Календарь вақт қарвонидир. Унинг ёрдамида замонлардан замонларга фикран ўтилади, воқеалар орасидаги вақт масофаси аниқланади. Ҳозирги календарь системаси бўлиши Юлий — Григорий ҳисоби бошқа йил ҳисобларига қараганда анча қулай,

афзалликлари борлиги тўғрисида журналимизнинг шу йил биринчи сонидан баён этган эдик. Аммо бу «янги стил» ҳисобининг ҳам бир қанча нуқсонлари бор: ҳафтаининг маълум кунининг маълум кунига мос келмайди; йил ҳафтаининг бир кунидан бошланмайди; ойлари кунлар сонининг ҳар хил (28, 29, 30, 31), кварталлар бир хил эмас (90, 91, 92 кун) ярим йил гоҳ 181, гоҳ 182 ҳатто 184 кундан иборат: иш кунларининг сонининг ўзгариб туради. Буларнинг оқибатида халқ хўжалигининг режалаштиришида анча ноқулайликлар туғилади. Шунингден, замонамизда мамлакатлар ўртасидаги маданий, иқтисодий ва бошқа алоқалар, халқаро муносабатларнинг тобора раволашиб бориши ягона халқаро календарини яратиш ва қабул этишни таъқозо қилмоқда (фақат Ҳиндистоннинг ўзида республика тузилгунча 30 дан ортқи календарь системаси бўлганини эслатиш бу вазифанинг моҳиятини тушуниш учун kifойадир).

Календарь муаммоси ҳаммавақт зарур вазифалардан бўлган. Ал-Фарғоний, Беруний, Умар Хайём, Улугбек, Али Қушчи, Эри, Гаусс, Арраго каби буюк олимларнинг фикрларининг бу масала жалб этганлиги бекиб эмас. Айниқса, юз йилдирини, бу муаммо халқаро миқёсда бир неча бор қўйилиб келмоқда. Бизнинг асримизда унга муҳтоклик яна ошди. Урушдан илгари Миллатлар Иттифоқи календарини янгилаш масаласи билан шуғулланди, лекин муаммо ҳал бўлмади. 1956 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий Кенгаши янги календарь ҳисобини яратиш ҳақида бош қотирмоқда. Бундай календарининг бир қанча лойиҳаси тақлиф этилди. Ленин уларнинг биронтаси ҳам қабул қилинганича йўқ.

Янги календарининг лойиҳалари ичида француз астрономи М. Армелининг лойиҳаси асосида ишланган календарь системаси кўп жиҳатдан қулай деб ҳисобланади. Бу лойиҳа бўйича бир йил 12 ойдан иборат (баъзи лойиҳаларда 13 ой), йилнинг ҳар бир чорағи 91 кундан, яъни 13 ҳафтадан ташкил топади. Ҳар бир чоранинг биринчи оғи 31 кун қолганлар — 30 кунлик. 30 декабрдан кейинги қўшимча кун — «янги йил кунини» ва кабиладики йиллари 30 кундан кейинги қўшимча кун — «Тинчлик ва халқлар дўстлиги кунини» бўлиш деб тавсия этилган. Армелини лойиҳасининг қабул қилинишига баъзи мамлакатлар қарши чиқдилар. Улар диний ақидалар билан боғлиқ кунларнинг аҳамияти йўқолиб қолади, деган баҳонани рўқач қилдилар. Бундан қатъий назар, Армелининг лойиҳаси ҳам замонамиз талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Янги лойиҳалар қўллаб ишланипти. Замонамиз воқелиги ҳозир ишлатилган Юлий — Григорий календарь системасининг реформа қилиниши таъқозо этмоқда. Нелгусида янги календарь қабул қилинса керак.

О. ФАҲЗУЛЛАЕВ



КРОССВОРД

Энigma: 1. Қадимий шаҳар. 3. Чолгу асбоби. 6. Расмийчилик. 10. Республикадаги район. 11. Таом. 12. Еқилги. 13. Ведал достонининг қаҳрамони. 15. Асбоб. 18. Географин термин. 21. Классик шоир. 22. Аёл номи. 25. Тургенев асари. 27. Мева. 28. Чўл ўсимлиги. 30. Анжом. 33. Қадимий «деғаз». 34. Иш нурули. 35. Қуш. 36. Совет гротескстери. 37. Рўзгор жиҳози.

Бўйига: 1. Ўзбек классик шоири. 2. Ҳўин. 4. Деҳқончилик асбоби. 5. Иртиш бўйидаги шаҳар. 7. Шарқий Европадаги дарё. 8. Халқлар тизмаси. 9. Тағор романининг қаҳрамони. 14. Ўзбек операси. 16. РСФСРдаги шаҳар. 17. Адабий жанр. 18. Ўрта денгиздаги йриқ порт. 19. Покистон фильми. 20. С. Айний асари. 23. Буюк инглиз шоири. 24. Иқлимий зона. 26. Африкадаги давлат. 29. Европадаги мамлакат пойтахти. 30. Ўзув қуроли. 31. Ваҳор. 32. Республика пойтахти.

Тузувчи И. ПУЛАТОВ

Жиззах

11-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Янзи. 2. Искандария. 3. Яман. 4. Нева. 5. Андорра. 6. Амазонка. 7. Анкара. 8. Афина. 9. Анджон. 10. Навбўй. 11. Йеллоустон. 12. Нидерландия. 13. Ява. 14. Агра. 15. Альмаден. 16. Нарбада. 17. Аляска. 18. Аракс. 19. Сирдарё. 20. Ериент. 21. Триест. 22. Тибет. 23. Тана. 24. Аждаҳо. 25. Стокгольм. 26. Монблан. 27. Нигер. 28. Рейн. 29. Наманган. 30. Нил. 31. Лена. 32. Аконкагуа. 33. Америка. 34. Австралия.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи ва тўртинчи бетлар: «Хурлигимиз ва бирлигимиз раман».

Э. РУЗИБОВЕВ композицияси.

Иккинчи бет: Москва, Қизил майдон.

А. СТЕПАНЕНКО фотоси

Учинчи бет: Олимий ўйинларида голиб чиқиб, Ўзбекистон спортининг шухратини оламга таратган азаматларимиз Эльвира Саъдий, Рустам Қооқов, Вера Дуонова. (31-бетдаги «Олимпиада совринлар» материални ўқинг.)

Г. ГРАФКИН фотоси

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктаб ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВЕВ (бош rassом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Улистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: 700000. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси. 26-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-80; масъул секретарь — 33-35-19, ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-35-19; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият бўлими — 33-36-02; rassомлар бўлими — 33-36-59.

Восмаҳонага туширилди 13/Х-72 й. Воснишга рухсат этилди 10/Х1-72 й. Қоғоз 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма табақ. Вуюртма 1377. Тиражи 167363. Нашр. В — 3469. Р — 10812.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси. Тошкент.



